

496
1985/8



9m
№2

ГУЛИСТОН
8
1985



Маргилон Аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Омина Раҳимова.

В. Мосин фотоси.

ХИСОРАК

Шахрисабз шаҳридан қирқ километрга қўзилган раvon асфальт йўл тўғри Мироқи қишлоғига олиб боради.

Мироқи — Қашқадарёга чап томондан келиб қўшиладиган энг серсув ирмоқлардан бири, Оқсув дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган боғли, булоқли ва булбуллар сайраган ажойиб маскан. Хисор тоғи этакларидаги ўнга яқин катта-кичик даралардан оқиб келаётган шўх-шан сойлар ана шу қишлоқ яқинида бирлашиб, оқ бўтана сувли Оқсув дарёсига қўшилишади. У йўл-йўлакай ўнлаб сой ва булоқ сувларини ўзага қўшиб олиб, азим дарёга айланади. Оқсув дарёсининг ўзанидаги дара 500—600 метрлик тикликдан иборат. Мироқидан бир неча километр наридаги ана шу тик дара — Оқсув дарёси ўзанида Хисорак сув омбори бунёд этилмоқда.

Айтиш керакки, Қашқадарё областида сув иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган. Областдаги Чимқўрғон, Пачкамар, Толлимаржон сув омборлари қўриқ ерларни ўзлаштиришда кўп йиллардан буён хизмат қилмоқда. Хисорак сув омбори воҳадаги тўртинчи йирик сув иншоотидир.

Хисорак сув омбори 170 миллион куб метр сув тўплашга мўлжалланган. У тўла қувват билан ишга туширилгач, Китоб, Шаҳрисабз ва Яккабоғ районларида сув танқислигига барҳам берилади. Сув омбори шарофати билан қарий 20 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. 40—42 минг гектар сугориладиган майдонларда сув таъминоти яхшиланади. Бу эса пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг сезиларли даражада кўтарилишида муҳим омил бўлади. Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳужжатларида Хисорак сув омбори қурилишини жадал давом эттириш алоҳида уқтириб ўтилган. Шунга кўра, қурилиш юзаск суръат билан олиб борилапти. Виз яқинда гидроқурувчилар ҳузурида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Хисорак сув қурилиши бошқармасининг бошлиғи Комил Амиров қурилиш лойиҳасини шарҳлаб, амалга оширилиши керак бўлган барча тупроқ, бетон ва бошқа инженерлик ишларини ра-

қамлар асосида хикоя қилди. Сўнгра ҳозиргача қилинган ишларни лўнда қилиб сўзлади:

— Сув омбори қурилишига 125 миллион сўм ажратилган. Бугунга қадар 3,5 минг кишилик бошқармамиз коллективи 100 миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирди. Хисорак сув омбори энг замонавий фан ютуқлари асосида, илгор инженерлик ечимлари бўйича барпо этилапти. Ниятимиз сув омборини КПСС XXVII съезди иш бошлайдиган кунларда асосан ишга тушириш. Гидроқурувчиларимиз ана шу мақсадда фидоқорона меҳнат қилишапти.

«Газик» тоғ ён бағри бўйлаб юқорига интилади. Хисорак сув қурилиши бошқармаси партия ташкилотининг секретари Эркин Намозов йўл-йўлакай партия ташкилоти ва коммунистлар амалга ошираётган ишлар ҳақида сўзлайди:

— Партия ташкилотимизда ўнга цех бошланғич ташкилотига бирлашган 104 нафар шижоаткор коммунистлар бор. Улар ўн бир миллат вакиллариدير. «КПСС XXVII съезди шарафига — йигирма етти зарбдор ўн кунлик» ташаббусини коммунистларимиз биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар. Уларга комсомол-ёшлар эргашди. Натижада коммунистик меҳнат зарбдорлари сафи кенгайди. Социалистик мусобақада голиб чиқаётган илгорлар ҳозир 500 нафарга етди. Участка ва бригадалар ўртасида ҳам ўзаро социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Шунга кўра, мусобақа натижалари ҳар ой ва кварталда ақунланиб, голиблар тақдирланмоқда. Бир йиллик планни олти ойда урдалагани учун кран машинисти, КПСС аъзоси, учинчи даражали Меҳнат шухрати ордени нишондори Муҳаммади Сатторовга наватсиз «Волга» автомашинаси берилди. Бошқа илгорларимиз ҳам вимпель, пул, кавовали мотоцикл, энгил автомашина ва турли кимматбаҳо буюмлар билан мунтазам тақдирланиб борилади. Ярим йиллик ақунлари бўйича Эркин Мамадиёров прораблик қилаётган участка коллективи кўчма Қизил байроқ ва пуд мукофоти олди. Меҳнатга коммунистик муносабат туфайли КПСС аъзоларидан экскаваторчи Амир Аҳмедов, бульдозерчи Абдуваҳоб Раҳмо-

нов, бетончи Хуррам Соҳибовлар кўпчилиқка ўрнак кўрсатмоқдалар. Ана шундай илгорларга таянганлигимиз учун ҳам ишимиз сифатли, баракали бўлмоқда.

Биз вагон уйлар олдида тўхтадик. Бу вагон уйларда Хисорак сув омбори қурувчиларининг оператив штаби жойлашган. Ана шу ердан — баландликдан сув омбори қурилишининг бутун манзараси салобати билан кўзга ташланиб туради.

Қудратли КАМАЗ ва МАЗ машиналари бўлакланган харсангош, қум ва тупроқни дамбага ташир, автогрейдер ва бульдозерлар уларни яйратар, махсус машиналар эса шиббалар эди. Инженер-техниклар эса шиббаланган ҳар бир қатламини пухта текшириб, техникавий жиҳатдан нуқсонли жойларни қайтадан мустаҳкамлашга кўрсатма беришади. Бир гуруҳ гидроқурувчилар махсус мосламалар ёрдамида дамба «вужуди»ни бетон қориниша билан мустаҳкамлашмоқда. Хисорак сув омбори дамбасининг баландлиғи 140 метр бўлиши керак. Гидроқурувчилар ҳозиргача 100 метрлик чегарадан ўтишди. Бу йилги серёгин баҳорда сув омборида қарий 70 миллион куб метр оби ҳаёт тўпланди.

Дамбада бўлдик. Унинг ўртасидан махсус сув ўтказгич-тоннель ўтказилган. Дамбанин икки ёндан сув ўтказгич тоннелнинг бел қисмига қадар бир юк машинаси сигадиган қисқа тоннеллар бор. Булар тоннелнинг махсус қисмидаги назорат пультага олиб боради. Бундаги асбоб-ускуналар сув омборида тўпланган оби ҳаёт миқдорини аниқ-равшан кўрсатиб туради. Шунга қараб сувнинг ҳажми ва сигими белгиланади ҳамда дарё ва каналларга истеъмолчилар тасарруфига лойиқ сув чиқариб турилади.

Юз метр баландликдаги дамба тепасидамиз. Унлаб километр масофага қўзилган дамбани кўниши яшил рангли муздай сув тўлдириб бормоқда. Сув омборининг чуқурлиғи эллик метрдан ошган. Аллақачон ёввойи ўрдак ва ғозлар бу ерни ўзларига маскан туттишибди. Сув саҳнида тўда-тўда ёввойи қушлар кўзга ташланади. Ҳар замонда сийм танли баликлар қуёшга эркаланиб, сувда «сакрашмачок» ўйнайди. Сув эпкини димоқни тўлдириб, дилда фараҳбахш ҳислар уйғотади.

— Улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган гидроқурувчилар учун қандай маданий-маиший шарт-шароитлар яратилган?

— Бу саволга гидроқурувчилар шаҳарчасига борсак, тўла жавоб топасизлар, — деди кулиб партком секретари.

Хисорак — гидроқурувчилар шаҳарчасига Оқсув дарёсининг ўнг соҳилидаги баланд адирлик бағрида қад ростлаган. Шаҳарча бўйлаб айландик. Бу ерда Маданият саройи атрофга кўрк бағишлаб турибди. Маданият саройида 500 ўринли клуб, кинотеатр, ўнга яқин тўғарақлар, бадий ҳаваскорлик ансамбли ишлаб турибди. Маданият саройидан қуйироқда минг ўринли ўрта мактабнинг қўш қаватли биноси кўзга ташланади. Магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш уйи, болалар боғчаси. Гидроқурувчилар коттеж ва саҳни ҳовлиларда истиқомат қилишади. Уйлар пишиқ гиштомат қурилган бўлиб, ҳовли деворлари қизил харсангош парчаларидан тикланган. Ҳар бир коттеж ва ҳовлида боғ барпо этилган. Кўча бўйлаб ёнгоқ, гилос, олча, бодом, дўлана дарахтлари бир текис экилган.

— Гидроқурувчиларимиз ишдан сўнг яхши ҳордиқ чиқаришапти, — дейди Эркин Намозов. — Уларнинг оқшомлари завқли кечиши учун барча шароитни муҳайё этаёмиз. Ҳар кунки кино, ҳар ҳафтада концерт намойиш этилади. Китобхоналар конференциялари, мунозара кечалари уюштириб турилади.

...Хисорак шаҳарчасига оқшом тушди. Кўнда жимирлаб юлдузлар пайдо бўлди. Улар билан баҳс қилгандай шаҳарча кўчаларида Илчи чироқлари порлади. Фараҳбахш оқшом. Хисорак сув омбори томонидан оби ҳаёт эпкини эсади. Тангдаги чарчоқларни ёзиб, руҳга энгиллик бағишлайди.

Ҳадемай тун бошланади. Гидроқурувчилар эртанин режасини тузиб, уйкуга кетадилар. Уларнинг тушларига оппоқ пахта майдонлари, мевазор боғлар, ариқ тўла сувлар ва ширин ўғил-қизчалар кирса, ажаб эмас. Зеро, уларнинг улғувор меҳнати истиқболга, фаровонликка, бахтиёрликка бахшида.

Баҳодир АМИНОВ,
Акрам АМИНОВ

ЭҶТИРОМ РАМЗИ

ХУРСАНД ўрта мактабни тугатгач, Тошкентга келиб қишлоқ хўжалик институтига кириш учун ҳужжатларини топширди. Омади юришмади — охирги имтиҳонда қоқилди. Областидан келган вакил унга аллақайси бир техникумга киришни тавсия этди. Қараса, бошқа мутахассислик. Кўнмади. У чигит экишни яхши кўрарди. Чигит қобигидан ясалган қалпоқчасини қуёшга тутиб униб чиққан ғўзаларни яхши кўрарди. Хирмонда — пахта ортилган тележканинг устида ухлаб қолган тунларини кўрсарди. Хурсанд пахтакор бўлмоқчи эди.

Уйга қайтгач, отаси Бино ака ўғлининг кўнглига қараб ўтирмади. Қалам-дафтарини эплотмапсанми, механизатор бўласан, деди. Отанинг бу йўриғи ўғлига татсир этди. У далага ишга чиқиб кетди. Хўжалиқда кучи етган ишни қилди: ғўза чопиғида, сугоришда катнашди.

Шу орада ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Кейин механизаторлардан бирига шогирд тушиб, тракторни бошқаришни ўрганди. Кейин эса улар Истара даштидаги Гиламбоб деган жойга кўчиб ўтдилар. Бу ерда ҳам касби — механизаторлик. Куни эгат санаб ўтади. Пахтазорнинг у бошига чиқади. Қайтади. Кун бўйи, йил бўйи трактордан тушмасаям, эгатларнинг адоғи кўринмайдиганга ўхшайди. Бундан Хурсанд толиқмайди.

...Эргаш Ғозиев бошлиқ бригадада ишлади. Чигит экаётган эдилар. Иш бошига мотоклда бўлим агрономи Нурқобил Жавлиев келиб тўхтади.

— Бўл, Хурсанд, — деди агроном, — сени бўлим бошқарувчиси ўрмон ака сўраяпти. Тўксонлик сейлка маркёрининг узунлиги қанча бўлишини билмаймиз...

— Инженерлардан бирортаси йўқми?
— Бор. Лекин билишмаяпти-да. Эрталабдан бери натижасиз уринамиз.

— Ахир, мен қаёқдан билман. — Хурсанднинг боргиси келмади, ишини қизганди.

— Ўрмон ака: техникани Хурсанддан яхши биладигани йўқ, деди-да. Бормасанг бўлмайди, — оёғини тираб олди келган киши.

Ушанда ҳар хўжалиқдан бир-икки бригада чигитни эгатнинг пуштасига кенг қаторлаб экишни тажриба қилаётган пайтлар эди. 6-бўлимда бу тажриба Қарши Ўсаровнинг бригадаси чекига тушганди.

Хурсанд сеялқанинг қисмларини, эгатлар кенглигини, маркёр сеялқанинг қаериди қотирилишини диққат билан кузати. Фикрларини жамлаш учун қўлига қалам олди. Унинг чапақайлаб қорозга нималарнидир ёзиши ўрмон акага эриш туюлди; бундан ҳам бирон наф йўқ, дегандай босиб-босиб сигарет тутатарди.

— Маркёрнинг узунлиги икки метр йигирма беш сантиметр бўлиши керак, — деди ниҳоят Хурсанд қатъий қилиб.

Унинг айтганини қилдилар. Сеялқани юргизиб кўрдилар. Қарасалар, мўлжал тўғри. Қизик, бир ярим кун овра бўлиб, сеялка рамасининг учи билан четки эгат оралиғидаги масофага эътибор бермантиллар-а.

— Ана шу «Беларусь» трактор энди сени-

ки, — деди ўрмон Эгамбердиев. — Зўр экансан. Уқувингга балли.

— Ўз тракторим, ўзимнинг бригадам-чи?

— Йўқ. Бу — янгилик. Янгиликни эса ҳамма ҳам эплайвермайди. Гап битта: ўзинг ишлаб кўрсатсан энди янгиликнинг нима-лигини.

Культивация пайтида бригадир Қарши Ўсаровнинг бир иши Хурсандга оғир ботди. Бригадир қайроғоч дарахти хивичидан ясалган чўпни қўлидан қўймасди. У культивация қилинаётган далада чапарастасига юриб, чўпни қайта-қайта тупроққа ботирар, ҳар ўн қадамдан сўнг, культивациянинг чуқурлигини бошқадан ўлчар эди. Сувчиларнинг, чопиқчиларнинг ҳузуригаам бир қарра боргандай бўлади-да, келиб, яна чўпни тупроққа ботиришга тутинади. Механизаторнинг олди-га келмайди. «Ҳорманг» — «бор бўлинг» дейиш ҳам йўқ. Фақат...

Хурсанд тракторни тўхтатиб, бригадирнинг ҳузурига келди. Мулоимгина саломлашди.

— Нима, ишим маъқул тушмаяптими, ака? — деди у бригадирнинг қўлидаги чўпга ишора қилиб.

— Йўқ...

— Ишонмаётган бўлсангиз, мана, ишингиз, мана, трактор, ўзимнинг олдинги бригадамга кетаман.



Қарши Ўсаров тунд кўрингани билан кўнгли очик одам экан. Шарақлаб кулиб юборди.

— Маъқул, Хурсандбой, — деди у кулгидан ўзини тўхтаётмай. — Тўғри, санаб туриб олтимиш беш жойдан ўлчамим. Чуқурликда фарқ йўқ. Вир хил. Ишингизга баҳо — беш!

Моҳир механизатор Хурсанд Биноевнинг ишига бригадиргина эмас, бўлим мутахассислари ҳам бунгача юқори баҳо беришган.

Вир гал механизаторларнинг иш орасида бўлиб ўтаётган йнгилишларидан бири бошлар экан, совхоз директори Хурсанд Биноевни мажлис ҳайъатига таклиф қилди. Сўнг соқоллари ўсган, юзига мой ўлшган, тугмаси узук кўйлак кийиб олган тракторчини ўрнидан турғазди.

— Бу кишини танийсиз-а, сиздек тракторчи бўлиб ишлайди-я? — Хурсандни ишора қилиб сўради директор ҳалиги йигитдан.

— Ҳа, танийман.

— Айтаялик, икковимизни ҳам танимасиз. Тўсатдан уқрашиб қолдик, дейлик. Айтинг-чи, қайсимиз совхознинг директори эканлигимизни ажрата олармидингиз?

Тракторчи гап нимадалигини энди тушунди. Хурсанд Биноевга эътибор бериб қаради: қовоқлари ёпирилган, Алломишдай савлатли йигит. Ҳозиргина даладан чиқиб келган бўлсаям, соқолларини силлиқлаб олишга ултурганди. Кийим-бошининг ярашганини айтмайсиз. Чиндан ҳам юриш-туриши совхоз директориникидан ҳеч кам эмасди.

Директор гапиди давом этди:

— Уст-бошини ивирситган одам ўзи ишлаётган даласини ҳам ивирситиб қўяди. Хурсанд Биноев қорамойга қўлини урмайдиган олифталардан деб ўйламанг. Тракторнинг мотори «тиқ» этса, шу гавдаси билан моторнинг ичига кириб кета олади. Лекин ўзининг ҳам кадр-қимматини билади. Бундай йигитга бир бригаданинг механизаторлигини эмас, бутун бошли совхозни ишониб топширса ҳам бўлади.

— Уқиб келса, нима, директорлик қочиб кетиптими, — луқма ташлади ўтирганлардан бири.

Уқиб келса...

Уша воқеадан бироз вақт ўтгач, район раҳбарларидан бири Хурсанднинг маълумотини суриштириб қолди.

— Институтга қиролмаганман, — синиқ овозда жавоб берди у.

— Сиртдан ўқишга ҳаракат қилинг, ёрдам берамиз, — деди директор.

Директорнинг гапи туртки бўлди шекилли Хурсанд ўша йили ўқишга борди. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг сиртки бўлимига кирди. Ҳозир олий мактабнинг агрономия факультетининг тўртинчи курсида таҳсил олмоқда.

Хурсанд Биноевнинг бўш вақтини топиб, суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Яқинда Москвадан, «Советский Союз» журналидан суратчи келди, — дейди Хурсанд. Фамилияси Седов экан. Кулиб турганимда суратга опти. Ўзим ҳам билмай қолипман денг...

— Механизаторлик осонроқ эди. Бригадир бўлгандан кейин ҳаммага бирдай кўрина-вермас экансан. Ишимиз осонликча кечаётгани йўқ, — деди у ўз фаолияти ҳақида гапириб. — Тиниб-тинчимасангина ишинг юришади. Тинмасанг тинарсан деганлари шу бўлса керак-да... Беш йиллик пахта тайёрлаш планини бригаданимиз тўрт йилда бажарди. Бу йилги режамиз гектаридан эллик центнер.

— Устозларингиз кимлар? — деб сўрадик.

— Одамлар.

— Одамлар!

Этти бирдай фарзандимиз бор. Тўнғичимиз Фахриддин пахтада ишляпти.

— Ота касбини танлабди-да.

— Ҳа, шундай.

Ленин йўли районидаги Ленин номи совхознинг моҳир механизатори Хурсанд Биноев кўп йиллардан бери пахтачиликда ғайрат билан интилиб ишлаб ўз элида, халқи олдида катта обрў-эътибор топди. Байрам кунлари унинг кўксини безаб турадиган Ленин ордени, Мехнат Қизил Байроқ ва «Хурмат белгиси» орденлари ана ўша эҳтиромнинг рамзи.

Олимжон УСАНОВ

БУЮК БАШОРАТ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ДЕМОКРАТИК
РЕВОЛЮЦИЯДА СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯНИНГ
ИККИ ТАКТИКАСИ» АСАРИНИНГ
80 ЙИЛЛИГИ

Хар бир муҳим тарихий босқичнинг моҳиятини, ана шу даврга хос назарий қондани ишлаб чиқиш, революцион назариянинг энг янги хулосаларини амалий фаолият билан, партия ғояси ва иродасини халқ орзумидлари ва иродаси билан боғлаш ленинчи партиянинг анъанавий хусусиятидир.

Доҳиймиз В. И. Ленин 1905 йилнинг ёзида ёзган (1905 йил 7 августда босилиб чиққан) ўзининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган асарига ҳам партиямиз анъанасига кўра Россиядаги биринчи революция даврида партиянинг тактик ҳамда стратегик йўлини ишлаб чиқди.

Россияда революцион аланга тобора авж олаётган пайтда — 1905 йил апрелида Лондонда РСДРПнинг III съезди иш бошлади. Меньшевиклар бу съезда келмади ва Женевада алоҳида конференция чақирди.

В. И. Ленин ўз асарига Россиядаги революцион ҳаракатлар тажрибасини илмий асосда

таҳлил қилиб берди. Асар Женевада РСДРП Марказий Комитети томонидан босиб чиқарилди, ўша йилнинг ўзида Россияда бир неча марта нашр қилинди.

Доҳий асарда марксизмни ижодий ривожлантириб, буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлиги тўғрисида; ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисида ва социалистик революцияда пролетариатнинг энг камбағал деҳқонлар билан, шаҳар ва қишлоқдаги барча ярим пролетар омма билан иттифоқи тўғрисида; чор самодержавиясини ағдариб ташлаш ва революционнинг галабаси учун восита сифатида қуролли кўзғолон ҳақида; ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси ва унинг сиёсий органи — муваққат революцион ҳукумат тўғрисида ҳамда пролетариатнинг халқ революцияси йўлбошчиси ролини бажаришда ҳал қилувчи шарт сифатида пролетариат сиёсий партиясининг зарурлиги ҳақидаги масалаларни ишлаб чиқди.

В. И. Ленин марксизм тарихида биринчи бўлиб, Россияда бошланган революциянинг Ғарбий Европа мамлакатларида бўлиб ўтган революциялардан фарқини, бу революцияда пролетариатнинг асосий куч бўлиб чиққанлигини, бу революция ўз вазифаси жиҳатидан халқ революцияси эканлигини таърифлаб, «буржуа революциясида буржуазия асосий ролни ўйнаши керак», деб даъво қилувчи меньшевикларга қарши ўлароқ: «...Буржуазия демократик революцияни охирига етказишга қодир эмас, деҳқонлар эса революцияни охирига етказишга қодир ва биз бу ишда деҳқонларга ёрдам бермоғимиз лозим... Деҳқонлар оммаси пролетариат билан бир қаторда актив революционер бўлиб майдонга чиққан чоқдагина рус революцияси чинакам ривожлана бошлайди», деб уқтиради (В. И. Ленин. ТАТ, 11-том, 100-101-бетлар). Асарда чоризм устидан ҳақиқий галаба қозона оладиган куч — халқ оммаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Чунки пролетариат билан деҳқонлардан бошқа ҳеч бир синф чоризм устидан қатъий галабага эриша олмас эди. Большевиклар партиясининг III съезди ҳам буржуа-демократик революцияда пролетариат билан деҳқонларнинг иттифоқ бўлиб курашиши, натижада уларнинг революцион демократик диктатураси вужудга келишлигини башорат қилди.

Съезд ва конференциянинг диктатура ҳақидаги қарорларини таҳлил қилиб, В. И. Ленин: «Революциянинг чоризм устидан қатъий галабаси пролетариат билан деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси демакдир», деб кўрсатди (В. И. Ленин. ТАТ, 11-том, 48-бет).

РСДРП III съезди ўз резолюцияларида ағдариб ташланадиган ҳукумат ўрнига муваққат революцион ҳукумат тузиш шioriини илгари сурди. Чунки бу қуролланган халққа таянувчи ҳукумат пролетариат билан деҳқонларнинг революцион-демократик дикта-

турасининг сиёсий органи бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин социал-демократиянинг муваққат ҳукуматда иштирок қилишини зарур деб топди.

Асарда Россиядаги буржуа-демократик революциянинг асосий хусусиятларидан бири — унинг социалистик революцияга ўсиб ўтиш имконияти мавжудлиги атрофлича баён қилинди.

Революцияни социалистик революцияга галабасигача ривожлантириб боришнинг зарурлигини таъкидлаб, В. И. Ленин бундай деб ёзди: «Биз демократик революциядан дарҳол социалистик революцияга ўта бошлаймиз ва худди ўз кучимизга, онгли ва уюшган пролетариат кучига мувофиқ равишда ўта бошлаймиз. Биз узлуксиз революция тарафдоримиз. Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз» (В. И. Ленин. ТАТ, 11-том, 255-бет).

Доҳий ўз асарига революцияда пролетариатнинг раҳбарлик ва ташкилотчилик ролини ўташида, революциянинг галаба билан якуланишида пролетариатнинг сиёсий партияси ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб уқтирди. Меньшевиклар эса «демократик революцияни фаол суратда амалга ошириш социал-демократларнинг иши эмас, аслида бу буржуазиянинг ишидир, чунки революцияда пролетариатнинг йўлбошчилиги қилиши ва унинг бошида бориш революцияни мағлубиятга олиб келади», деб ўйладилар. Ленин бундай қарашларни қоралаб, бу революцияда пролетариатнинг курашига ғоявий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам раҳбарлик қилувчи партия байроғи остида ягона ва муस्ताкил сиёсий куч бўлиб жипслашган тақдирдагина гегемонлик ролини ўйнай олиши мумкинлигини кўрсатди.

«Революциялар тарих локомотивларидир», деган эди К. Маркс. Халқ оммаси революция вақтида янги тартиблар ижодчиси бўлиб майдонга чиқар эди. Халқнинг мана шу завқ-шавқи ва гайратини тўғри йўлга солиш зарур эди.

Бу буюк вазифани фақат марксистик партия амалга ошириши мумкин ва у бутун халққа бош бўлиб, тўла оозлик учун, республика учун ва социализм учун курашга раҳбарлик қилиши керак эди.

В. И. Лениннинг ушбу асарига ишлаб чиқилган буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши ва бу революцияда марксистик партия раҳбарлигининг зарурлиги ҳақидаги назария социалистик революция ва марксистик партия тўғрисидаги барча сохта қарашларга зарба берди. Бу асар большевик партияни илмий равишда асосланган стратегия ва тактика билан қуроллантирди, революцияда большевик партиянинг назарияси, тактика ва стратегияси масалалари юзасидан меньшевиклар ва II Интернационал раҳбарларининг реформистик қарашларини аёвсиз фош қилди.

Лениннинг буюк башорати тўғри бўлиб чиқди. У ишлаб чиққан тактика ва стратегия Улуг Октябрь социалистик революцияси галабаси учун кенг йўл очиб берди. Бунда большевиклар партияси раҳбарлигида рус пролетариати асосий роль ўйнади.

Мамлакатда социалистик жамяят қуриш ва мустақамлаш учун кенг имкониятлар очилди. Ленинчи партиямиз революция галабаларини мустақамлашга, синфий душман қолдикларига, чет эл интервенциясига қарши курашда, ўзининг VIII съезида қабул қилинган иккинчи программасидаги вазифалар — мамлакатни индустриштириш, қиш-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий - сиёсий,
адабий - бадий журнали

№8 (426)

Август

1985

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

лок ҳўжалигини социалистик асосда қайта куриш, маданий революцияни амалга ошириш ишларига етакчилик қилди.

Совет халқи партия раҳбарлигида мамлакатда социализмнинг тўла ва узил-кесил галабасига эришди. Бу жасорат, меҳнат ва галабалар туфайли Советлар мамлакати ривожланган социализмнинг бошланғич босқичига қадам қўйди.

Коммунистик партия ўзининг социал сиёсатини доимо халқ фаровонлиги даражасини оширишга, барча совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, уй-жой фондини кенгайтиришга, умумий ва хунар таълими системасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратиб келди ва келмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, уни интенсифлаштириш, фан-техника тараққиёти суратларини бутун чоралар билан тезлаштириш партиянинг диққат марказида турибди.

КПСС ва Совет давлати жамятинининг социал бир хиллигини кучайтиришга кўмаклашмоқдалар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш йўлини изчиллик билан олиб бормоқдалар.

Совет халқи Коммунистик партиянинг сиёсатини астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Коммунистик партия ўзининг мислсиз ғоявий, ташкилий ва бунёдкорлик кучини, жамятни адолатли, социалистик принциплар асосида ривожлантириш учун, коммунизм иши учун курашда оммага раҳбарлик қилиш қудратини намоён этди.

Бугунги кунда партия билан халқнинг метиндек бирлиги совет тузуми энгилмаслигининг, Ватанимиз тобора гуллаб-яшнашининг ҳақиқий манбаи бўлиб келмоқда. Коммунизм курилишида совет жамятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки коммунизм курилиши кўлами ва мураккаблиги сиёсий ҳамда ташкилий раҳбарликнинг юксак даражада бўлишини тақозо этмоқда.

Эндилликда «Марказий Комитет теварагига жипслашган халқ ва партия КПСС XXVII съездига ҳозирлик кўрар экан, Совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар», деб ишонч билан таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Март пленумида сўзлаган нутқида.

В. И. Лениннинг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асарида илгари сурилган ғоялар бугунги кунда жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари фаолияти учун қўл келмоқда, мустама лака мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатларининг ривожига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

«Россиядаги биринчи революция чоғида ортирилган тажриба... ҳозир ҳам социал ва миллий озодлик, социализм ва тинчлик йўлида курашаётган халқлар учун ўзгармас аҳамиятини сақлаб қолмоқда», деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарориди.

В. И. Лениннинг «Демократик революцияда социал демократиянинг икки тактикаси» китобидаги буржуа-демократик ва социалистик революция тўғрисидаги ленинча назария илмий коммунизмга қўшилган катта ҳиссадир. Бу асар барча коммунистик ва ишчи партияларни, ишчилар синфини буржуазия ҳукмронлигига қарши матонат билан курашга доимо илҳомлантириб келмоқда. В. И. Лениннинг буюк башорат билан йўғрилган ушбу асари тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг мураккаб ва зифаларини ҳал қилишда, монополияларга, милитаризмга қарши курашда омгани прелетариат теварагига тобора маҳкам жиплаштиришда давом этмоқда.

Қўлдош ЭРҒАШЕВ,
тарих фанлари кандидати



ЁШЛИК РУҲИ

МОСКВАДА XII ЖАҲОН ЕШЛАРИ ВА СТУДЕНТЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

«Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!»


Жаҳон ёшлари фестивали байроғига мана шу сўзлар битилган. Бутун дунё ёшлари ана шу муштарак ният билан тинчлик учун курашмоқдалар.

Тинчлик! Ҳаёт, боқийлик, тараққиёт рамзи бўлган ана шу улуг мақсад жаҳон халқлари тилларида бугун ҳар қачонгидан кўра қудратлироқ жарангламоқда. Тинчлик учун курашини, унинг барқарорлигини сақлаш жаҳон халқларининг долзарб зарурий бурчи, олий тилагига айланганлиги бежиз эмас. Империалистик кучларнинг зўр бериб қуролланиши, АҚШ ҳукмрон доираларининг космик қуролланиш томон хавфли интилишлари халқаро вазиятни тобора мураккаблаштирмоқда. Мана шундай оғир ва хавфли халқаро шароитда тинчлик учун кураш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган курашида жаҳон ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Мамлакатимиз пойтахти Москвада очиладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг XII фестивали ҳам тинчлик байроғи остида ўтади. Унда турли ижтимоий системаларга мансуб бўлган мамлакатларнинг ёшлари қатнашадилар. Жаҳон

2 минг 300 та ёшлар ташкилотларнинг аъзолари иштирок этадилар.

Фестивалнинг Москвада ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Яқинда мамлакатимиз фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк галабанинг 40 йиллигини байрам қилди. Жаҳонда ёшлар фестивали ҳаракатининг бошланганига ҳам бу йил қирқ йил тўлади.

Ҳа, ёшлар фестивали шонли ва жанговар тарихга эга. Уша Буюк галабага эришилган йилнинг кузида жаҳон ёшлари фестивалини ўтказиш ғояси туғилган эди. Ушанда 63 мамлакатнинг вакиллари Лондонда жаҳон ёшлари конференциясига тўпланган эдилар. Аёвсиз жанглар бўлиб ўтган ўрмонзорларда, хонавайрон бўлган шаҳарлар ва қишлоқларда ўқ-дориларнинг ҳиди ҳали кўтарилмаган ўша пайтнинг ёш авлоди уруш, фашизм ва агрессиянинг қанчалик даҳшатли эканлигини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам реакция кучларига қарши турадиган, турли мамлакатларнинг ёшларини жиплаштиришга қодир бўлган мустаҳкам халқаро ташкилот зарур эди. Мазкур конференцияда демократик ёшлар фестивалини ўтказишга қарор қилинди. Уруш, қуролли иғволарга ва фашизмнинг захарли уруғларининг қайта униб чиқишига қарши курашиш ёшлар фестивалининг асосий вазифаси қилиб белги-



Опа-сингил Дилфуза (ўнгда) ва Наргиза Қурбоновалар Ташкент Трикотаж бирлашмасининг илгор тикувчиларидан ҳисобланадилар.

-ТИНЧЛИККА ЧОРЛАЙДИ

ланди. Уша тарихий кундан буён ўтказилган жаҳон ёшларининг ўн битта фестивалининг ҳар бири эзгулик, адолат ва озодлик гоёлари билан бирлашган планетамиз ёшлари бирдамлигининг ёрқин намоиши сифатида хадқаро ижтимоий ҳаёт тарихида муҳим из қолдириди.

Ер шаридаги ёш авлод вакиллари дастлаб 1947 йил август ойида Чехословакия пойтахти Прага шаҳрида ўз фестивалларига тўпландилар. Фестивалга тайёргарлик ишлари эса Жаҳон демократик ёшлари федерацияси Ижроия комитети (ВФДМ) раҳбарлигида олиб борилди. Ушанда Прагага 71 мамлакатдан сиёсий, диний ва ижтимоий ташкилотларнинг вакиллари келдилар. Жаҳон ёшларининг бундай нуфузли анжумани ГАРБнинг реакцион доиралари учун маъқул келмади. Улар турли йўллар билан фестивалга ишга ҳалақат беришга интилдилар. Лекин уларнинг уриниши беҳуда эди.

Прага фестивали вақтида уруш даврида бутунлай яқсон этилган Лидице қишлоғида анжуман қатнашчиларининг оммавий митинги бўлди. Улар қишлоқни харобалардан тозаладилар, янги қишлоқ учун янги уйларга пойдеворлар ётқиздилар. Фестиваль кунларида ҳам қишлоқ қурилиши анжуман ёшлари эътиборида бўлди. Фестиваль делегатлари гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, набат билан қурилишда ишлашдилар. Янги, навқирон Лидице қишлоғининг қад кўтариши Прагада учрашган ёшлар дўстлиги ва бир-

дамлигининг рамзи бўлиб қолди. Прага фестивали яна бир муҳим воқеа билан нишонланди. Фестивалнинг очилиш куни «Страгов» стадионида шоир Лев Ошанин сўзига композитор А. Новиков басталаган «Демократик ёшлар гимни» жаҳон ёшлари эзгу туйғуларининг рамзи ўлароқ илк бор жаранглади.

Шу тарзда фестивал ҳаракати ўз сафига тинчлик ва демократия учун янги-янги курашувчиларни жалб этиб ўсди ва мустақамланди.

Прагадан сўнг Москва, Будапешт, Бухарест, Варшава, Вена, Хельсинки, София, Берлин, Гавана шаҳарларида бўлиб ўтган фестиваллар ҳам жаҳон демократик ёшлари тарихидан муҳим халқаро ижтимоий воқеалар сифатида ўрин олди.

Шу нарса диққатга сазоворки, фестивал ҳаракатида совет ёшлари, айниқса, фаол қатнашмоқдалар. Тинчлик ва бирдамлик гоёларининг тантанаси учун ўтаётган ҳар бир фестивал мамлакатимиз ёшлари ҳаётида ҳам муҳим из қолдиromoқда. Дарҳақиқат, ёшлар фестиваллари Советлар мамлакатининг ёшлари, Ленин комсомоли учун ҳамма вақт кадрли ва эътиборлидир. Жонажон пойтахтимиз Москва шаҳрининг фестивал тарихида иккинчи марта ер юзи ёшларининг қадамжо маскани бўлиши ҳам шу эътиборнинг қанчалик ақтиромга тўлуғлигидан далolat беради.

Жаҳон ёшлари ва студентлари XII фестивалининг Москвада ўтказилиши Совет Иттифоқи ёшлари учун катта шараф ва ишончдир. Ёшларимиз ўзларининг зарбдор меҳнатлари ва амалий ишлари билан Москва анжуманини планетамиз ёшларининг ҳақиқий жанговар байрамига айлантириш учун барча шароитларни яратдилар.

Москва фестивалининг программаси рангбаранг. Унинг ҳар бир куни муҳим халқаро ижтимоий мавзуга бағишланади. Тинчлик, ядро урушининг олдини олиш, қуролсизланиш, империалистларга қарши бирдамлик, ёшлар ва студентларнинг ҳуқуқи, хавфсизлик ва ҳамкорлик, янги иқтисодий тартиб каби ҳаётий ижтимоий муаммолар фестивал кун тартибига қўйилади. Фестивалнинг бир куни эса Совет Иттифоқи бағишланади. Уша куни анжуман қатнашчилари жаҳонда биринчи социалистик давлат бўлган мамлакатимиз эришган улуғвор муваффақиятлар билан танишдилар.

XII фестивал кунларида фестивал ҳаракати анъаналарига кўра империалистларга қарши трибунал ўтказилади. Унда анжуман қатнашчилари империализм ва реакция кучларининг энди мустақилликка эришган мамлакатлар ва халқларга қарши хиёнаткорона жинойи фаолиятларини фoш қиладилар.

Фестивалнинг маданий тadbирлар кўламидаги программасида интернационал бирдамлик концертлари, фольклор санъати ҳамда классик ва оммавий музыка байрамлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шунингдек, программа бўйича физкультура ва спорт усталарининг ўртоқлик учрашувлари, машҳур спортчиларнинг чиқишлари ўтказилади.

Барча совет ёшлари сингари республикамиз ёшлари ҳам жаҳон ёшлари фестивалининг Москвада ўтказилишини зўр мамнуният ва қувонч билан кутиб олдилар. Улар

фестивалга тайёргарлик ишларига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиш истагини билдирдилар. Худди шу мақсадни кўзлаб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси муҳим тadbирларни ўз ичига олган қўлланма планини тасдиқ этди. Республикаимизда фестивалга тайёргарлик ишлари ана шу план асосида изчил олиб борилди. Меҳнат коллективлари, олийҳимматли ёшлар фестивал фондларига ўз жамғармаларини ўтказдилар. Ўзбекистон комсомол ва ёшлари фестивал фондида июнь ойида 2 миллион сўмдан кўпроқ маблаг ўтказилди. Мана оддий бир мисол. Тошкент шаҳар трикотаж бирлашмасининг ёш ишчиси Наргиза Қурбонova Тошкент область комсомол мукофоти лауреати учун берилган пул мукофотини шу фондга ўтказди.

Фестивалга тайёргарлик кўриш муносабати билан мамлакатимизда бошланган «Тинчлик учун курашга менинг хиссам!» «Фестиваль қатнашчилари бўлган Советлар мамлақати ёшларига!» шioriлари остида ўтказилаётган жанговарлик ва меҳнат вахталарида республикамиз ёшлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Шу йил март ойида диёримизда ёшларнинг Халқаро XII фестивалга бағишлаб «Ёшлар тинчлик ва социал тараққиёт учун!» мавзудида республика илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

1984 йилнинг апрель ойидан буён эса Совет Ўзбекистони бўйлаб Республика тинчлик эстафетаси ўтказилmoқда. Эстафета программаси бўйича Тошкент шаҳрида ижодкор ёшларнинг митинги, Навоий шаҳрида «Биз тинчлик учун овоз берамиз!» шiori билан кўрғазма, Вухорода «Оталаримиз анъанасига содиқмиз!» шiori остида ёшлар фильмларининг фестивали ўтказилди.

Республикамиз ёшларининг 116 нафар муносиб вакиллари жаҳон ёшларининг XII фестивалига делегат бўлиб қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Улар орасида фабрика ва заводларнинг илгор ёш ишчилари, истеъдодли санъаткорлар, жамоатчи студентлар, зиёлиларимизнинг ёш ташкилотчи вакиллари бор. Масалан, Тўрткўл районидagi Дмитров номи колхоз аъзоси, СССР Олий Советининг депутати Уғилжон Сафоева, Москва районидagi «Москва» колхозининг илгор аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Сайёра Мирзаева, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ялла», Хоразмдан «Булбулча», Тошкент шаҳар Пионерлар уйининг «Ғунча» ансамбллари, Самарқанд шаҳридаги Ушинский номи педагогика билим юртининг рус тили ўқитувчиси Жамила Умарова сингари ёшлар ва ёш коллективлар Москвада ўтказилadиган жаҳон ёшлари XII фестивалининг муносиб делегатларидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, жаҳон ёшларининг Москвада ўтказилаётган XII фестивали тинчликни мустаҳкамлашга, дунё ёшлари бирдамлигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади. Ер юзидa яшаётган барча ёшлар Москва фестивали тимсолида ўз қудратларини ва ёшлик сафларининг жиспелигини яна бир қарра намоиш этдилар.


Ҳа, ёшлик руҳи тинчликка чорлайди!

Худойқул ТУРАЕВ,
тарих фанлари кандидати



Дариха Жакибоева Тахياتош ГРЭСининг ёш мутахассисларидан.

А. Жданов фотолари



Абдулла ҚАҲҲОР

ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ИШИ

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ўзбек совет адабиёти, жумладан, сатираси тараққиётга катта ҳисса қўшган. Унинг бой ижоди, шунингдек хажвий асарлари бугунги кунда ҳам ўз жанговарлигини йўқотган эмас.

Ҳавонинг қовоғи солиқ. Битта-иккита ёмғир томчилаб турибди. Кимсан Қорабоев қўғирчокдек кина кизчаси Лолани етаклаб, хотини билан ажрашгани судга кетаётди. Унинг сочлари тўзиган, ранги не аҳволда, кийим-боши гижим, шимининг почалари лой...

Лола дадасининг қаёққа кетаётганидан беҳабар, лекин шундай яхши дада ҳар куни қаёққадир бир ёмон жойга бориб ароқ ичиб, ёмон дада бўлиб келишини билар эди, шунинг учун хавотирда: ўша ёмон жойга ҳар куни ўзи якка борар эди-ку, бугун нега мени олиб кетаётди экан?..

Лола дадасидан кўзини олмай,

туртиниб-суртиниб, оёқ остидаги кўлмақ сувларни сачратиб, қалдирғочдай тинмай чуғирлаб борар эди. Ким билади, гоҳ ранжийган, гоҳ ёлворган, гоҳ йиғламсираган товush билан жавраётган бу гўдак нималар деяётди!..

Кимсан муюлишда гастронотма бурилди, магазинга кириб Лоланинг кўлини қўйиб юборди-ю, ранг-баранг шишалар териб қўйилган томонга борди. Лола магазиннинг ўртасида туриб қолди; кўзлари жавдираб, дадасига бир шиша ароқ узатган «ёмон бир опа»га, харидорларга қаради. Лекин уни ҳеч ким пайкамади.

Магазиндан чиқилгандан кейин Лола гапирмай қўйди. Энди

унинг хаёли бошқа нарса билан банд эди: дадаси шимининг чўнтагида дўмбайиб турган ароқни қачон ва қаерда ичади-ю, яна «ёмон дада» бўлиб нималар қилади...

Суд залида эр-хотин Кимсан билан Инобатхоннинг яқин қариндошлари, баъзи бир таниш-билишлар. Инобатхон аслида яхши, лекин ичкилик тириклай тобутга тиккан эрига чиндан ҳам аза тутгандай бошдан-оёқ қора кийган; қовоқлари шишинқираган, кириқларида ёш зарралари йилтирайди, қўнграб юбормаслик учун рўмолчасини лабига қаттиқ босиб бир чеккада ўтирибди.

Лола онасини кўриш билан югуриб бориб унинг бўйнига осилди, яна қалдирғочдай чуғирлаб, бирпасда оламжаҳон гап гапириб ташлади...

Суд мажлиси очилди. Савол-жавоб бошланди.

Ун бир йиллик оила. Кимсан илгарилар «хонаси» келганда ичар эди, кейинчалик битта-иккита улфат орттириб «хонаси»ни ўзи келтирадиган бўлди. Тўрт йилдири «хонаси» ҳар куни келади, тўрт йилдири оилада ҳаловат йўқ: хархаша, шовкин, кўз ёши... Кимсани баъзан ечинтириб бўлади, баъзан бўлмайди. Бутун уйдан, кийимлардан, кўрпа-ёстиқдан, ҳатто Лоланинг бошидан ҳам ароқ ҳиди келади!

Кимсан стакани кўлига олганида нима учун ичаётганини билмайди, биров гапирса малол келади, «доно одамларнинг насиҳатидан чиқиб қолибман», деб жеркиб ташлайди.

Ароқ унинг териси билан эти орасига жойлашиб олган, шунинг учун севгили хотинидан кўра арққа кўпроқ ишонди.

Кўпинча ароқ унинг кулоғига шивирлайди:

— Биласанми, хотининг сенга куймайди, рўзгордан уриб пул орттираётди. Кўрмайсанми, топганим зўрга учма-уч келади... Жанжал...

Инобат жонидан безор бўлиб, қаттиқ гапирса ароқ яна Кимсаннинг кулоғига шивирлайди:

— Хотининг ҳалол эмас, ширин сўзини бошқаларга тўкиб, сенга нукул тахирини қолдиради...

Шовкин-сурон... Инобатхон ширин сўз бўлса, яна балога қолади:

— Хотининг ҳозир ўйнашининг кучоғидан чиқиб келди, сенга доғуллилик қилаётди! Шунча зийраклигинг билан наҳот шуни пайқамасан!

Инобатхон гоҳ зор-зор йиғлаб, гоҳ ёлвориб, гоҳ қаттиқ гапириб

уни ичкиликдан тиймоқчи бўлган вақтларида ароқ Кимсанинн туртиради:

— Хотининг сени қайириб олмақчи, бир марта гапига кирсанг елканга миниб олади. Бир стакан ичадиган бўлсанг хотинингни додлатиб туриб икки стакан, уч стакан ич!

Тўрт йилдан бери аҳвол шу. Фақат шугина эмас-да, хотин мастнинг қусиғи артилган латтадай қўланса шу одам билан бир кўрпада ётиб келаётди!

Инобатхон тўрт йил давомида йиғлаган, жанжаллашган, бунақа оилавий турмушдан воқ кечмоқчи эканини айтган вақтларда ҳам ароқ Кимсанга «парво қилма, ҳеч қаёққа кетмайди» деб тасалли берди; бундан икки ой бурун Инобатхон уйдан узил-кесил чиқиб кетаётганида ҳам «хотиржам бўл, барибир қайтиб келади» деди. Лекин, шундоқ бўлса ҳам, Кимсан кўнглига гўл-гўла тушиб, ҳар эҳтимолга қарши Лолани зўрлик билан олиб қолди. Бироқ ҳозир Инобатхон судьяларга қараб, қавм-қариндошлар олдида шунча гапни айтганидан кейин Кимсаннинг кўзи ярақ этиб очилди-ю, ичкилик ҳароратидан кечаси билан қаттиқ уриб хориған юрағи алланечук бўлиб кетди, совуқ тер босди. Унинг аҳволини кўриб кимдир бир стакан совуқ сув келтириб берди. Лола бўлаётган гапларни яхши тушунмаса ҳам, ароқ туфайли ёмон бир иш рўй берганини сезиб бир чеккада мунгайиб ўтирган эди, дадасининг титраётган кўлидаги станканга кўзи тушар экан, жонжаҳди билан қичкириб унга томон отилди:

— Дадажон, ичманг! Ичманг!..

Стакан Кимсаннинг кўлидан тушиб чил-чил бўлди. Орқада ўтирган бир чол Лолани ўзига тортиб бағрига босди. Залда бир ғовур кўтарилди-ю, оғир жимлик чўқди, у ёқ-бу ёқдан пиқ-пиқ йиғи товуши эшитилди.

Суд ҳукмига кирди. Ҳукм икки соатдан кейин эълон қилинди. Лола онага ҳукм қилинди. Инобатхон Лолани етаклади. Лола ҳайрон, гоҳ дадасига қарайди, гоҳ онасига...

Кимсан нима бўлганига тушунолмай гаранг бир аҳволда эшикка томон йўналди. Ким билади, шимининг чўнтагида сонига ботиб турган бир шиша ароқни эшикдан чиқини биланок ичади-ми, ё ерга кўтариб уради-ми! Агар ерга урса бунинг товушини Инобатхон эшитиб эҳтимол қайрилиб қараса, эҳтимол қайтса... Ахир, Инобат хурсанд бўлиб эмас, йиғлаб кетаётди-ку!..

Меҳнаткаш халқ хўжайинлик қилаётган давлат ўз граждандларининг ҳаёти ва саломатлигига бефарқ, бешафқат муносабат қилишига йўл қўймаслиги керак ва йўл қўёلمайди, у кишиларга бемаъна зарар етказувчи ҳодисаларга қарши курашга отланмоғи зарур.

М. ГОРЬКИИ

Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлигини нобуд қилади, ақлий қобилиятини нобуд қилади, оила ҳаловатини нобуд қилади ва энг даҳшатлиси, одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади.

Л. Н. ТОЛСТОИ

Хору хасни кўрсатур тупроқда гўё шуъла — нур, Ичкилик — аҳли ҳавасни оқибат расво қилур.

БЕДИЛ

Ичкилик ичиш инсониятга, гарчи у хурсандлик учун ичилса ҳам шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан-қанча истеъдодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмақдалар.

И. П. ПАВЛОВ

Ичкилик — дўстларни койиш, улар билан жанжаллашиш, ҳамсухбатларга озор бериш ва яқин кишилардан жудо бўлишга сабаб.

Ичкилик — балонинг эшиги, сен ўша эшикка бош суқишдан эҳтиёт бўл.

Абу Аъло ал-МААРРИЙ

Ичкиликбозлик — ваҳшийлик оқибати бўлиб, қадим ва ёввойи ўтмишдан бошлаб инсониятни гишпа бўғиб келмоқда, одамзоднинг энг яқин намоёндаларининг ёшлигини ғажиб, кучини совуриб, қувватини сўриб, ҳалокатга учратиш, инсониятдан муҳдиш, хирож доблаб келмоқда.

Ж. ЛОНДОН

МАЛҲАМ ЭМАС, ЗАҲАР

ИЧКИЛИК — ИЛЛАТ!

Одамлар вабодан кўрқадилар, бироқ вино ундан ҳам даҳшатлироқдир.

О. Бальзак

Ичкиликнинг инсон ҳаёти учун ниҳоятда зарар эканлиги маълум бўлса-да, ҳали ҳам унинг сиртмоғига бўй чўзган кишилар топилб туради. Мабодо, уни бирор бемор кимнингдир таъсирида истеъмол қилса-чи, зарарини асти қўяверинг.

Ичкилик дастидан яхши ниятлар сароб, ибратга арзигулик режалар хароб бўлиши табиий.

Ваъзан санаторий, профилакторий, шунингдек, шифохоналарда даволанаётган беморларни кўргани келган «қадрдонлар» ўзлари билан «кўнгил хуши» деб, ичкилик кўтариб келадилар. Улар ўзгалар назаридан нари бўлган пана жойларда беморнинг соғлиги учун қиттак «отишини» маъкул кўрадилар ва айрим ҳолларда даволанувчи шахсни ичишга мажбур қиладилар. Умуман олганда, даволовчи муассаса маъмурияти бундай номатлуб ишлар-

га йўл қўймайди, қаттиқ чоралар қўллайди.

Ҳўш, бордию, назоратдан четда қолган бемор спиртли ичимликлардан хатто хўпласа ҳам, бирнеча кунлар, хатто ойлар бадалида ўтган даволаниш жараёни чипакка чиқади, бу ўйламай қилинган иш беморнинг саломатлигида ёмон асорат қолдиради. Дори-дармон қабул қилаётган бемор спиртли ичимликларни озгиза олмаслиги лозим. Алкоголь ўз набабатида бемор томонидан қабул қилинаётган дори-дармонларнинг таъсирини ўзгартириб, уларнинг организмга сингишини ўта уйғунлаштириб юбориши мумкин. Аввало, меъда-ичак йўлидаги табиий муҳитнинг ўзгаришига сабабчи бўлади, натижада истеъмол қилинадиган парhez таомининг шароитга кўникиши қийинлашади. Дори-дармон эса ўта таъсирчан бўлиши ёки парчаланиб кетиши мумкин. Масалан, оддий меъёрида қабул қилинган ухлатувчи ёки ором берувчи дори-ларнинг кучини алкоголь қарийб уч марта ошириб юбориши мумкин. Дорининг таъсир кучи ошди деган сўз, беморнинг қон босими

ниҳоятда пасайиб кетишига олиб келади: у вази мувозанатини йўқотади, кўзининг илгаш хусусияти ожизланади, фаромушлиги ортади. Шу билан бирга изтиробли, кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади-ва баъзи ҳолларда мусибатли оқибатларга олиб келади.

Алкоголь бактериал препаратлар, шунингдек, антибиотикларнинг табиатига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг таъсир кучини ўзгартириб юборади. Алкоголь нафақат уйку бағишловчи, хотиржамлаштирувчи (транквилизатор) дори-дармонларнинг кучини ошириб юборишга қолмай, балки оғрик қолдирувчи, қуянчиқ ва тутқаноққа қарши ишлатиладиган, шунингдек, одам организмни мустаҳкамлашга омилкорлик қиладиган дори-ларнинг таъсирини ҳам ишдан чиқаради. Маълумотларга қараганда, тутқаноқ касаллигига қарши қўлланиладиган дори-алкоголь таъсири натижасида беморнинг организмга кучли зарар етказилади.

Умуман, алкоголь дори табиатига зид келади, фақат зарар

кўрсатади. Баъзи дори-лар борки, улар бемор организмда ичилган алкогольни захарли маҳсулотларга парчалаб юборади, оқибатда бемор организмда сирка алдегидининг салмоғи ошади, бу эса оғир кўринишга эга бўлган захарланишга олиб боради. Бундай пайтларда бемор нохуш азиятларга учрайди: бош оғриги, кўнгил айнаши, қусиш, юракнинг бежо уриб ҳаприқиши, мия гангиши, қулоқ шангиллаши, юрак атрофида оғрик хуруж қилиши каби ҳолатлар беморнинг дардига дард қўшади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, спиртли ичимликлар инсон зоти-га, шу жумладан, беморлар учун ёт нарса. У кишининг дардига эм бўлмайди, балки фақат зарар келтиради.

Кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир киши ўзининг хайри ҳисесини кўшиши лозим. Ичкилик каби иллатга томан чек қўйиши керак. Ҳа, ичкилик малҳам эмас, захардир.

Маннон НАБИЕВ, дорিশунос



ЯШИЛ ТАОМ

Денгиз ва чучук сув ҳавзаларида ўсадиган йирик сувўтлар кўп мамлакатларда тановул қилинади.

Японлар денгиз сувўтларининг айрим турларини ковуриб, газак тайёрлайдилар. Улардан фойдаланиб суяк ош, конфет, ошкўк ҳозирлайдилар, уларни ҳатто қишда истеъмол қилиш учун тузлаб ҳам қўядилар. Ирландия мамлакатининг аҳолиси порфира деб аталадиган қизил рангдаги сувўтни зўр иштаҳа билан истеъмол қилинади. Ҳозир шираворлик саноатида юмшоқ, хушхўр мармеладлар тайёрлашда сувўтлардан фойдаланилади.

Шарқий Осиёнинг кўп мамлакатлари халқлари

тупроқ устида ўсувчи носток номли сувўтнинг айрим турлари билан ҳам овқатланадилар. Бу сувўт Монголиянинг ярим чўл ва чўл зоналарида кўп тарқалган бўлиб, уни маҳаллий халқ газдерен курус деб атайдди. Тоғли районларда япончи хитойлар нематоносток деб аталувчи сувўтнинг бир турини жуда хуш кўрадилар. Уша жойларда бўлган сайёҳларнинг ёзишича, бу сувўт уларнинг байрамларида ва базмларида тановул қилинади.

Марказий Африка мамлакатларининг аҳолиси спину-

лина деб аталувчи сувўтнинг бир туридан қадим замонлардан бери озиқ-овқат сифатида фойдаланадилар. Узоқ Шарқ ва Япон денгизларида кўплаб ўсувчи ламинария номли кўнгир рангли сувўтдан тайёрланган консервлар бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳурдир. «Денгиз қарами» деб аталувчи бу сувўт хилма-хил витаминлар ва инсон организмга учун эғр зарур бўлган микроэлементларга бойдир.

Умуман, денгиз сувўтларининг 70 га яқин тури истеъмол қилинади.

Юсуфжон ака жуда кўп учрашувларда бўлган, бироқ буниси бўлакча эди. Айниқса, кўйрочдек кийинган пионер қиз шезер айтиб, бўйнига қизил галстук тақиб кўйганида меҳри товланиб кетди, ажинлари ёйилиб, киприklarига севинч ёшлари қалқди. Учрашув ҳам тугади, у мамнун ҳолда уйига қайтапти. Бўйнида чўғдай галстук ҳилпирайди. Афтидан, бунни ўзи ҳам хаёл билан бўлиб унутган. У шу кўйи катта йўлда одимлаб борапти. Еш-ялангар эҳтиром билан салом бериб, отанинг ортидан жилмайиб қолишади. Бу кўча ҳозир «Комсомол» деб аталади. Мана шу кўчадан Юсуфжон ака салкам бир асрдан бери катнайдми...

...Улуг Октябрь тонгининг фарахбахш нурулари Фарғона музофотига ҳам ёйила бошлаган эди.

Шу кадрдон кўчадан кета туриб, болалигини эслади. Ушанда ҳали суяги қотмаган Юсуфжон отаси билан Баротбойнинг даласига борар, терга ботиб, кош қорайтувчи гўзани чопиқ қилар эди. Насриддин ота эса, ўглининг чайир кўлларига боқиб, ишга жонжаҳди билан киришганини кўриб, бир қувонар, бир ич-ичидан эзилар эди. «Авжи ўйинқароқ бўлган пайтда рўзгор ташвишига шерик бўлди-я, бояқиш!» дея хаёлидан ўтказарди ота...

Кунларнинг бирида Юсуф одатдагидай от етаклагани далага бормади. Бир ўзи ҳеч нарса удалай олмаган Насриддин ота ўглини койиб, даладан қайтиб келди. Юсуф отасини кўрдию ўзини гоят ноқулай сеза бошлади. Чунки бойнинг таънасига дучор бўлган отасининг: «Уар, тақсир! Хайдовни бугун тугата олмадик», — деб ёлвориб турга-

Улуг Октябрь офтоби Юсуфнинг ҳам йўлини ёритди. У энди чинакамига гайрат билан ишга киришди. Чунки у миллионлаб меҳнатқашлар сингари мамлакатнинг эгаси бўлиб қолган эди. Завод, меҳнат умрининг мазмунини, гўё танидаги жони эди. Бунни куйидаги воқеадан белли ҳам бўлади:

Бир куни ишдан келдию, тайёр хўрдани ичиб, боши ёстиққа кетди: жуда толиққан эди. Гўдагининг ижирганишидан уйғониб, бешик кучоқлаган хотини деразага қаради. Ҳар маҳал бўладиган тун қоронғуси аёлга бўлакча туюлди. Назарида, теварак-атроф алвон тусга киргандек.

— Дадаси, дадаси! Уни қаранг, нима бўляпти ўзи? — Юсуфжон салчиб ўрнидан турди-да, деразадан ташқарига боқди. Чиндан ҳам завод томон қирмиз тусга кирган эди. Енғин! Завод ёняпти! Юсуфжоннинг юраги ҳаприқди. Этигини қўлантаёқ кийдию, тўнни елкасига ташлаганича кўчага югурди. У йўлда борар экан, хаёлидан шундай ўй ўтар эди: «Аблаҳларнинг иши бу! Унеур бўлгандан кейин балодан ҳам қайтмас экан-да! Аммо барибир чиранганинг билан иш чиқмайди. Пахта мустақиллиги йўлига гов бўлиб бекорга уринасанлар...

Заводга етиб келганда, бошига темир каска кийган ўт ўчирувчилар сув сепишяётган эди. У ҳам ёрдамга отилди. Балонинг олди олинди...

Эртаси куни буйруқлар тахтасидан куйидаги сатрларни ўқиди: «Енғинга қарши кирашда алоҳида ўртак кўрсатгани учун ичиги бригада мастери Ю. Насриддиновга раҳматнома эълон қилинсин ва пул мукофоти берилсин».

ЮСУФ — СТАХАНОВЧИ

ни кўз олдига келган эди. Лекин у ўзини кўлга олди.

— Ота! Агар рози бўлсангиз, эртадан далага бормасам! — Юрагини ҳовучлаб сўзларди Юсуф. — Қорзинка заводига ишга кирсам (маҳаллий аҳоли бой Қорзинкиннинг заводини шундай аташарди). Соли чироқчи билан келишиб олдик.

Қорзинкин ҳамма бойлар каби устаси фараглардан эди. Кўпни кўрган Насриддин бунга ўглининг сўзларини эшитиб эзилди. Бироқ на чора. «Суяги пишадми», деган андишага борди.

Соли чироқчи (ишчи Соли Мўминов заводда тунги чироқларни ёқиб-ўчириб юргани учун шундай лақаб олган эди) билан бирга «Жин» машинасини бошқара бошлади. Аввалига машина айланмиш, чигитни пахтадан ажратадиган ускуналар уни хайратга соларди. Еш ишчининг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб юрган Владимир Севастьянов бундай кезларда ўзини сезмаганга олиб ёрдамга келар, машинанинг бир маромда ишлашини таъминлашга ёрдам берад эди.

— Энг муҳими, — дерди уста, — пахтанинг бир маромда барабанларга тушишини таъминласанг, бас! Ушанда иш кўнглидагидек юришаверади. Акс ҳолда, пахта тикилиб қолади. Чигит эзилиб, тола чайналиб, сифати бузилади.

Устанинг ҳар бир сўзини қулоғига қуйиб олган Юсуф тез орада эътиборга тушди. Кунлик топшириқни удалайдиган бўлиб қолди. Бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Кечаги содда йигит тажрибали ишчига айланди.

Ушанда мукофотлашгани ўзига эриш туюлди. Чунки жонини гаровга қўйиб, ўт ичига отилгани табиий эди. Заводни ёнғиндан сақлагани — ўз умрини сақлагани билан баробар эди. Шунинг учун ҳам бир Юсуфжон эмас, бошқа ишчилар ҳам иккилашиб қараб тургани йўқ: ҳамма бирдай ўзини ўтга урди...

Юсуфжон Насриддинов тобора шавқ билан меҳнат этар, бутун халқни ҳаяжонга соладиган ажойиб ишлар қилгиси келар эди. 1935 йили, долбаслик шахтёр Алексей Стаханов ташаббуси мамлакат бўйлаб қанот ёйгани унинг учун айти мударра бўлди... Стаханов меҳнатни оқилона режалаштириб, ўз план нормасини 14 баробар зиёд бажаришга эришган эди. Заводда мажлис бўлди. Юсуфжон замондошнинг бу хайрли ташаббуси ҳақида гапириб, ҳаммани стахановчи бўлишга даъват этди.

— Бўлганга гап, — деб бақирди той пахта устида ўтирган Ашур. — Қандай қилиб унга эргашиб бўлади. Бу кўмир эмас-ку ахир! Пахта! Момиқ! Тушундирингми! Бунинг устига кўп ишлар бу ерда қўлда бажарилади.

— Бўлгани шу деб ўтиравераск, жойимизда депсиниб қоламиз, — деб ишонч билан гапирди Юсуф. — Ахир ер остида, қийин шароитда шундай ютуққа эришсаю, биз бундай деб тураск! Нима дейсизлар, қўшилиамизми стахановчиликка?

Ҳамма чапак чапиб юборди.

Ишлар юришиб кетди. Пахта мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшишга сўз берганлар дақиқалар қадрига етиб ишлашди. Йил якунланганда катта йиғин бўлди.

Қора чарм камзулли киши, афтидан область марказидан келган бўлса керак, Юсуфжон Насриддинов бошлиқ сменани мақтади. Кўзланганидан 68 тонна кўп сифатли тола ишлаб чиқарилиб, тўқимачилик корхоналарига юборилганидан мамнун эканликларини таъкидлади. Ана шу муваффақиятлари учун Юсуфжон Республика пахта тозалаш сановати халқ комиссарлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Шундан сўнг уни «Юсуф-стахановчи» деб аташадиган бўлишди.

...1941 йил. Ватан осмонини қора қалхатлар кўланкаси қоплади. Илгор ишчилар завод билан вақтинча хайрлашишга мажбур бўлишди. Фроннга кетишди. Юсуфжон ҳам маъмуриятдан фронтга жўнатишларини илтимос қилди. Бир неча бор ҳарбий комиссариятга борди.

Кунларнинг бирида уни директор хузурига чақирди.

— Бу ер ҳам фронт! — деди директор. — Наҳот, фашистларга қирон бераётган жангчиларимизга иссиқ усти-бош зарур эканлигини тушунмасангиз! Гап шу! Сиз меҳнат фронтисиз, бунни унутмаслигингиз керак.

Ҳамма соҳада уруш нафаси сезилиб турарди. Коллективдаги асосий хизмат жойларини Анна Петровна Портянкина, Мария Алексеевна Петроченко каби аёллар эгаллашди. Кейинчалик фронтдан қайтган Солижон Ҳошимов, Қурбон Нишоновлар ҳам улар сафига қўшилишди. Улуг Галабадан сўнг эса дастгоҳларнинг ёнида яна ишчилар гавжумлашди.

Уруш йилларида Ермасордаги 3-завод Фарғона 1-пахта тозалаш заводига қўшилган

эди. Тикланмиш йилларида завод бир кунда ишлаб чиқараётган маҳсулот у ташкил топган даврнинг бир йиллик маҳсулотига тенг эди. Буларнинг ҳаммаси Юсуфжон Насриддиновнинг кўз ўнгида содир бўлаётганди. Замонавий ускуналар, узатишлинлар, тола ажратиш машиналари билан бир қаторда инженер-техник ходимлар сафи ҳам ўсди.

Юсуф ақани эндиликда заводда ҳамма танийди. Шоғирдлари кўп. Эндигина меҳнат кучоғига келатган ёш ишчилар ҳам «Юсуф — стахановчи» ҳақида кўп эшитишган.

Фарғона область Ўлкани ўрганиш музейининг область энгил сановати тарихига бағишланган бўлимида — кўрғазмалар бурчада Юсуф ақанинг биринчи беш йиллик зарбдори гувоҳномаси, стахановчи ҳаракатини акс эттирувчи ёрлиқлар, нишонлари, у кишининг портрети сақланади.

...Отаҳон кўчада ҳамон алвон галстугини ҳиллиратиб, хаёлга ғарқ бўлиб борапти. «Бекорга меҳнат қилибмиз, умримиз зое кетмабди!» дея пичирлайди у ўз-ўзига. «Қандай замонларга етиб келдик-а, ким эдику ким бўлдик!»

Юсуф ота ўзига-ўзи ҳисоб бериб, шаҳар марказида Ленин майдонига келиб қолганини сезмади. У дохий Ленин ҳайкалига меҳр ва эҳтиром билан тикилди. Унинг нигоҳларидан мамнунлик ёйиларди.

Адҳамжон ҚАРИМОВ,
Аминжон АБДУЛЛАЕВ
Фарғона

АЁЛЛАР ЖАСОРАТИ

Қурбоной УБАЙДУЛЛАЕВА

АЁЛЛАР! Шу биргина сўзда олам-олам мазмун мужассам. Аёл — мунис она, вафоли ёр, меҳнатда толмас шижоаткор, яхшиларга ҳамжихат, ҳамкор, ёмонларга қахри қаттиқ, бетимсол, бетакор улуғ зот. Аёлларнинг теран ақлу идроки, тадбиркорлиги, шарму ҳаё, ифату ибод, ору номус, камтарлик, камсуқумлик каби гўзал фазилятлар билан омухта мардлик, жасурлик, қатъийлик хусусиятлари ҳақида қадим-қадимдан бўён қанчадан-қанча дostonлар битилиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчган. Визнинг замонамизда эса аёлларнинг ана шу фазилятлари янада ёрқинроқ, давримиз руҳига мос янги кирралари билан намоён бўлиб,

уларнинг номларини шону шуҳратга бурқади, элга танилди. Зулмат пардасини йиртиб, ёруғликка интилганларнинг, она-Ватанимизга бостириб кирган немис-фашистларга қарши курашга отланганларнинг, фронт орқасида тинимсиз машаққатли меҳнати билан ёвуз душман устидан галаба қозонишимизга катта ҳисса қўшган фидойиларнинг олдинги сафларида ҳам эркаклар билан ёнма-ён ана шу аёллар бордилар.

Уша суронли, алғов-далғов йилларда эзгуликка интилган қанчадан-қанча аёлларимиздан жудо бўлди. Босмачилар билан курашда мардларча ҳалок бўлган Майна Ҳасанова, эрку озодлик йўлида тириклайин ерга кўмилган самарқандлик актив жамоатчи аёл Шафоатой, санъатимиз қалдирғочлари — ажойиб хонан-

да Турсуной Саидазимова, марғи-лонлик раққоса Нурхон... Эҳ-хе! Яна қанча-қанча майналар-у, шафоатойлар-у, Турсуной ва нурхонлар!.. Бахтимиз учун мардонавор курашган, эзгу ишлари билан ўзларига ҳайкал ўрнатиб, номларини одамлар дилига муҳрлаб кетган аёлларимизнинг саноғи йўқ.

Жасоратли аёллар деганда, ҳар жабҳада ўз фаолликларини кўрсата олган собитқадам, ўқтам-юрақ, ўзларининг мазмунли ҳаётлари, фидокорона меҳнатлари, меҳнатда ажойиб мўъжизалар яратиб билан шуҳрат топиб, эл хурматиға сазовор бўлган юзлаб, минглаб курашчан, меҳнатға эш хотин-қизлар кўз олдимизда жонланади. Биз ушбу мақолада ана шундай жасоратли аёллардан Тоштилла Расулова, бахтимиз

учун курашган аёллардан — наманганлик она-бола Қумрихон Ёқуббоева билан Муҳаббат Исмоилова ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик. Бу аёллар тақдирини, таржимаи ҳоли, давлат ва жамоатчилик ишларида қилган фаол хизматлари жиҳатидан бир-бирларига жуда яқин турадилар.

* * *

Владимир Ильич Ленин Марказий музейи ва унинг Тошкент филиали залларида бирида киши диққатини ўзига жалб қилувчи бир сурат бор. Унда Надежда Константиновна Крупская съезд делегатлари бўлмиш ёқим-тойгина икки ўзбек қизини бағриға босиб турибди. Ана шу қизлардан бири Тоштилла Расуловадир. Камтарин, камсуқум, ҳаётға ўткир кўз, ёниқ қалб билан қарайдиган бу қиз 1918 йили Наманганнинг Қизилдровот қишлоғида туғилиб, вояға етди. Октябр революцияси шарофати билан очилган илк совет мактабининг биринчи ўқувчиси бўлмиш Тоштилла шу ерда биринчи-иккинчи босқич таълимини олғач, ўн уч-ўн тўрт ёшиданоқ ишға кириб кетди. Меҳнат фаолиятини қишлоқда тузилган биринчи колхозда секретарликдан бошлаб, кейинчалик район комсомол комитетиди инструктор, сўнг район комсомол комитетининг секретари лавозимиға кўтарилди. У ҳали жуда ёш бўлиниға қарамай, қайси лавозимда ишласин, ҳамма жойда ўзининг эпчил-чаққонлиги, жамоатчилиги ва ишчанлигини кўрсатиб, кўпларнинг диққатини ўзига қаратди. Уша йиллар хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, янги замон руҳини, мақсадини одамларға тўғри тушунтира билиш жуда мушкул бўлиб, бу иш мутасадди кишилардан жуда катта тадбиркорлик, билагонлик, вазминлик ва энг аввало жасурлик талаб қиларди. Олдинға қўйилган мақсад муҳим ва мураккаб, қилинадиган ишлар ҳаддан зиёд: асрлар бўйи ичкарида қамалиб, қон-зардоб ютган хотин-қизларни мудҳиш ичкари балосидан, рўдапо паранжи-чачвондан қутқариш, уларни саводсизликини тугатиш курслари ва ишлаб чиқаришға тортиш, мактаб, клуб, артеллар очишда мутасадди кишиларға кўмаклашиш... Воши-учи кўринмас бу ишлар партия, совет, комсомол раҳбарлари ва ходимларини баъзан шошириб, баъзан чуқур ўйға толдирарди. Чунки ўша йиллари республикамининг барча шаҳар-қишлоқлари сингари Наманганда, айниқса унинг атроф қишлоқлари ва чекка жойларида эркин ҳаракат қилиш ҳам оғир, ҳам хавф-хатарли эди. Гарчи у пайтлар кулоқлар тугатилган, босмачилар хуружи боси-



Н. К. Крупская ўзбекистонлик делегатлар (чапда) Осий Фаёзова ва (ўнгда) Тоштилла Расулова билан. Москва, 1936 йил.

Г. Зельма фотоси

либ, замонлар бир қадар тинчиб, ҳаёт маълум бир изга тушиб қолган бўлса-да, лекин янги, ёш ҳокимиятни ичдан кўпоришга ҳаракат қилувчилар онда-сонда бўлса ҳамон топилиб турарди. Хусусан Қўзиларвот, Жийдакапа, Пешқорон, Валиқул кўл, Бешкапа, Шарқилоқ, Шарқўрғон томонларда кунда, кун оша бир фожали воқеа содир бўлар, партия, совет ташкилотлари ва активлар орасига сукулиб кириб олган ёт унсурлар коммунистлар, комсомоллар, айниқса актив аёллар ҳаётига суиқасд қилишни ҳамон давом эттириб турардилар.

Тоштилда опа ёш совет давлатини мустақамлаш йўлида қилинаётган ишларга раҳна солмоқчи, мақсаддан чалғитмоқчи бўлган қора ниятли кишиларга қарши курашчилар билан ҳамisha ҳамнафас, у сардор бўлган комсомол-ёшлар бу ишда пешкадам эдилар. Вақти-соати келиб, ҳақиқат тантана қилди, ноҳақлик емирилди, эркинлик, ёруғликка интилган халқимизнинг асрий орузлари ушалиб, янги ҳаёт кечира бошладилар.

...1936 йили хотин-қизларнинг Вутунитифок VI съезидга делегат бўлиб борган Тоштилда у ерда Лениннинг рафिकासи ва сафдоши, Шарқ хотин-қизларининг дўсти Н. К. Крупская билан учрашиб, суҳбатлашиб бахтига мушарраф бўлди. Ушанда Тоштилда ўн саккиз ёшда бўлишига қарамай, чуқур мулоҳазалар, тўғри фикрлаши, дадиллиги ва ташкилотчилик хусусиятлари билан бошқа аёллардан анча-мунча фарқ қилиб турарди. У Наманганда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳақида, уларни ўқишга ва ишлаб чиқаришга сафарбар қилишда қандай натижаларга эришилгани ҳақида Надежда Константиновнага батафсил ҳикоя қилиб берди ва бундан сўнг қандай ишлаш, кўпроқ нималарга эътибор бериш тўғрисида маслаҳат сўраб, қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар олди.

Хотин-қизлар анжуманидан олам-олам қувонч, кўтаринки руҳ билан қайтган Тоштилда у ерда бўлган гаплар асосида катта завқ шавқ билан ишни қайта ташкил қилишга киришди. Уша йили у Уйчи район партия комитетининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича секретари, кейинчалик область комсомол комитетининг секретари лавозимига кўтарилди.

Тоштилда опа кишиларнинг қалбига куй билан, ғазал билан кира билган, кези келганда қўшиқ айтиб, рақсага тушиб, аёлларни ром эта олган ва уларни катта, шарафли йўлга, эзуғликка сафарбар этган жамоатчи аёл бўлиши билан бирга, қалами ўткир публицист, қалби ёниқ шоира сифатида давримизнинг доллар масалаларини кўтариб чиққан мақолалари, шеърлари тез-тез матбуотда босилиб турарди. Хусусан унинг область ва шаҳар комсомол комитетлари ҳузурида ташкил этилган қизлар Советининг раиси, область ва шаҳар хотин-қизлар Советининг аъзоси сифатида қилган ишлари, ёган публицистик мақолалари мактовга лойиқдир. Унинг танқидий мақолалари ҳаммагинг дилида чўкиб ётган муҳим гапларни

дадиллик билан айта олиши, катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовордир.

Ким тугилса бирга тугилдим, —
Ким ўлса гар бирга кўмилдим, —

дея ёган Тоштилда опа ҳаммага бирдек, ғамхўр, меҳрибон, инсон бошига тушган мусибатга ҳам, шодлигига ҳам бирдек шерик бўлишни чинакам инсон учун унутилмас вазифа, бурч ва олижаноб фазилат деб ҳисобларди ва ўзи ҳам шунга амал қиларди. Наманган хотин-қизларидан жуда кўпчилигининг ўқиб, мукамал билим эгаллашлари ва раҳбарлик лавозимларига кўтарилишларида Тоштилда опанинг ҳиссаси жуда катта бўлган.

* * *

КУМРИХОН Екуббоева, Муҳаббат Исмоилова... Бу табаррук номни наманганликлар зўр ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. Уларнинг қилган ишлари, кўрсатган мардликлари оғиздан тушмайди. Қаердаки жасурилик ҳақида гап кетса, шу ерда бу она-боланинг номлари зикр этилади. Улардан бири Фаргона водийсида биринчи бўлиб трактор рулини бошқарган, биринчи бўлиб, паранжи-чачвондан қутилган, аёллар орасида биринчи бўлиб партия сафига кирган Қумрихон ая бўлса, иккинчиси кўнгиллари сафида Улуг Ватан урушида иштирок этиб, ғалабамизга ўз улушини қўшган ва кўси орден-медалларга тўлиб, соғ-омон Ватанга қайтиб келган Муҳаббат Исмоиловадир.

...1927 йили Андижон шаҳрида паранжи ташлашга бағишланган катта митинг бўлди. Уртада уюлган беҳад-беҳисоб паранжи-чачвонлар... Шу чоқ тракторини гуруллатганча майдонга Қумрихон ая кириб келади. Бошида паранжи.

— Зап вақтида келдинг-да, Қумрихон, — унга пешвоз чиқди Йўлдош ота Ғунбобоев, — қани бўлмаса, тракторингдан тушиб, мана шу уюлган рўдаполарга ўзинг бир ўт қўйиб юбор-чи!

Қумрихон паранжи-чачвонини юмалоқлаб, тоғдек уюлган паранжилар устига отди-у, тракторидан сакраб тушиб, уларга ўт қўйиб юборди. Аланга фалакни тудди. Нурга ташна юзларни тўсиб келаётган рўдаполарни ёлқини ўт устига келтириб отаётган аёлларнинг кети узилмасди. Шундан сўнг Қумрихон ая юзи очик қўйи Наманганга қайтди. Бировларни лол қилиб, бировларни доғда қолдириб, ўз трактори билан ер бағрини тилкапора қилишга киришиб кетди. Атрофида тумонат одам... Базиляр унинг руль бошқаруши ҳавас билан томоша қилишса, айримлари ҳайратдан ёқасини ушлаганча донг қотганди. Худди шу чоғ қаердадир унинг пайини қирқиб ш ҳақида режа тузиларди. Қумрихон ҳеч кимга, ҳеч нарсага парво қилмай, ўз ишини давом эттирар, зарурат тугилганда

узоқ-яқин қишлоқларга чиқиб, партиячкагу тузиш, омма ўртасида тарғибот-ташиқот ишларини олиб боришда кўмаклашарди.

Иш ниҳоят даражада оғир, ҳар қадамда ўлим вафди, ҳар дақиқа йўлтўсарлар шарпаси... Лекин бу таъзиқо таъқибларнинг ҳеч бири жасоратли аёлни бир қадам бўлсин орқага чекитира олмади. Неча бор унинг йўлини тўсиб чиқишди, неча марта жонига қасд қилишди. Неча бор қаттиқ аяраланди, яна тузалиб, ишини давом эттирaverди. Ўлимга тик қараб борган бу аёл ёлдида ўлим ҳам орқага тисарилaverди. Қумрихон ая тиним билмай ишлади. Муҳаббат ва Саодат исми икки қизини ўзидек қўрқмас, ишчан ва қатъиятли қилиб тарбиялади, биланларини ўргатди, ўқитди, уларнинг халқ ишига қайишадиган, эл-юрт хизматидан қочмай-диган ажойиб кишилар бўлиб етишувларини таъминлади.

Ииллар ўтди... Муҳаббат ўсиб улғайди. У ҳам онаси оруз қилганидек актив жамоатчи, халқ ишига фидойи бўлиб етишди. Думанларнинг пайи қирқилгач, замона бир қадар тинчиб, тинч-тотув ҳаёт бошланди. Бироқ кутилмаганда бошланган даҳшатли уруш одамларнинг тинч-тинч бузди. Ҳамма оёқка қалқди. Эри дастлабки кунлардаёқ кўнгиллари қатори урушга жўнаб кетди. Муҳаббат ҳам бу сафарбарликдан четга чиқиб туролмади. У қизчаси Мукаррамни интернатга топшириб, урушга жўнатишларини сўраб, ҳарбий комиссариатга ариза ёзди. Уларнинг талаби қондирилиб, йигитлар қатори урушга юборилди.

Муҳаббатлар тушган вагон Ғарбга томон ичкарилаб борган сари унинг кўз ўнгида урушнинг хунук оқибатлари бир-бир намоён бўла бошладилар. Вагонлар тўла кимсасиз қолган болалар, ярадорлар, чол-кампираш... Буларни кўриб, гитлерчи фашистларга қарши ғазаб-нафрати ошган Муҳаббат йиртқиҷ ёвдан тезроқ қасос олишга ошиқарди. Ниҳоят, уни Сталинград фронтининг 44-Ҳаракатдаги Армияси ихтиёрига юборишди. У ерда Муҳаббат 110-йўл эксплуатация полкида хизмат қилди. Бу жуда хушёрлик, тадбиркорлик талаб қилинадиган масъулиятли вазифа эди. Чораҳада байроқча кўтариб, тўрт томонга ўтаётган-қайтаётганларга тўғри йўл кўрсатиш — унчалик осон иш эмас. Шундай бўлса-ям, Муҳаббат бу қийин ишда додираб қолмади. Билмаганларини сўраб ўрганди, йўл қоидаларини кунт билан ўлаштиришга ҳаракат қилди. Уруш ғалаба билан тугади. Соғ-омон қолганлар ўз тугилиб ўсган манзилларига қайта бошладилар. Лекин Муҳаббатнинг иши ҳали тугалланмаган эди. У кеч кузгача ўз хизмат постида туриб, ишини давом эттирди. Шу ерда партия сафига қабул қилинди, ҳарбий интизомни, ҳарбийчи ишлашни ўрганиб, ниҳоят, ўз шаҳри — Наманганга қайтди.

Вокзал майдони... Фарзандларини, эрлар сафида Ватан мудофеасига кетган жасоратли қизларини кутиб олиш учун дярли шаҳарнинг каттаю кичиги вокзалга ёпирилиб чиққан. Майдонга

одам сизмайди. Муҳаббат кўзлари тўрт бўлиб кутишга чиққанлар орасидан қизчасини, эрини қидирарди. Ана қизчаси Мукаррамни кимдир кўтариб турибди, лекин эри булар орасида кўринмади. Наҳотки, урушдан қайтмаган бўлса?! — юраги ортага тортиб кетди унинг. — Наҳотки, ҳалок бўлган! Ҳа, Муҳаббатнинг эри урушдан қайтмаган эди. На илож?! Кўпга келган тўй. Урушдан қайтмаган фақат унинг эри эмас-ку?! Урушнинг мудиҳси манзарасини у ўз кўзлари билан кўриб келди-ку?! — Шундай дея ўзига ўзи таскин беришдан бошқа чораси йўқ эди унинг. Энди севикли ёридан қолган ёдгор Мукаррамни меҳр билан ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялашга киришди. Шу фарзанди билан овуниб, юланди.

Дастлабки йиллар у область матбуот союзининг раис ўринбосари, сўнг область партия комитети ва область ижроия комитетида масъул вазифаларда ишлади. Умирнинг охиригача меҳнатдан ажралмади. Ўқиб ишлади, ишлаб ўқиди. Фарзандини ўқитди, сўнг невараларини... Виз Муҳаббат опа билан жуда яқиндан таниш эдик. Унинг уруш ҳақида, шахсан ўзи кўрган-кечирган воқеалар ҳақидаги ҳикояларини кўп эшитганман.

— Урушнинг оти ўчин! — дерди у ғазаб жўшиб, — урушни ўйлаб топганларнинг гўри қуйсин! Уни биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Бошқаларга кўрсатилган қилмасин! Лаънати уруш тугайди! Кўсимизда пайдо бўлган жароҳат хали битганича йўқ. Виз аёллар даҳшати ваҳшати билан оламини зир титратган ана шу урушнинг қайта тақрорланмаслиги учун жон борича курашимиз керак. Ҳали висолга тўймаган келинлар умр бўйи ёр йўлига тикилиб ўтмасин, онайи зорларнинг ўтли нидоси қалбларга ларза солмасин, бегуноҳ фарзандлар отадан бевақт ажралиб, мурғак қалб кемтик бўлмасин, деган оналар тинчликни сақлаб қолиш учун оёқка туришлари шарт. Дунёда тинчлик барқарор бўлиши учун курашмоқ ҳар бир қимирлаган жоннинг асл муддаосига айланмоғи лозим!

* * *

Юқорида номларини зикр этганимиз бу аёлларнинг ҳар бири Ватанимиз равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқларимизнинг фаровон ҳаёт кечиринилари йўлида қилган матонатли, жасоратли хизматлари билан алоҳида таҳсинага сазовордилар. Аёлларимизнинг айни пайтдаги мазмуни ҳаёт йўллари, келгуси авлод ҳурмат-эҳтиром билан эслагудек мислсиз ишлари ҳақида шундай дегим келади:

Сиз аёлсиз, бир аёлки, сизнинг қалб кўрингиздан Яшнар олам, яшнар одам, яшнар боғу долазор, Таъзим сизга, меҳри дарё, қалби қуёш аёллар. Таъзим сизга, ҳаёт кўрки, кексаю ёш аёллар!

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Биз —
интернациона-
листлармиз

1957 йили Сирдарё областининг «Малик» совхозига — чўлқуварлар хузурига юзга яқин болгариялик ёшлар Болгария комсомоли Марказий Комитетининг йўлланмаси билан келишди. Пахтачилик ишларидан бехабар бу ёшлар қалбида меҳнатга ташналик, кизиқиш, шижоат жўш уриб турганлиги уларнинг ҳамжихатлик билан иш бошлаганлигиданоқ аён эди. Улар пахтачилик сирларини, оқ олтиндан тоғдай хирмон бунёд этаётган донгдор пахтакорларимизнинг меҳнат тажрибаларини, уларнинг қакраб ётган чўл бағрида боғу бўстонлар яратиш санъатини ўрганиш учун бу ерга келган эдилар.

Болгариялик ёшлар тажрибали пахтакорлар ҳақида ҳикоялар тингладилар, уларнинг меҳнат фаолликлари билан танишдилар, айримлари билан суҳбатдош бўлдилар. Дўстлик, бирдамлик кудрати жўш урган чўл қўйнида кудратли техникаларнинг моторлари тинимсиз гувилаб турди. Қисқа муддат ичида ҳамкорлик самаралари кўзга кўрина бошлади. «Малик» совхозининг далаларида етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш учун ҳозирлик кўрилади бошланди. Ҳаяжонли дақиқалар яқин эди. Ҳадемай, осмонўпар оппоқ хирмонлар тикланди. Ҳисобчилар ҳосилдорликни яқунлашганларида ҳамма ҳаяжондан яшнаб кетди. Уша йил ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. Бу чинакам галаба эди. Уша дамда чекилган барча захматлар унутилди. Қишлоқ бўйлаб куй ва кўшиқлар янгради. Ҳосил байрами бошланди. Кўшиқлар кўшиқларга уланди. Болгарча оммавий рақслар қалбларга завқ бағишлади. Ўзбекча «Лазги» дан ҳеч ким ўзини тийиб туролмади. Ўзбек элида эришилган муваффақиятлар ҳақидаги ҳароратли мактублар Болгария сари қанот қокди. Ҳали олдинда яна уч йил бор эди. Ёшлар яхши ишлашлари учун яхши билим кераклигини тушунишарди. Шунинг учун улар кечки мактаблар-

да, механизаторлик, зоотехниклик курсларида таълим ола бошладилар. Милка Атанасова Папазова ҳам ўрта маълумот олиш учун мактабга қатнай бошлади. У ўша кунлари шундай эслайди:

— Биз бу ерда кишлоқ хўжалиги мутахассислигини ҳам ўзлаштириб олдик. Ангел Марина Попов билан Милка Петров Иванов механизатор, болгар учувчиси Войнов Петр Славичев комбайнчи, врач Нестеров Нестр Николаев пахтакорлик касбларини эгалладилар.

Мен совхоз мактабида ўқий бошладим. Биз ўнинчи синфни битирувчилар ўн бир киши эдик. Саратоннинг тобида қилинган машаққатли меҳнатдан сўнг мактаб парталарида ўтиришининг ўзи бўлмас эди. Менга айниқса тарих дarsi ёқарди. Бу фандан бизга тажрибали педагог Семен Львович Хван сабоқ беради. У бизга Ўзбекистон ҳақида, офтоби танини куйдирувчи бу ўлканинг танти меҳнаткаш халқи ҳақида, шавкатли меҳнати билан донг таратган уста пахтакорлар: Ҳамроқул Турсунқулов, Тожихон Шодиева, Турсунной Охунова, Ғанишер Юнусов, Меликўзи Умрзоқов ва уларнинг ўнлаб-юзлаб издошларининг эл-юрт олдидаги хизматлари ҳақида ҳикоя қилиб берган.

Биз кишлоқ кўчаларида оҳиста кезамиз. Қаршимизда салобатли замонавий мактаб биноси намоён бўлади. Унинг ёнида эса Милка Атанасова Папазова ва унинг ҳамюртлари ўқиган эски мактаб биноси кўғирчоқ уйчага ўхшарди. Эндиликда бу мактабда мингдан ортик ўқувчилар билим оладилар. В. И. Ленин ҳайкали ёнида тўхтаёмиз. Милка Папазова доҳий пойига гуллар қўйди. Икки қаватли кўркем совхоз маданият уйи биносига яқинлашамиз. Мабодо, бу ерда бўлган дўстларга нақшинкор мрамрлар қопланган маданият уйи ҳақида гапирсам, — деди у, — ишонимсиз керак. Чунки уларнинг тасавурида бу ердаги манзаралар ўша йиллардагидек ўрнашиб қол-

ган бўлса ажабмас. Ахир, орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди.

Болгариялик ёшлар бу ерда кечган дамларни — бўлган воқеаларни — куйлаган кўшиқларини, ўзбек ёшлари билан ўтказилган дўстлик кечаларини тез-тез эслашиб туришди. Уша олис йилларда Карим Қудратов хали ўсмир эди. У болгарларнинг даврасида тез-тез бўлишни яхши кўрарди. У олис, эртанамо ўлка ҳақида, денгизнинг роҳатбахш суви, адаксиз боғлар ва доимо ям-яшил тоғлар ҳақида, меҳмондўст болгар халқи ҳақида соатлаб ошитса ҳам чарчамас эди. У орау-ҳавасли йигит эди.

Совхоз партия ташкилотини бошқараётган Карим Қудратовнинг Милка билан учрашуви ҳаяжонли бўлди. У меҳмонларга совхозда қилинаётган ишлар, қад кўтараётган маъмурий-маиший бўйлар, машина-тажриба станцияси, пахтачилик ва чорвачилик соҳасида эришаётган муваффақиятлари ҳақида мароқ билан сўзлаб берди. Совхоз ўзининг паррандачилик фермасига, яхши жихозланган, мустаҳкам чорвачилик ва озуқа базасига эга.

Бу ерда бўлган болгар комсомоллари шу қисқа вақт ичида «Малик» совхозининг шунчалик юксалганлигидан ҳайратга тушдилар. Тошкентдан то совхоз марказига келгунча бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Кета-кетгунча дарахтар, бог-роғ. Улкан паррка ўхшайди. Салқин, ҳақиқий ўрмон дейсиз. Бу ерда ишлаб кетган болгариялик чўлқуварлар ҳозирги кунда ўз ишларининг усталари бўлиб кетишган. Десанский Спас Иванов — агроном, кишлоқ хўжалик фанлари кандидати. Ге-

оргиева Невяна Цветкова — кооператив хўжалиklarининг бирида бригада бошлиғи. «Малик» совхозидаги партия группасининг собиқ секретари Рашков Ангел Рашков партия оқружкомларидан бирида масъул лавозимда. Ширков Велико Великов — республикага донги кетган тракторчи.

Милка Папазованинг ўзи ҳам ўтган йиллар мобайнида талайгина муваффақият қозонди. У София университетини муваффақиятли тамомлади. Агроном. Анча йиллардан бери Болгария марказий илмий-техника советининг аъзоси.

Меҳмоннавоз ўзбек дастурхони атрофи гавжум. Меҳмонлар комсомол ёшлар звеносининг бошлиғи Элмурод Қўзибоевнинг, Бобо Содиковнинг сўзларини тинглаб ўтирибди. Милка Папазова ўзбек дугонаси Тўхтаҳон Қирғизбоева ҳақида кўп гапирди. Тўхтаҳон Қирғизбоева ўша йиллари ўтлолов комсомоллардан эди. Тиниб-тинчимас бу қиз ҳамма ишларни меъёрида бажарарди. Эндиликда бутун республика уни танийди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Т. Қирғизбоева суҳбат чоғида Милка Папазовадан болгариялик дўстларга қайноқ қардошлик саломи етказишларини илтимос қилди. Уларнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилади.

Бугунги кунда Мирзагулистон деб ном олган чўл кучоғида икки маслакдош халқлар вакиллари-нинг қайноқ учрашуви, дил суҳбатларининг поёни кўринмайди. Даврадошларининг ҳеч қайсиси суҳбатни ақунлағуси келмас эди. **Вячеслав АБАЛЪЯНЦ-ЛИБЕРТИ**

Милка Папазова «Малик» совхозининг ишчилари даврасида.



Тўхтаҳон Қирғизбоева болгариялик дугонаси Милка Папазова билан.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ — ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОН

Ойдин ҲОЖИЕВА,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

* * *

— Бахшимидинг, айт, синдими созлаган созинг?
Овчимидинг, учди-кетди кўзлаган ғозинг?
Заҳобмидинг ё тупроққа заринг тенг бўлди?
Боғбонмидинг, севиб эккан гулларинг сўлди?
Нечун долсан,
Маҳзун хаёлсан!

— Соз чертсам шўх давраларнинг тўри менгадир,
Қуш учирсам, қирғийларни сорим енгадир.
Гулларим-ку барқ урмоқда боғимда ял-ял.
Зар йўқотиб, эл ичинда бўлмадим масал...
Ўз-ўзимни йўқотдим мен, тополмай ҳамон
Тили долмен,
Маҳзун хаёлмен...

* * *

Муҳаббат бу учрашуми хиёбонларда?
Хаёл суриб, ошиқона энтиқишларми?
Е Лайлидек ўртанмоқми оташин дардда?
Еки ишқий хатлар битиб, ёш тўқишларми?

Ёр қалбини булут каби босганда ҳасрат,
Бир ҳаётбахш шамол каби эсмоқ — муҳаббат.
Илдиз отиб, томирлари тупроққа пайванд
Дарахт каби гуллаб, палак ёзмоқ — муҳаббат.

Иморат у — парваришга, таъмирга муҳтож,
Ғишт қуясан тунин-кунин йилларга улаб,
Ишқ ўзига қул этар-да, сўнг кийдирад тож
Ва қалбингда сўнмас гулхан ёқар ловуллаб.

Бу турмушнинг икир-чикир ташвишларидан
Ўчмай ўтган жонга чироқ табассум севги!
Естиқдошинг сочидаги қумушларида
Ешлигининг баҳор ҳусни, тараҳҳум севги!

Орзу-ҳавас айланади улкан бурчларга,
Сингиб кетар ҳаёт тарзинг, эътиқодингга.
Ишқ юлдуздай ёнар умринг туташ буржларда,
Фараанд бўлиб кирар севги пар канотингга.
Ўп ажойиб лутф қилмиш шоир: «Муҳаббат —
Инсон учун умр бўйи тугамас меҳнат!»



«ОМОНЛИК» МАЙДОНИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ

Афина шаҳри марказида «Амония»
майdonи бор.

Сулҳ майdonи. Неонларнинг чаманига гарқ.
Чумолидай ғимирлайди одамлар гужғон,
Мис ҳайкаллар, вайроналар, тош тамали арк,
Афсоналар умри билан туташ бу майдон.
Файласуфлар ўтар ақлу нажот тимсоли,
Эрки битик тош елкалаб кўринар қуллар.
Ийғлаб ўтар Афродита — макр заволи,
Араваси ўқларига чувалган йиллар.
Марафонлик элчи кирар, бўғзида бир сўз:
«Ғалаба!» — дер, узилди қувончдан жони.
Бурғу чалиб лашкар борар...
Очирмайди кўз
Асрларнинг қон аралаш чангу тўзони...
Овоз қизлар лира чалиб, тонгги шафақда
Қизилгулнинг ғунчасидай болқиб ўтишар.
Жасур грек полvonлари шавқу фараҳда
Олимпия оловларин ёқиб ўтишар.
«Қора кунлар» ўққа учган талаба боши
Туркирайди танк изидан мудҳиш ёлқинда,
Шоҳлар ўтур тожу тахту тупроқ талошиб,
Қонсираган қиличларин чиқариб қиндан.
Байроғида оқ тўлқинлар — Ватаннинг рамзи,
Болакайлар ўтар «Оқи» байрам кунида.
Чавандозлар, тирандозлар ғолиблик баҳси
Нашъаси бор бу майдоннинг хар устуниди!
Ўйларимни дунё билан боғлар бу майдон:
Кириб келар жовдираган Она сайёра!
Бир бети оқ, бир томони тамом қоп-қора,
Қучоғида фарзандлари хуркиган, хайрон,
Уни шахмат тахтасига айлантирмиш ким,
Гох пиёда, тохи отлик дона сурмишлар.
Икки маслак: Тинчлик, Аруш тил топмай кадим,
Бир ён — бешик, бир ён қатл қунда қурмишлар...
Софдил юнон, ҳикматингга тан берганим чин:
Омонлик деб атаганинг англадим аён:
Тинчлик ва Сулҳ майдонига айлансин Замин
Ўт олмасдан бир боғ ўтин каби бу жаҳон!

ГУВОҲ

Аполлон ибодатхонасидаги
устунларда ўз озодлигини сотиб
олган қуллар номи битилган.

Эй, танти табиатга
Жондан суюк зурриёт,
Соқов, совуқ тошлардан
Нечун ўтиндинг нажот?
Булутларнинг бешиги —
Эгей денгизи айтсин,
Зайтунзорлар қўшиғи,
Тупроқнинг ўзи айтсин:
Сен даҳо қудратингда
Хур эдинг-ку, одамзод!
Коинот зулматида
Нур эдинг-ку, одамзод!
Чўнг қасрлар тикладинг,
Қаддинг икки букилиб,
Елканга тоғ юккладинг,
Ерга ёйдек эгилиб!
Қоятрошлар бошида
Мрамар йўниб, нақш
битдинг,
Қулдорлар талошида
Ўз номингни унутдинг.
Қасос сўриб жонингни,
Қора қорда шамоллаб,
Сен бир тишлам нонингни
Топардинг-ку ҳалоллаб!
Сен қисмат панжасида
Қул эдинг итоаткор...
Бу тарих саҳифасида
Қулликнинг минг хили бор:
Қасос қулларин кўрдим,
Ўзга кўлда ўт ёқар.
Мерос қулларин кўрдим,
Фигонидан дуд чиқар.
Учратдим мен зулумат
Қулларини — элга доғ.
Учратдим мен манфаат
Қулларини гоҳи-гоҳ.
Қабоҳат кўзгусида
Ҳасад қулларин кўрдим.
Адолат ўтрисида
Ҳиммат қулларин кўрдим...
Афтода қул, эркиннга,
Тош нечук паноҳ бўлсин!
Ҳар одамнинг эркига
Ўз қалби гувоҳ бўлсин!

ҲАЁТ ҒУЗАЛ

Қай кун эди... Сизни соғиндим.
Деразамни очдим қуёшга.
Тоғдан тушиб келди кундузим
Бир сават нур кўтариб бошда.

Кўз юмганча туравердим лол,
Аста-аста исиди жоним.
Юзларимга урилди шамол
Ва кенгайиб кетди жаҳоним.

Бог ариқдан оққан гул менгиз
Қалқиб чиқдим чексиз дунёга.
Кўрдим: ҳаёл қирларида сиз
Кетардингиз пойи пиёда...

* * *

Кўкда сутдай тошади булут,
Боғлар — жаннат созли қушларга,
Тунлар тўла сирли тушларга,
Қуёш кўкси — лангиллаган ўт.
Дарахтларнинг қирмиз шарбати
Тошар, дўнар гулга, япроққа.
Егилади баҳор ҳиммати
Исириққа, хушбўй янтоққа.
Кўллар, сойлар кўпирар лим-лим,
Кулгулари сачрар қирғоққа.
Қафасига сизмайди қалбим,
Айланади сўзлар чакмоққа...



УЛАР КЕЛМОҚДАЛАР

Иигирма миллион ватандошларим!
Кимнинг чаман боғи,
Кимнинг суяч тоғи,
Кимларнинг ораулаб кутган кучоғи,
Кимларнинг бош қўйиб хўрсинар кўкси,
Кимнинг кўрар кўзи
Қирқ йилки, бирма-бир кириб келмоқда
Тилсим сукутдаги ҳайкаллар бўлиб,
Ердан ўсиб чиққан машъаллар бўлиб,
Архивлардан чиқиб,
Мармарларда олтин ёзувлар бўлиб,
Отасиз улрайган ўғил-қизларнинг
Бўйларини кучган орзулар бўлиб...
Сафимиз тўлмоқда...
Улар чиқиб келар плакатлардан,
Сафга тизилшар сергак, қаддирос.
Сўнги макон бўлган мамлакатлардан
Улар етиб келар — голиб гулдурос.
Сафимиз тўлмоқда.
Демангиз: кўнгиллар ярим!
Хотиралар бўлиб улар қайтмоқда,
Сувратлардан улар кулиб боқмоқда.
Музейларда қолган Юлдуз нишонин
Қайта кўкрагига тақмоқда.
Партбилетда қотган юраклар қони
Азиз ишларни бир-бир айтмоқда,
Бедарак кетмаган ахир ҳеч бири,
Қалбларга кўмилган зўр тоқат улар,
Келиб,
Беваларин маҳзун тақдирин,
Кўнглини кўтарган садоқат улар...
Сезаясанми, дўстим,
Каналлар қазаганда,
Янги биноларга лойихалар чизганда,
Вугдой ўрганда,
Пахта терганда,
Боғлардан гул узганда,
Шеърлар ёзганда
Биз билан сафларда ёнма-ён,
Нафасма-нафас
Мангу навқирон
Иигирма миллион!

Кимдир қанотингга қайчи солар гоҳ,
Кимдир мункиб кетсанг, тилаб кўяди,
Юрагинг тафтини кимдир олар гоҳ,
Кимгадир меҳнатинг, жонинг қуяди,
Бари бир ҳаёт ғўзал.

Кеча ҳорғин эдинг, бугун — отликсан,
Кеча қайғу эдинг, бугун — шодликсан,
Кеча кўнглинг синик, бугун — вақтичок,
Кеча — бир биёбон, бугун яшил бор!
Бари бир ҳаёт ғўзал.

Кеча туман эдинг, оташсан яна,
Сурур йўлларига туташсан яна!
Ким айтур: кечаги озурда жонсан!
Бугун сен чарх урган мохитобонсан!
Бари бир ҳаёт ғўзал!

Кеча майса эдинг нурга талабгор,
Бугун аргувонсан — кўксингда баҳор!
Бир иссиқ сўзингга элинг интизор!
Ҳадеб тирикликдан қилаверма зор!
Бари бир ҳаёт ғўзал!

* * *

Орзуманд бу кунлар, бахт сероб кунлар,
Гоҳи имиллаган, гоҳ шитоб кунлар
Давр ғалвирида элар инсонни,
Ажратди бугдой-сомонни.

Кунгирадор қасру сарой на ҳожат!
Дил уйи поёнсиз бир коинотдур.
Нонинг ҳалол бўлса — уйқунгда роҳат!
Парқу болишлару олтин қаравот
Кўнгил нотинч эса тош бўлиб ботур!

Кимдир — ул эл кўзин қилиб шамғалат
Инига дон ташир: имони тўз-тўз,
Юзининг пардаси, ажаб, қирқ қават
Қасамхўр каслардан алҳазар, эй дўст!

Хою ҳашаматдан, доврўқдан йироқ,
Тамаю миннатдан, буйруқдан йироқ
Меҳнат меҳварига қўйсак бошимиз,
Тоза имон бўлсин гавҳар тошимиз.

Сафобахш шамоллар эсан бу замон —
Ҳаётнинг курашчан торлари таран!
Коммунист қалбингни тўлдирган туғён
Давр шиддатига бўлсин Ҳамоҳанг...
Ҳаётнинг курашчан торлари таран!

ОҚИБАТ

Ҳаёт — очик саҳна.
Ажиб маҳорат
Билан ўз ролингни этасан ижро.
Томошабин эса сердиққат
Кузатади сезгир, махлиё.
Айт-чи, киймадингни юзингга никоб?
Кулгинг ҳам чин дилдан, ҳеч лофи йўқми?
Ҳаяжонларингнинг гилофи йўқми?
Сохта эмасми сен чеккан изтироб?
Айт-чи, бир гапириб ўн кулар чоғинг
Алмашмадим тунд расмиятларга
Ва ёки омаддан шишиб димоғинг,
Чек қўйдинг мардона ҳамяитларга!
Айт-чи, эшигингда мустар, дил хижил,
Кутиб қолмадим энг акин дўстинг!
Ишонч пиёласин синдириб чил-чил,
Хушомадлар билан иттифоқ туздинг?!
Е иссиқ юзларга босганча оёқ,
Туя қилмадингни элнинг нонини?
Пешонанг тақ этиб, тошга теккан чоқ,
Пушаймон ўртагай жисму жонингни!
Ҳаёт саҳнаси бу, қилмиш-қидирмиш,
Миси чиқиб қолса — аянчдир Инсон!
Ким жезу ким эса айнимас кумуш —
Халқнинг ҳақиқати энг одил мезон!

ҚЎШИҚ ҲАМРОҲ

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Халқимизнинг фашист газандаларига қарши кураши ва Ватанимиз фарзандларининг қаҳрамонлиги ҳақида юзлаб китоблар ёзилган, ўнлаб фильмлар қўйилган, қўлаб хотиралар босилиб чиққан. Ана шу сабабли мен бу лавҳада уруш ва жанглар ҳақида эмас, бевосита фронт орқасида рўй берган кизик бир воқеа ҳақида сўзлаб беришни ниёт қилдим.

1943 йил май-июнь ойларида бизнинг 202-гвардиячи ўқчи полк Курск областида — фронт орқасида турар ва мамлакат ичкари-сидан юборилган янги қуро-аслаҳа, ҳарбий кийим-кечакларни жой-жойига тарқатиш билан банд эди. Айни вақтда биз Уролдан, Поволжьедан, Қозоғистондан, Сибирдан армия хизматидаги чақирилганларга ҳандақ қазити, ўт очиш, граната иргитиш, найза-бозлик каби ҳарбий шароит талаб қилган «санъат»ларни ўргатар эдик. Биз, ёш командирлар, солдатлардан машққа боришда ва қайтишда баралла овоз билан ашула айтишни талаб қилардик. Чунки ҳарбий ашула солдатларни тарбиялашнинг муҳим бир воситасидир. Ашула солдатларни жипс-лаштиради, руҳини кўтаради, ҳарбий тартибга ўргатади.

Май ойининг охирларида полкимизга яна бир гуруҳ аскарлар келиб қўшилди. Фураст топиб, улар билан кўришдим, «Қаердансизлар?», деб сўрадим, «Чустданмиз», дейишди. Улар мени ўраб олиб, сўзларимга диққат билан қулоқ сола бошлашди. Менга кизиқишларининг боиси бор эди: кўксимдаги иккита қизил лента-нашивка жангларда икки марта ярадор бўлганлигимдан далолат берар, шу сабабли армияга сафарбар қилинган, ҳали тажрибасиз бу йигитлар мендан маслаҳат олишга ошиқар, жангларнинг тафсилотларини синчиқлаб сўрар эдилар. Мен уларга қараб сўзлар эканман: «Ўртоқ жангчилар! — дедим. — Урушнинг энг оғир қисми орқада қолди. Сталинградда кўрган



талафотларидан сўнг фашистларнинг кучи киркилди, ташаббус узил-кесил бизнинг Қизил Армиянинг қўлига ўтди. Энди сизнинг вазифангиз ҳарбий техникани, қўлингизга топширилажак янги қурол-аслаҳани пухта ўрганиш, командирларнинг буйруқларини ўз вақтида ва чакқонлик билан бажаришдан иборат бўлиши керак».

Улар элик нафарга яқин бўлиб, 2-ўқчи ротанинг икки взводи ташкил қилди. Бу взводларда бошқа миллат вакиллари ҳам бор эдилар.

Янги келган жангчилар ҳарбий кийим ва янги қурол-аслаҳа олдилар: уларнинг устларида янги гимнастёрка ва галифе, янги шинель, қўлларида янги милтиқ ва автоматлар, оёқларида янги обмоткали ботинкалар. Елкаларида ҳарбий халта, унинг ичида эса ўқлар ва автомат диски, дахлиз овқат запаси, тўртта пиёда аскарга қарши, биттадан танкага қарши граната. Бошларида пўлат каска, ёнларида ҳандақ қазиш учун керак бўладиган белча, сув учун идиш — фляга.

Мен айтиб ўтган 2-ўқчи ротанинг командири сибирлик кичик лейтенант эди (фамилияси ёдимда йўқ). У ўз ротасини ҳар кун эрталаб дала машқларига олиб борар, кечкурун эса ҳарбий палаткаларга қайтариб олиб келар эди. Бу ротада вақтинча бир оз қийинчилик юзага келибди: эндигина ҳарбий хизматни бошлаган жангчилар ҳали умумармия ашулаларини ўзлаштириб улгурмаган эдилар.

Ҳордиқ олиш пайтида ўзбекистонлик жангчиларни йиғдим. «Сиз, — дедим жангчиларга мурожаат қилиб, — жанг қилиш санъатини, ҳарбий интизомни ўзлаштириб олдингиз. Энди ҳарбий марш ашулаларини ўрганиб олишни ҳам ўзлаштиринг. Бу — ҳарбий тайёргарликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Узингизга таниш, ҳаммангиз биладиган ўзбекча ашулани топинг». Бу таклифни эшитган солдатлар ўзаро фикр алмаша бошладилар. Тез орада ўзбек тилида жанговар ҳарбий ашула пайдо бўлди ва солдатларнинг руҳини кўтарди, сафларга жанговарлик бахш этди. Рота командири мендан ҳам, жангчиларидан ҳам хурсанд эди. Ана шу жанговар ашуладан қуйидаги сўзлар ёдимда:

Жанг билан Ватанни сақлашга тайёр
Қахрамонлар дивизияси олга бос, олга!..

Орадан унча кўп вақт ўтмасдан ўзбекистонлик йигитлар рус тилидаги умумармия ашулаларини ҳам ўзлаштириб олдилар. Бу қўшиқлар жангларда ҳам уларга ҳамроҳ ва мададкор бўлди.

Машқлар даври, ўқиш-ўрганишлар даври ортада қолди. Биз хизмат қилиб турган 69-гвардиячи дивизия 1943 йилнинг август ойида Украина тупроғини фашистлардан озод қилиш учун бошланган жангларда қатнаша бошлади. Ҳар биримиз Улуғ Ватанимиз учун жон фидо қилишга тайёр эдик.

Йиллар ўтди. Балки кўп миллатли Совет Армияси сафларида хизмат қилган ва мен юқорида баён этган воқеаларнинг шохидлари ҳаётдир. Бир кун эмас-бир кун улардан бирортаси билан дуч келармиз. Балки: «Ҳа, ўртоқ командир, сиз айтган ўша йигитларнинг бири мен бўламан... Эдингиздами?» деб жанговар йилларнинг алангали саҳифаларини эслай бошлар...

Келинг, жанговар дўстим. Сиз учун меннинг эшигим доимо очик...



ШИФОКОР

Улуғ Ватан уруши ветерани Раҳимжон Зокиров оловли йилларни эслар экан, нохуш хаёлга ботди: ажал билан юзма-юз олишиб омон қолганим. Наҳотки, арзирмаган дард билан дунёдан кўз юмсам... Уша кунни қишлоғидаги бир қария уни кўрганга келиб хотинига:

— Келин, эрингиз ўзини олдириб қўйибди. Уйлаб кўринг, дўхтирларга кўрсатдингиз, маслаҳатимга юрсангиз, қўшни қишлоқдан бир табиб чиқибди, кўпчилик ундан шифо топаётган эмниш. Раҳимжонни ҳам унга бир кўрсатсангиз, зора шифо топса, — деди.

Раҳимжоннинг хотини ерга қараб ўйга толди. Қариялар кўпни кўрган бўлади, ўша табибга кўрсатайлик, ажаб эмас...

Эртасига табибга машина юбортириб, уни уйга олиб келтирди. Табиб касалнинг томирини ушлаб кўриб бошини сарак-сарак қилди:

— Беморни анча уринтириб қўйибсизлар, атанг. Илгарироқ мени чақиртирганларингизда, аллақачон тузатиб юборган бўлув эдим. Ҳа, майли, ҳозир ҳам кеч эмас, — дея у беморга қандайдир дори-дармон тутқази.

Раҳимжон табиб берган дорини истеъмол қилган эди, ахволи баттар оғирлашди. Уни тезлик билан Чирчиқ касалхонасига олиб бордилар. У ерда беморни икки ой даволашди. Орадан бироз вақт ўтди. У бутунлай тусалди кетмади. Уни ТошМИнинг 2-клиникасига олиб келишди.

Беморни тажрибали врач Турсуной Салимова даволайдиган бўлди. Врач уни дастлаб синчиклаб текширди. Беморнинг касаллик тарихини пухта ўрганиб чиқди. Бир неча кунлик изчил текширишдан сўнг «ичраки эхтимолди бора» деган касаллик тарихидаги ёзув устига чизик тортиди ва жигарда пайдо бўлган шишини даволай бошлади. Жигар шишиб ошқонзон йўлини тўсиб қўйган эди. Бўстонлик районидagi Хондайлик қишлоғидан келган бемор Ра-

ҳимжон Зокиров бир неча вақт даволаниб, меҳрибон шифокор қўлида шифо топди.

Ҳа, Турсуной Салимова ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйганлардан. У устози профессор Омо нулла Баҳодиров маслаҳатига амал қилиб, беморга диагноз қўйишда шовилмайди. Бу гал ҳам шундай бўлган эди. Бемор бошида эрта-кеч парвона бўлди. Чунки унинг ахволи ночор эди. Тўғри ва изчил даво ўз самарасини берди. Касал соғая бошлади, ошқонзон тепасидаги шиш аста-

ди. Турсунойни клиниканинг стоматология бўлимига олиб киришди. Ушанда уни дард азобидан оқ халатли шифокорлар халос этганди. Турсуной ўшанда соғайиб, турилган юртига қайтаётганда акаси Матсафога юзланиб:

— Ака, ўрта мактабни тамомлай, албатта Тошкентга келаман. Сизларга ўхшаб шифокор бўлишга интиламан, — деганди. У бугун ажойиб замонамизда ўз орасига етган минглаб бахтиёр замондошларимизнинг бири.



секин қайта бошлади. Касалнинг руҳи енгилашди. Бу шифокор учун қувонч эди. Палатага замбилда келтирилган оғир бемор бир ой деганда бутунлай соғайиб, ўз оёғида дадил туриб, уйга, онласи бағрига қайтди.

Одатда, касб, ихтисос танлашда нимадир туртки бўлади. Хоразмлик Турсуной ҳам ўн бир ёшида қаттиқ тиш оғриғига дучор бўлади. Олдинга ёшлик қилиб дардга парво этмади. Сўнгида оғриқ ўз кучини кўрсата бошлади. Кўз олдида қизининг азоб тортаётганига чидаёлмаган онаси уни Тошкентга, катта ўғли Матсафо ишлаб турган ТошМИга олиб кел-

Турсуной Салимова ўқиб, врач-терапевт, деган ихтисосга эга бўлди. Ҳозир у ТошМИ 2-клиникасининг 3-терапея бўлимида врач.

Турсуной 12 йиллик иш фаолиятида жуда кўп оғир беморларни оёққа тургазди. У ўнлаб оғир беморлар қалбдаги умид учкунини уйғотди. Чустлик М. Ҳошимов, Улуғ Ватан уруши инвалиди М. Т. Трофимов, қашқадарлик Х. Чўлиев ва бошқалар унинг қўлида шифо топдилар.

Ахир, халққа хизмат қилиб, элда эътибор топишдан ортиқ бахт борми!

Анвар
САИДУМАРОВ



ИРСИЯТ ИЛДИЗИГА УРИЛГАН БОЛТА

Ичкилик —
иллат!

Отаулла ОҚИЛОВ,

Республика Медицина Ирсияти илмий жамияти раиси, медицина
фанлари доктори, профессор

Олимнинг қаршисида ҳорғин, ниҳоятда маъюс, ранги заҳил, ёшига нисбатан хийла катта кўринган, забҳасидан касалмандлиги сезилиб турган киши турарди...

Бемор ҳали мактабнинг юқори синфида ўқиб юрган чоғларидаёқ ичкиликка ружу қўйган экан. Олдин кам-кам ичиб, бора-бора сурункасига ичадиган бўлган. Бемор уч марта уйланган. Лекин фарзандсизлик сабаб бўлиб, ҳар гал оиласи бузилаверган. Олим-шифокор бемора аччиқ ҳақиқатни айтди. Касаллиги ва бахтсизлигининг сабаби ичкилик эканлигини, аввало шу дардин даволаш зарурлигини таъкидлади ва даволаш тартибини белгилаб берди.

Яна шундай бир воқеа юз берди. Шаҳар касалхоналарида бирида бир аёлни ва унинг ногирон тургилан чакалогини кўришни таклиф қилдилар.

Чакалоқда туғма юрак пороги, бу ҳам етмаганидек, кўл ва оёқларининг бармоқлари тараққий етмаган, унинг кўзида ҳам туғма хасталик намойиш эди.

Она билан суҳбатдан маълум бўлдики, оиладаги яна уч фарзанда ҳам турли туғма нуқсонлар мавжуд экан. Бегуноҳ фарзандларнинг ногирон тургилишига сабаб ҳам ичкилик балоси эди. Бу оилада ота ҳам, она ҳам мунтазам ичкилик ичар эканлар.

Кечикиб бўлса ҳам оила бошлиқларига ва уларнинг гуноҳсиз бемор фарзандларига даво чоралари кўрила бошланди.

Албатта, биз юқорида баён этганимиз фарзандсизлик, нуқсонли фарзандларнинг туғилиши камдан кам учраса ҳам, улар устида бош қотирмоқ, уларнинг даво режаларини кўрмоқ шифокорларнинг асосий бурчидир.

Коммунистик партия ва адолатпарвар, халқпарвар Совет ҳукумати халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, уни маънавий жиҳатдан камол топтириш ҳамда совет кишининг саломатлигини яхшилаш борасида мунтазам ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Октябрь социалистик революциясига қадар мамлакатимизда одамларнинг ўртача умр кўриши 37 ёш бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 73 ёшга ташкил этади. Мамлакатимизда, жумладан, республикаимизда болалар туғилиши йилдан-йилга кўпайиб борапти, аини вақтда катталар ва болалар ўртасида ҳар хил хавфли ва юқумли касалликлар камайди.

Совет Иттифоқида оила бахти ва инсон соғлиғи умумдават

иши ҳисобланади. Инсон бахт-саодати ва саломатлиги йўлида қанчадан-қанча юқори малакали медицина ходимлари, ажойиб шифохоналар, ўн мингларча шифокорлар, санаторий ва профилакторийлар хизмат кўрсатмоқда.

Фарзанд ҳаёт мазмуни, ҳар бир ота-онанинг орзу-умиди, иши ва умрининг давомчилиги. Лекин шуни унутмаслик керакки, ота-оналар соғлом бўлгандагина жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол, соғлом фарзандлар дунёга келади.

Демак, ҳар қандай муваффақият, ғалаба, бахт-саодат ва фаровон турмушимиз негизидан инсон саломатлиги ва уни асрашдек муҳим масала этади.

Ичкилик — бу оғу, саломатлик кушандаси, эскилик сарқити ва бахт ўғрисиدير.

Ичкилик — бу заҳардир. Таъбир жоиз бўлса, уни инсон наслига, унинг ирсият томирига урилган болта, деб аташ мумкин.

Қисқа муддатли кувонч, хушфезллик деб истеъмол қилинадиган ичкилик эртами-кечми одам организмни заҳарлайди, уни бахтсиз қолдиради.

Чуқур мамнуният билан шуни таъкидлаш лозимки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ичкилик-бозлик ва алкоголизмга қарши кураш чоралари» деб, қабул қилган қарори, бу совет кишининг саломатлигини муҳофаза этишига қаратилган муҳим тадбирдир.

Тиббиёт тарихига назар ташласак, буюк алломалар ичкиликнинг оғу, саломатлик кушандаси эканлигини кўп марта таъкидлаб ўтишган. Шарқ табобатининг фахри, энциклопедист олим Абу Али ибн Сино шаробнинг ози ҳам оғу эканлигини ўзининг ўлмас «Тиб қонуналари» китобида ёзиб қолдирган.

Улуғ рус олимлари С. П. Боткин, И. П. Павлов, И. М. Сеченевлар ичкиликнинг навидан ва миқдоридан қатъий назар у инсон организмда тузатилаши қийин бўлган асоратлар қолдиришни илмий исботлаганлар.

Ичкилик организмдаги барча органлар, системалар, тўқималар, ҳужайраларни худди «ел тушган» каби заҳарлаб улгуради. Инсон ҳаёти учун зарур аъзолар, бош мия, юрак, жигар, ўпкалар, буйрак ва барча-барча аъзоларга жиддий путур етказилади.

Олимларнинг биохимик, генетик текширишлари шуни кўрсатадики, бир бора истеъмол қилинган спиртли ичимлик орган ва системаларда, хусусан қонда,

жинсий ҳужайраларда 80 кунгача сақланиб қолади ва ўзининг заҳарли — зарарли асоратларини кўрсатади.

Ҳали айтганимиздек, шира кайфа яқинлик қилиш, аввало, жинсий ҳужайралар ҳаракатчанлигининг бузилишига, уларнинг ирсий тузилишларига путур етишига сабаб бўлади. Оқибатда туғма нуқсонли гўдаклар дунёга келади. Ахир, ногирон фарзандлар ўзларининг аянчли ҳолатлари учун гуноҳкор эмаслар-ку! Бунинг учун гуноҳкор, айбдор ўзини ичкиликдан тия олмаган ота ёки онадир. Ўз фарзандинг, пуштикамаринг олдида гуноҳ қилиш эса кериқолмас ҳолдир.

Табиат аёлларга хусн, ифбат, нафосат ва ақлий сифатлар билан бир қаторда уларга Она бўлишдек улуг бахтни ҳам берган. Бу эса уларнинг зиммасига катта ижтимоий масъулият юклайди. Афсуски, баъзи аёллар...

Ичкиликбозликка қарши кураш фақат соғлиқни сақлаш, маориф, маъмурий ташкилотларнинггина иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу курашда касбидан, ёшидан қатъий назар ҳамма фаол қатнашмоғи лозим.

Биз ичкилик балосидан энди ўсиб келаётган келажакимиз бўлган ёш новдаларни авайлаб муҳофаза қилишимиз керак. Ичкилик зарар деган тушунчани уларнинг онгига синдиришимиз лозим. Бу борада педагогларимиз, тарбия-

чиларимиз зиммасига ҳам катта масъулият тушади.

Тўй ва маросимларни ичкиликсиз ўтказиш ҳақида маҳалла комитетлари, табаррук отахонлар, меҳнат ветеранлари ишчанлик кўрсатадилар, деган умиддамиз.

Одатда, ичкиликка ружу қилган беморлар ўз дардларини бедаво деб тушунадилар. Ваҳоланки, барча хасталиклар каби бу касалликнинг ҳам давоси бор, албатта.

Ўзини бу касофатдан тия олиш, аввало, ўша одамнинг ўзига, унинг яқинларига бориқ. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон ва самаралидир.

Шундай экан, ичкиликбозлик — умр заволи, ҳаёт оғуси эканини ҳар бир киши туб моҳияти билан тушуниб олмоғи зарур.

Ҳали турмуш қурмаган йигит ва қизларимиз ичкиликнинг миқдори ва туридан қатъий назар, ундан ўзларини тиймоқлари лозим.

Шифокорлар, педагоглар, ота-оналар ҳамма-ҳаммамиз шу ичкиликка муккасидан кетган шахсларни тўхташиб қола олсак, бу хайрли ишимиз билан минглаб бахтиёр оилалар бунёд бўлишига, соғлом, баркамол фарзандлар етиштишига муносиб ҳисса қўшган бўлардик.



Нукус Экспериментал кишлоқ уй-қурилиш комбинатининг илгор ишчилари (чапдан ўнгга) Максат Сейтниево, Сергей Генябеов, бригада бошлиғи Тоир Утемуратов ва Сарсенбой Бекниево.

А. Жданов фотоси

ЗАМОНГА ҲАМНАФАС



ХОРАЗМ — қадим ва навкирон воҳа. Унинг тўрт тарафига таралиб кетган олис йўллари воҳаю водийларга, сахарою дарёларга, кўхна обидаларга, барханлару боғ-роғларга, замонавий кошоналарга бориб туташади.

Биз ана шу йўллардан ўтиб, воҳанинг Шовот районига бордик. Боисин, партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги ва раҳнамолигида мунтазам ўтказиб келинаётган бахши-шоирларнинг навбатдаги VI кўрик-конкурси шу жойда ўтказилиши маъқул топилган эди.

Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигида бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирнинг биринчи кунинда кўрик-конкурс қатнашчилари ва меҳмонлари Хева шаҳри билан танишдилар. Сўнг, Шовот районида доҳий Ленин ҳайкали ҳамда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига қўйилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйдилар. Районнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар.



Едгор бахши Исҳоқов.

Айтишув икки кун давом этди. Ийгилганлар Қодир бахши Раҳим ўғлининг, Чори Хўжамберди ўғли ва Хушбоқ бахшининг, 90 ёшни қоралаб турган Бола бахши (Журбонназар Абдуллаев)нинг, Жумабой Бозоровев ва Қаландар Норматовнинг, Умарқул Пўлкан ўғли ва Шодмон бахшининг, Уғилжон ва Онабибиларнинг чиқишларини жуда катта қизиқиш билан қарши олишди.

Республикаамиз бахши-шоирлари тобора халқ ҳурматига сазовор бўлмақдалар. Чунончи, шовотлик Қаландар бахши Узбекистон ССР Езувчилар союзи ва республика телевидениеси томонидан ўтка-

зилган бахши-шоирларнинг телеконкурсидан сўнг юзлаб хатлар олди. Мана, бир мисол:


«— Шу йилнинг бошида, — деб ёзди Ташкент область Пискент шаҳридаги кишлоқ хўжалик техникумининг ўқитувчиси Мажуда Расулова, — хоразмлик Қаландар бахшининг чиққиши оиламиз билан мириқиб томоша қилдик. Унинг ширали ва ёқимли овози, ижрочилик маҳорати, кийими, ҳатто 7 ва 10 яшар ўғилларининг унга музика билан, овоз билан жўр бўлишига минг тасанно айтдик.

Мен билим юртида рус тили ва эстетикадан дарс берганим учунми, шундай қувончли воқеаларни кўрганамизда ҳаяжонланиб кетаман. Едимда, Улуғ Ватан уруши эндигона тугаган йиллар эди. Отам «Ерилтош» сингари эртақларни ашула қилиб айтар, най чала олар, тил ва адабиётдан дарс берар, оқшомлари бизларни ва қўшнларнинг болаларини сандал атрофига тўллаб, «Алломиш», «Гўрўғли», «Қирққиз» ва бошқа дostonларни ўқир эдилар. Кейинчалик ўзим ҳам талайгина дostonлар ўқидим. Аммо минг эшитгандан бир кўрган аъло экан. Партия ва ҳукуматимизга минг қарра ташаккурки, энди телеэкранда «Халқ озаки ижоди» туркумида бериб борилаётган кўрсатувлар орқали бахши-шоирларнинг ўзларини кўриб, терма ва дostonларидан эшитиб туриб-миз».

Қаландар бахшининг оилавий ансамбли кенгайтирилди. Район партия комитети қўллаб-қувватлагандан сўнг, «Авазхон» фольклор ансамбли ташкил топди. Ҳозир районда олти халқ ансамбли мавжуд. Саккиз яшардан саксон яшаргача аъзоси бўлган «Авазхон» халқ ансамбли бахшилар, лапарчилар, қизикчилар, ўйинчилар, дostonчилар, халқ хонандалари, халфалар ва созандаларни ўзида жиплаштирди. Қисқа давр ичида ҳаётга сингиб кетди. Ансамбл аъзоларининг бири пахтакор, бири ишчи, бири врач, бири пенсионер, бири тракторчи, бири ўқувчи... Энг қизиғи шундаки, Қаландар бахши бошқараётган бу ансамблда унинг беш фарзанди, жумладан, 4-синф ўқувчиси Ферузбек билан 1-синф ўқувчиси Машхурбек ҳам бор. Кўриқда қатнашган Ферузбек Норматов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Фахрий Ерлиги билан, Машхурбек Норматов эса холисанилло кўрик-конкурсининг «Энг ёш қатнашчиси»га бериладиган мукофоти билан тақдирланди. «Авазхон» ансамбли эса Бутуниттифок кўриғи лауреати Дипломига сазовор бўлди.

Биз кўрик ҳайъати аъзолари

ҳамда Қозогистон ва Озарбойжондан ташриф буюрган меҳмонлар ўлкада икки хил — очик ва ёпиқ овозда айтадиган дostonчи-



Шоир Умарқул Пўлкан ўғли.

лар борлигини назарга олдик ва кўриқда шунга амал қилдик. Маълумки, Нурота, Қамай, Норпой, Шеробод ва Кўрғон сингари дostonчилик мактабларининг вакиллари ёпиқ овозда айтишса, Хоразм ва Туркменистон томонларда дostonчилар очик овозда айтишади. Шуни назарда тутиб биринчи ўрин икки хил мактаб вакилларининг икки голибига — Хоразм дostonчиликл мактабида кўп меҳнати сингган, тўқсон ёшда ҳам булбулдай сайраб турган Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев) ва қашқадарёлик Қодир бахшига беришни маъқул топдик. Иккинчи ўринга эса Қаландар бахши, Ташкентнинг Бўка районидан машхур Чори бахши, Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатиб қайтган, ҳозир ҳам ижоди билан халқ қалбига йўл топаётган хатирчилик Умарқул Пўлкан ўғли ҳамда қоракалпоғистонлик Жумабой Бозоровлар сазовор бўлишди.

Сурхондарёлик таниқли Хушбоқ бахши, Бобораҳим бахши, хоразмлик халфалардан Онабиби Мадраҳимова, тошкентлик Едгор бахши ҳамда хоразмлик Жумабой Худойбергановлар кўрик-конкурсининг учинчи совриндорлари деб топилди. I, II ва III ўрин голибларига айни пайтда Республика кўрик-конкурсининг лауреати деган ном ҳам берилди.

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг Фахрий ёрлиғи ва энг яхши адабий текст учун бериладиган совринга сурхондарёлик ёш ҳамда талантли Шодмон бахши Хўжамбердиев лойиқ топилди. Шунингдек, Қодир ва Едгор бахшилар ҳам Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг Фахрий Ерлиғи

билан тақдирландилар. Бола бахши Ўзбекистон Композиторлар союзининг «Юқори маҳоратли ва музика ижроси учун», жиззахлик Кунтурган Исмоилов Ўзбекистон театр жамаитининг «Юқори ижрочилик маҳорати учун» деган совринларига лозим кўрилди.

Шовотда ниҳоясига етган бахши шоирларининг навбатдаги VI кўрик-конкурсини ўтказишда ташкилий-амалий ишлари учун район партия комитетининг биринчи секретари Раҳим Тохиров, шунингдек, қоракалпоғистонлик Тенгил Камолов, хоразмлик Жумабой Йўлдошев Бутуниттифок конкурси лауреати деган диплом билан тақдирландилар. Хоразмлик Норбек Абдуллаев, атоқли Бекмурод Жўрабой ўғлининг жиғини, нуроталик шоир Эргаш Асабоев, самарқандлик Хурсанд бахши, қоракалпоғистонлик Мерретелди Режепов, қашқадарёлик Ҳазратқул бахши ССР Езувчилар союзи ҳамда ССР Композиторлар союзининг Дипломларини олишга сазовор бўлишди. Қолган ўлтизга яқин бахши-шоир эса Ташкилий комитетнинг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шундай қилиб, 50 дан зиёд бахши куч синашди.

Эргаш Асабоевга навбат берилганда, у, дастлаб голиб совет солдати тилидан айтилган шеърини ўқиди. Зотан, конкурс талабларига кўра, бахши-шоирлар репертуарида Улуғ Ватан уруши мавзусида яратилган бир терма бўлиши шарт эди. Урни келганда айтиб ўтгани жоиздир: айрим бахшилар репертуарида ҳеч бир ўзгариш сезилмаётганлиги ачинарлидир. Бир-иккитагина терма ё куй ижро этиб, ё бирор анъанавий дostonдан парча айтишни чалакам-чатти ўрганиб олиб, бахшиликни давво қиладиган баъзи бир кимсаларнинг ҳам республика конкурс-кўриқларида қатнашиб қолаётганлиги бундан ҳам хунук ҳолдир.

Ўзбек фольклорининг жанр таркиби ниҳоятда бой ва хилма-хилдир, — дейди фольклоршунос олим Тўра Мирзаев. — Топишмоқ, мақол, ҳикоят, ривоят, афсона ва лоғлар асосан эпик турни ташкил этса, ашула ва кўшиқлар лирикага кирди. Терма лиро-эпиклик хусусиятига, драма ва аския эса драматик турга мансуб. Меҳнат, мавсум ва маросим кўшиқлари (хўп майда, турей-турей, чурей-чурей, хўш-хўш; «Бойчечак», «Барот келди», «Чоймома», «Суй хотин»; алла, ўлан, лапар, ёр-ёр, йўқлов ва бошқалар), олқиш ва қарғишлар, айтимлар қоричиқ (лирик-драматик ёки эпик-драматик) ҳолда келади-лар». («Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари», Ўзбекистон ССР




Биринчи, иккинчи, учинчи даражали «Шухрат» орденлари нишондори, «Фаргона» совхозининг пиллачилилик агрономи Абдухамид ЖАМОЛОВ.

В. Мосин фотоси.



Дугоналар давраси.


Р. Готов фотоси.




Эл саломатлигини ўйлаб...

Раққоса хиром этганда

Ҳамширалар.





Регистон.



Р. Готов фотолари.

Ташналик.



«Фан» нашриёти — 1981, 6-бет).
Ўзбек фольклорининг жанр таркиби, дostonчиликда турли мактаб вакиллариининг ижрочилик санъати, уларнинг дўмбира чертish усуллари — яъни, фольклор музикаси ҳам ранг-баранг ва ниҳоятда бойдир.

Демоқчимизки, ўтказиб келинётган бахши-шоирлар конкурсларида фақатгина бахши шоирлар қатнашиб қолмасликлари керак. Фарғона, Зарафшон, Хоразм, Сурхон ва Қашқадарё воҳаларидаги мавжуд фольклор ансамбллари, чанқовузилар, сибиғачилар ва буламанчиларни ҳам бу конкурс-кўрикларга жалб этмоқ керак. Бундан кейинги кўрик-конкурсларнинг жюри аъзолари сафи халқ оғзаки ижодини, фольклор музикаси ва ижрочилик санъати сирларини пухта биладиган мутахассислар билан тўдириб борилса. тагин ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Урта Осиё халқларининг анъаналари, фазилатлари, фольклори, маданияти, санъати ва адабиёти бир-бирига жуда ҳамоҳанг эканлиги маълум. Агар республикада ўзбек бахшилари, қорақалпоқ жировлари, қозоқ оқинлари, озар ошуклари, Хоразм халфалари ва дostonчилари ҳамда бошқаларнинг кўрик-конкурслари ўтказилиб турилса, айна мўддао.

Сирасини айтганда, бундай кўрик-конкурслар ҳар гал икки турда ўтади. Биринчи турда шахар ва областлар миқёсида бахши-шоирларнинг беллашувлари бўлади. Иккинчи ҳал қилувчи тур эса республиканинг у ёки бу шахрида республика миқёсида — областларда голиб чиққан бахшиларнинг куч синаши балан ниҳояланади.

Бундай кўрик-конкурсларнинг ўтказилишининг мақсад: бахши-шоирлар ижодини тобора омма-

тадбир олдиан областларнинг маданият бошқармалари масалага жиддий ва жавобгарлик ҳисси билан ёндашмоқлари зарур, район ва област миқёсидаги кўрик-конкурсларнинг қаттиққўллик билан ўтказилишини таъминлашлари, одоби, ижоди, меҳнати, изланувчанлиги билан ўрнат бўлаётган чинакам бахшиларни республика кўрик-конкурсларига тавсия этмоқлари керак. Зотан, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида ишни сон эмас, сифат даражаси белгилайди.

Бахшилар-тарбияловчилар ўртасида ҳам тартибсизлик, ичкиликка муккасидан кетиш, бир-бирларининг ютуғидан қувонмаслик, юмалоқ хат ёзиш, обрў ва ўрин талашish сингари иллатларнинг учраб қолаётганлиги жуда хунук ҳодисадир.

Баъзан шундай бўлади. У ёки бу соҳада яхши бир талант чиқадю, ютуқ ва ҳавойи олқишлардан эсанкираб қолади. Уз талантини тўйма-тўй юриб пул топишга сарфлаб юборади. Манманлик ё гийбатнинг тузоғига илинади. Шундай ҳодисалар юз берганда, масалага тўғри ёндашиш, қизиққан соҳасидан четлатиб, ё тадбирларга аралаштирмай кўйиш эмас, балки ўша талант эгасини имкон борича тарбиялаш йўллариини ахтариш, республика миқёсидаги ўша соҳага тегишли коллективлар аралашувида тартибга қақриб кўриш сингари усуллариини қўллаш даркор. Бу галги кўрик-конкурсда ҳар доим иштирок этиб келаётган нуроталик Юсуф Раҳматулла ўғли, сурхондарёлик Шоберди бахши, самарқандлик атоқли дostonчи Исом шоирнинг ўғли Зиёдулла бахши, Мамай бахши, шахри-сабалик Зоир шоир, қорақалпоғистонлик Желгес Есубулғанов каби талантли бахши-шоирларнинг

Шамси ОДИЛ

ОНАМСАН, ТОШКЕНТ

Гўзал, пурвиқорсан, муқаддас шахар,
Биринчи шеърининг сен илк доясин...
Гар сени куйласам, минг субҳу сахар
Қўшигим тугамас, йўқ ниҳояси.

Табаррук бағрингда қомуслар ўқиб,
Саводим чиқариб олгандим бир вақт.
Эркатой бўлади меҳрингин эмиб,
Сийнангдан ажралмай қолдим, пойтахт...

Кезганман минг бора хандон лолалар —
Қизгалдоқ аримас кўчаларингда,
Шамшод қад бинолар, шўхчан хандалар —
Хаёлим тортганда... кечаларингда.

«Дўст — дўстни синайди оғир пайтларда,
Бошига тушганда мудҳиш мушкулот.
Ҳозир бўлган билан зиёфатларда —
Азадан қочади баъзи ношуд зот».

Йўқ, асло қочмайман, мард учун уят,
Номимга йўлатмам, она, ёмон от.
Юмушга ярайман бор экан қувват,
Сен ўзинг қувватсан, сен ўзинг қанот!

Онамсан, қойилман жасоратингга,
Чўнг қаддинг юксалин қўёшга томон.
Кун сайин мафтунман салобатингга,
Зилзиладан букун йўқ ному нишон.

Ажиб фараҳбахшсан қахрамон шахрим,
Киндик қоним сенда томганлиги рост.
Она шахрим, дейман, бу — юрак аҳдим,
О, Тошкент — онамсан, қўйганман ихлос.

Икром ОТАМУРОДОВ

БИЗ БИЛМАГАН МАНЗИЛЛАР КЎП ДУНЕДА...

Биз билмаган манзиллар кўп дунёда,
Заминга чамбарчас томир-матлаби.
Тоққа елка тутиб ўзи қиёда —
Назарга тушмаган адирлар каби.

Кўзларимиз эса ўрганиб қолган,
Баландларга боқмоққа афус.
Адирлар борлигин биламиз қайдан,
Турсак умр бўйи тоғдан узмай кўз.

У ерларда учган қушлар хаттоки,
Учрамас — кўп машхур манзилларда йўқ.
Дарахтлари тўпмас, сийрақдир балки,
Лекин мевалари мағизли ва тўқ.

Билмоқ учун зотан ихтиёр камдир,
Тасавурнинг доим етмас қудрати.
Манзиллар расмини чизмоққа, ахир,
Ўзларига ўхшатиб...

...Жуғрофия дарида муаллимнинг,
Дунё харитасин ёнида туриб,
Кўрсаткичи чопади манзилларни,
Манзилларни сакраб-сакраб югуриб.

Шундай тез ўтамиз улар ёнидан,
Кўзаларда тасвири қолар ё қолмас.
Фикр бўлинади. Қўнғироқ бирдан,
Танаффусга чик, деб берганда сас.

Нотаниш манзиллар — қўнғилда ҳайрат:
Қадамлар ундовдир, қадамлар сўроқ.
Уларнинг бағрига мумкиндир фақат
Меҳр бошлаган йўл билан кирмоқ...

Талпинаман нотаниш манзилларга;
Юракда ҳаяжон туширган муҳр —
Умид билан, биргама-бирга,
Кўксингга қадаб ол байроқ — Меҳр.



86 ёшли Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев) куйламоқда.

С. Носиров фотолари

лаштириб бориш, уларнинг репертуарини республика меҳнаткашларининг яратувчанлигини, социалистик тузум фазилатларини, дунёда тинчлик учун қураш ишини, халқлар дўстлигини ёрқин акс эттирувчи терма ва дostonлар билан бойитиш, бошловчи ёш бахшиларда дostonчилик анъаналарини муқимлаштириш ва уларда замонага ҳамнафаслик фазилатларини ўстириш сингари жуда кўп фазилатлар кўзда тутилади.

Аммо баъзи жойларда бу ғамхўрлик ва раҳнамоликка, талаб ҳамда эътиборга юзаки қараш ҳоллари ҳам юз бераётганлиги сезилиб қолаяпти. Энг аввало, бу

қатнашмаганлиги афсусланарлидир.

Келинг, биз, бахшилар энг аввало ўз сиёсий, маданий савиямизни муттасил ошириб боришга эришайлик. Одоб ва ахлоқда, партия ҳамда ҳукуматимизнинг талаб ва ишончини оқлашда бир-биримизга ибрат кўрсатайлик. Терма ва дostonларимиз, шеърларимиз билан замонага ҳамнафас бўлайлик!

ОТАЕР,

Ўзбекистон ССР Езувчилари
союзи Фольклор кенгаши
раисининг ўринбосари

СИФАТГА ЭХТИЁЖ

Мамлакатимиз навбатдаги юккаш босқичи остонасида турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 йил) пленуми катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масалаларни — партиянинг навбатдаги XXVII съездини чақириш ҳамда унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиқди.

Ун биринчи беш йиллик якуланмоқда. Ун иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Апрель (1985 йил) пленумида «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» деб қилган қарорнинг совет кишиларининг диққат марказида турганлигини, бу хужжат Ленинча услубнинг, ютуқларимизга баҳо беришга, ҳозирги ривожланишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга реалистик ёндашувнинг намунаси, социал-иқтисодий соҳада, халқаро сиёсатда, ташкилий-партиявий, идеологик иш соҳасида докладда баён этилган принципиал йўл-йўриқлар аслида партияимизнинг съездолди платформаси эканлигини ёрқин ифода этди.

«Хуллас, партиянинг талаби шундан иборатки, — деди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. В. Усмонов, — баландпарвоз сўзлар эмас, балки ишчанлик партия ташкилотларининг съездолди давридаги бутун ишининг асосини ташкил этиши керак. Партия чақириқларига зарбдор меҳнат билан жавоб қайтариш — коммунистлар, барча совет кишилари учун ҳамиша энг яхши аяъана бўлиб келди».

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, республикамизда ҳам КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа ватанпарварлик ташаббусларини жўш урдириб юборди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сифат учун кураш байрогини баланд кўтарган Тошкент «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон пойфазал фабрикаси ташаббусларини маъқуллади. Андижон область Шахрихон Қурилиш-монтаж бошқармасининг СССР Давлат мукофоти лауреати Екубжон Марасулов бошчилик қилаётган экскаваторчилар бригадаси, Бухоро Тўқимачилик ком-

бинатининг тўқувчиси Валентина Климова, Тошкентдаги В. П. Чакалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов бошчилик қилаётган бригадаси, республикамиздаги минглаб новаторлар, илгор коллективлар КПСС XXVII съездида тайёргарликнинг энг масъулиятли даврида ишга ижодий ёндашув, социалистик омилкорликни намойиш қилишга астойдил интилоқдалар. Қўқон пойфазал фабрикасида амалга оширилаётган энг яхши ишлар ҳам шундай дейишга асос беради.

Қўқон пойфазал фабрикаси кейинги йилларда ўз соҳасининг илғорларидан ҳисобланиб келди. Аммо унинг республика миқёсида ташаббускор бўлиб чиқиши, социалистик мусобақага янги тўлқинлар қўшиши: биринчи марта.

Биринчи бўлиш — қийин иш. Биринчи ҳамманинг кўз ўнгига туради. Унинг тажрибаси ибрат ҳисобланади. Шунинг учун биринчиликни сақлаган ҳолда,

бошқаларни ҳам биринчилар қаторига олиб чиқиш масъулият республика ишчиларининг олдинги сафларига бораётган меҳнат аҳли зиммасига янада катта вазифалар юклайди.

Бу катта вазифалар мазмунини соддагина қилиб: пишиқ, бежирим-чиройли, бугунги кун талабларига мос, арзон, кийган одамни хурсанд қиладиган пойфазал ишлаб чиқариш, деб ифодалаш мумкин.

— Қўқон пойфазал фабрикаси ишчилари бир кунда қанча кишини хурсанд қилишга сафарбар этилганларини биласизми? — дейди ташаббускор ишчи Муҳаббат Соипова. — Улар бир кунда: 10 минг 400 ҳамюртимизни, жумладан, 3 минг 800 нафар катталарни ва болаларни, 3 минг 200 нафар аёлларни, 3 минг 400 та қиз болаларни хурсанд қилишлари керак. Энди шунга, яъни 10 минг 400 та хурсанд бўлган одамни кўз ўнгигизга келтиринг. «Ичкаридагилар кулганида айвондагилар жилмаяди», деган матални эсланг. Демак, Қўқон ишчи-қосиблари бахш этган шодлик ҳар

қуни 10 минг 400 оилани, 10 минг 400 ишхонани, мактабни, болалар боқчасини қамрайди, улардан бутун халққа ёйилади.

Қўқонлик ишчилар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. Уларнинг қўлидан чиққан пойфазал кўпга чидайди. Оёғингизда илоннинг оғзидан чиққандек ярқираб, эскирмай юраверади. Винобарин, пойфазал усталари қилиб турган иш — жуда керакли, ижтимоий-маънавий жиҳатдан аҳамиятли.

Албатта, меҳнатқашларнинг кўнглидагидек маҳсулот ишлаб чиқариш — мураккаб жараён. Ҳамюртларимизнинг эҳтиёжини, дидини ҳисобга олган ҳолда, пойфазал моделларини янгилаб туриш зарур. Яқинда Қўқон пойфазал фабрикасида олий поток усулида ишлаб чиқариш учун 118 модель тасдиқланди. Шундан 4 та янги пойфазал тури энг юқори баҳо — 39 балл олди. Уларнинг ижодкорлари — фабрика лабораторияси ходимларидир. Бошқа пойфазал турларига ҳам эҳтиёжга мувофиқ ўзгаришлар киритилган.



Қўқон пойфазал фабрикаси 8-цеҳи ишчиси Гуломжон Арслонов, цеҳ бошлиғи Аҳроржон Юсупов, группа парторғи, ишчи Мунисхон Рўзиқулова.

Т. Мелибоев фотоси

Қўқон пойфазал фабрикасида меҳнатга ижодий муносабат тобора кучаймоқда. Бу фазилат ишчилар, лаборатория ходимлари, инженер-техник ходимлар фаолиятида ҳам сезилиб туради. Мана, бир мисол: республикамиздаги 10 та пойфазал фабрикаси бош инженерлари фаолияти қиёсан ўрганилганда, Қўқон пойфазал фабрикаси бош инженери меҳнати биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Цех бошлиги Ахроржон Юсупов ҳам ўз суҳбатида диққатимизни ана шу масалага — ишнинг ижодий томонига қаратди: — Цехимиз йўрғакдан энди чиқди — янги ташкил қилинди, — деди у. — Аммо биз фабрика кўрсаткичларига етиб олишга эришдик. Муҳаммаджон Орифов, Раҳмон Тусматов бошлиқ бригадалар айниқса ғайрат ва омилкорлик билан ишламоқдалар. Биз ҳар бир ишчи бир неча иш жараёнини билиб олиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам, бир йигитга қирқ хунар оз. Бир киши ҳамма жараёни билса, иш осон кўчади, баъзи жараёнларни янада такомиллаштириш имконияти туғилади, дам олишга чиққан ёки даволанишга кетган ўртоқнинг юки ҳам ерда қолмайди, цех план-топшириқларининг бажарилиши бедахл бўлиб қолади.

— Бу ҳаракатларимизнинг натижаси шундан иборат бўладики, — дейди ишчи Муниҳон Рўзиқулова, — цехимиздаги 2 та бригада — шу йил охиригача Муҳаммаджон Орифов ва Раҳмон Тусматов бошлиқ меҳнат аҳллари янги — олий сифатли поток услубида ишлашга ўтади.

Қўқон пойфазал усталари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг савдоси, харидорлиги масаласи билан ҳам мунтазам равишда қизиқиб бормоқдалар. Тошкент, Фарғона, Қўқон пойфазал магазинларида фабриканинг кўрғазма-савдоси ташкил қилиниши одат тусига кирди. Бундай тадбирларнинг натижалари тезликда ўрганиб чиқилади, харидорларнинг талаб-истаклари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада ошириш чоралари кўрилади. Чунончи, Қўқон пойфазал фабрикаси вакиллари 1984 йилда Тошкентдаги ГУМ, ЦУМ, «Болалар дунёси», Фарғона ва Марғилондаги 4-, 19-, 23-, 26-, 28-магазинларда ўтказилган кўрғазма-савдо кенгашларида иштирок этдилар. Бу йил ҳисобидан Қўқон яқинидаги Найманча қишлоғида, Тошкентдаги 19-магазинда ва «Чилонзор» савдо марказидаги кўрғазмаларда қатнашдилар. Ушбу учрашувларда билдирилган фикрлар атрофлича ўрганиб чиқилди ва уларнинг энг муҳимлари ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳисобга олинди.

Меҳнатга ижодий муносабат жуда кўп ижтимоий омиллар мажмуи сифатида ҳосил бўлади, албатта. Ишчиларнинг меҳнат, турар-жой шароитини, спорт билан шуғулланиш имкониятини яхшилаш борасида яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. Фабри-

када ишлаётган ЎзССР Олий Совети депутати Галина Бурганова, область Совети депутатлари Тамара Трифонова, Ольга Васина, шаҳар Совети депутатлари Холисхон Маҳмудхўжаева, Саодат Алиева, Ольга Андреева, Эльвира Саркисова, Людмила Жданова, Мавлуда Мелибоева, Анвар Абдуллаев, Валентина Чернецова, Нуруния Ғафурова, Зебихон Сирожиддинова, Ольга Коренченко ўртоқлар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишчиларнинг ҳаёти ва меҳнат шароитларини янада яхшилаш соҳасида ҳормай-толмай фаолият кўрсатмоқдалар.

Мана шундай фидокор кишилар борлиги учун ҳам Қўқон пойфазал фабрикаси, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли каби олий сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташаббускори бўлиб майдонга чиқди.

Кейинги вақтда фабрикадаги икки олий сифатли поток 15 та янги моделни ўзлаштирди ва ишлаб чиқара бошлади. Маҳсулотларининг сифат даражаси 2—2,5 процентга ошди.

Олий сифат потокида ишлаётган коллективларнинг аъзолари ўз маошларининг ҳар бир сўми ҳисобига олий сифат учун ярим сўмдан мукофот оладилар.

Шу йил яна олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган 2 поток ишга тушди. Юқори сифатли маҳсулот фабрика умумий маҳсулотининг 20 проценти ни ташкил этадиган бўлади.

— Улуғ адиб Антон Павлович Чеховнинг «Ваня тоға» драмаси қаҳрамони врач Михаил Астров: «Одамда ҳамма нарса: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикрлари ҳам гўзал бўлиши керак», дейди. Биз ҳар жиҳатдан гўзал кишиларимиз қиядиган пойфазал ҳам, чиройли, бежирим, кийганда завқ боғишлайдиган бўлишига ҳаракат қиляпмиз, — дейди фабрика партия комитети секретари Мақсудахон Мирзаева. — Ишончимиз комилки, биз мўлжаллаган катта ишларимизни тўла-тўқис амалга оширамыз. Чунки эзгу ишларга раҳнамолик қиляётган коммунистларимиз фаолияти, илғор ишчиларимиз ибрати, бутун коллективимиз яқдиллиги шундай дейишга асос беради. КПССнинг XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини албатта муносиб меҳнат муваффақиятлари билан кутиб оламыз.

Гўзалликка бўлган инсоний эҳтиёж бизнинг ҳаётимизга сингиб кетган. Шу улуғ эҳтиёж бизнинг ҳаётимизда тўла-тўқис рўёбга чиқиш имкониятига эга бўлди. Қўқон пойфазал фабрикасида олий сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида олиб борилаётган ишлар ва у республика миқёсида бошлаган эзгу ташаббус ана шунинг яна бир далолатидир.

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ

Қўқон — Тошкент



Тошкент Машинасозлик заводи ёш ишчиларидан Мўйдин Қозқобев.



Тошкент Агрегат заводининг ветеран ишчиси Абдуфаттоҳ Шукуров.

ОНАНИНГ ҚАЛБ ДАФТАРИ

Назира ИҶЛДОШЕВА

Еш шоира Назира ИҶлдошева «Нотинч дув» деб номланган янги дoston ёзди. Қуйида шу дostonдан парчалар ўқийсиз.

* * *

«Ойнаи жаҳон» Никарагуани, Сунг эса кўрсатди Афғонистонни. Она юрагида бир оғриқ туйди, Онанинг юзидан қочди-да қони Юрагин санчиши билмай ниҳоя, Сўзлади қизига шундай ҳикоя:

— Шоира бўламан, дердим бир пайтлар, Мен ҳам шеърятнинг шайдоси эдим. Қишлоғимни суюб ёзардим байтлар, Қалбим қишлоғимнинг навоси эди. Аммо боролмадим ҳеч ерга олиб, Езганларим кетди дафтарда қолиб...



...Мана, барқ урмоқда Сармишда наврўз, Дарахтларда базм қурмоқда қушлар. Баҳор ўз хусини этмоқда кўз-кўз, Иигитлар қизларнинг қўлидан ушлаб, Қизлар толбаргақдан гулчамбар таққан, Суйганига нозли, шўх кулиб боққан... ...Аммо ўша йили, айни ўша ёз, Фашистлар қўққисдан бошлашин хужум, Иигитлар олмоқ-чун душмандан қасос Жангга отланишин билмасди ҳеч ким. Билмасдик бўлмоғин қаттиқ, қонли жанг, Дарёларда қонлар оқишин ол ранг.

Ҳеч қайси кўнгилга сиғмай қолди қил, Ларзақор хабарни тинглаб эфирдан. Озодлик қўйнида яйрар эди дил, Юракларга уруш чанг солди бирдан. Иигирма иккинчи июнь сахари Оёққа қалқиди Ватан мардлари.

* * *

Яхши кўрар эдим икки акамни, Уйнаб улғайгандик ёшлиқдан бирга. Еддан айтиб «Ширин билан Шакар»ни, Сигир боқар эдик ям-яшил қирда. Ҳар недан тўқишар ажиб ҳикоя, Қизларни қилишар доим ҳимоя. Ғалаба қилишга ичган эди онт Элни тиндирмасди Ватан қисмати. Колхоз даласини ҳам аташиб фронт, Тинчликка қўшай деб ҳар ким хиссасин.

Тегирмонга қатнар бугдой тортгани, Унутиб кун ботиб, тонгнинг отгани.

Аёллар — чел олиб, шудгор қиламиз, Текис бароналаб чиқамиз ерни. Ҳар биримиз ўзни масъул биламиз, Билингирмай жангга кетганлар ўрнин. Этик ечиб, дарё, сой кечамиз гоҳ, Фермага хашак деб лой кечамиз гоҳ.

Ерни эндигина эқмоқликка тахт Қилиб бўлган эдик бир уни кечда. Почтальон келтириб берди қорахат, Йўқ, бу мумкин эмас, мумкинмас ҳеч ҳам! ...Ҳалок бўлса дилга яқин жигаринг, Малол келар экан тирик юрганнинг...

* * *

Қиш ҳам келди, мана, қирчиллама қиш, Шудгорни қоплади тизза бўйи қор. Ноқулай бўлса-да ун сўраб бориш, Гўдагинг қақшаса, не иложинг бор? Қўшнимга чиқаман кўтаролмай бош, Қўшним супра қоқар беролмай бардош.

Қорда тутга чиқиб қиламан ўтин, Қўлим, оёқларим айланиб музга. Йўтал тутиб келар ўқтин ва ўқтин, Ногаҳон йиқилдим тутдан ховузга. Болам қолмасин деб орқамда етим, Музга тирмашдим мен увишиб этим.

* * *

Бари бир ишладим шимариб мен энг, Узун кечаларим уланди тонгга. Кўклам, дала ишлар қизиганда энг, Колхоз раислиқни топширди менга. Энди иш кўрсатмай иложим қанча, Чўкиб қолган эди колхоз ҳам анча.

— Аёллар! — Мажлисида столни урдим, — Оғир жанг кетмоқда фронтда, ахир, Қонга-қон деб она-Ватан буюрди, Йўқса, шаънимизни ёв этар таҳқир. У ёқда жанг борар, бу ер ҳам фронт, Ватанинг номидан ичажакмиз онт!

Юракдай авайлаб ҳар қарич ерни, Ғалаба учун деб қадармиз уруғ. Ишлаймиз билдирмай кетганлар ўрнин, Бўлар ғалабада юзимиз ёруғ. Тўмарис шиддати бўлсин сизга хос, Она-Ватан учун қасос, ал-қасос!

Ўғлим жангга кетди. Кузатди бир қиз. Кўкрагимдан недир кетди узилиб. Қизча менга боқиб йилларди из-из, Унга қараб кўнглим баттар бузилиб, Кўзимга қоронғи кўриниб олам, Маҳкам кучиб дедим: «Ийғлама, болам...»



* * *

Ташаккур журъатли шу аёлларга, Минг бора ташаккур болаларга ҳам. Юрак жароҳатинг ҳам даволарлар, Унутилар қайғу, унутилар ғам. Қўзлари, вужуди чўғ бўлиб ёнар, Ғалабага жуда-жуда ишонар.



* * *

Неники ортирса ўша чоғ кўплар, Келтирар: «Фронтга жўнат, — деб, — болам.» Фронтга берамиз барчасин тўплаб, Хатлар ёзиб юрак қонимиз билан. Аскарларга мадад бўлар деб харна, Йиғиб жўнатамиз тақинчоқларни.

Дарёдай олдинга чопар учқур вақт, Поездлардай олиб боради замон. Уруш муаммоси аммо муаллақ, Ерда, кўнда уруш этади давом. Қуёшдан ҳам кўпроқ ишлаб бутун ёз, Кузда планини бажарди колхоз.

Ленин орден олди уч теримчи қиз, Мен ҳам орден билан муқофотландим. Байроғимиз ўпиб, қаршисида тиз Чўкиб такрорладим дилдаги аҳдим: «Омон бўлгин Ватан — улғў онажон, Сенинг ҳимояннга шаймиз ҳар қачон...»

* * *

Ассалом, ғалаба, салом, ғалаба! Кел-эй, кел, бормисан саломат, омон! Бизлар сени кутдик ивиб жалада, Қиш-қорларда кутдик музлаб танда жон.

Қанча одамлардан бўлди-ай, жудо, Есир бўлиб кутдик, тул бўлиб кутдик. Тилга кирди бугун бутун мавжудот, Бир-бировни кучиб лолалар тутдик.

Евга ташланса эл мисоли бургут, Охири оларкан голиб деган ном. То қизил гулхандай ёнаркан вужуд, Дилларда яшайсан Ғалаба мудом.



ҚИРҚ ЙИЛ ОША



* * *

Йўқ! Бундан ҳам сени топмадим,
 Ҳали,
 Қабринг тополмадим кезиб жаҳонни,
 Қайдасан, қай хилда топгансан ўғлим,
 Овоз бер! Енмоқда жону жаҳоним!
 Заминда қолмади мен бормаган жой,
 Қабринг тополмасдан қаддим бўлди ёй.

ТУШ

Сокин майсазорда, чечаклар аро,
 Тонг олди иккимиз кўришдик дийдор.
 Солдат кийимида бўлди у пайдо,
 Йигит бўлибди-ей, шу қадар дилдор.
 Баҳорда очилган лоладай маъсум,
 Қои-қўаларида дилбар табассум.

Деди: қабрим йўқдир менинг, онажон,
 Мен Севастополда қилган эдим жанг.
 Ев танклари этди шаҳарни вайрон,
 Ер юзаси олди қонлардан ол ранг.
 Ёққан каби эди гўё қизил қор,
 Ут очаётган пайтим бўлдим ярадор.

Бундан-да оғирроқ жанг бўлди
 Керчда,
 Керчь қоп-қора тутун ичида қолди.
 Снаряд тушди-да ёнимга кўкдан,
 Портлади, ҳеч нени қўролмади қолдим.
 Унг елкамдан ўқ еб йиқилдим ерга,
 Қонли жанг пайтида Запарожьеда.

Будапештда тегди энг охирги ўқ,
 Ев ўқи кўксимни поралаб ўтди.
 Шунда ҳам, онажон, мен ўлганим йўқ,
 Турнага айланиб учдим кетдим.
 Ердан берди сўнг дам менга Ватаним,
 Унинг шивирини қолдим мен таниб.

«— Уч, — деди, — ўғлоним, булутлар
 сари,
 Онажон оғушига тезроқ учиб бор.
 Унинг юрагин тарк этсин ғамлари,
 Учгил, уйинг кутар сени интизор.»
 Шаҳарларни кўздан кечириб бир-бир,
 Зарафшон бўйига келдим мен охир.

Таний олмадингиз, онажон, аммо,
 Деразага келиб, неча бор кўндим.
 Сўнг ноилож кетдим турналар томон,
 Бир умр «қу-ре» лаб яшага кўндим.
 Қанча тақрорламай Фарход эканим,
 Тушуна олмасиз тилими маним.

Турналар самода аргимчоқ ясаб,
 Осмонни тўлдириб учган чоғлари,
 Ҳовлимиз устидан ўтганда наглаб,
 Ўғлингиз кўрмакка чиқинг чоғланиб.
 Биз йингирма миллион руҳ —
 турналармиз,
 Дунё нотинч бўлса, биз қийналармиз.



1942 йилнинг кўклами... Эндигина ўн
 саккиз баҳорни қаршилаётган Нодиржон
 Мардиев қишлоқдошлари Жўрақул Ҳа-
 йитбоев, Эгамберди Дўстматов, Эргаш Турди-
 ев, Нурқобил Эгамкулов, Улуг Жумаев каби
 ўн чоғли йигитлар билан кўнгилли бўлиб
 фронтга жўнади.

...1943 йилнинг эрта кузида Эшимоқсоқ
 қишлоғини муштипар она фарёди чулғади.
 Бу она — Кумуш ая Маматова эди. Унинг
 номига ўғли Нодиржон Мардиевнинг ҳалок
 бўлганини ҳақидаги «қора хат» келган эди.
 Кумуш ая қизи Шаҳривон билан ёлғиз
 қолди.

Йиллар ўтди. Улар жигарларининг ҳалок
 бўлганлигига ишонгилари келмас эди. Но-
 диржон жуда эпчил, тадбиркор, ҳар қандай
 қийинчиликларга бардошли, ўт-олов йигит
 эди. Унинг қаерда, қай тарзда ҳалок бўлган-
 лигини билиш илинжи уларнинг кўнглини
 ўртарди.

Кумуш ая умрининг сўнгги дақиқаларига-
 га шундай армон билан яшади. Энди бу
 илинж алангаси Шаҳривонни чулғади. Ора-
 дан 40 йил ўтди. Тасодифан 1983 йилнинг
 баҳорига Мардиева (ҳозирги фамилияси
 Ҳайитова) Шаҳривон номига Донецк область,
 Волновах район Никольское қишлоғидан хат
 келди. Хат муаллифи қишлоқ тарихи музейи
 директори Татьяна Косьянова эди. Маълум
 бўлишича, Шаҳривон опанинг адреси акаси
 Нодиржон Мардиевнинг ён чўнтағидан то-
 пилган ва у шу пайтгача музейда сақлаб
 келинган. Хатда ҳайка қилинишича, Но-
 диржон Мардиев украин халқини, жумла-
 дан, Никольское қишлоғи аҳолисини немис-
 фашист босқинчиларидан озод қилиш учун
 олиб борилган шиддатли жанглардан бири-
 да — 1943 йил 7 сентябрда мардларча ҳалок
 бўлган. Марҳумнинг жасади 9 сентябрь кун
 шу қишлоқ ёнидаги Қардошлик мазорига
 дафи қилинган. Хат муаллифи Нодиржон
 Мардиевнинг қариндошлари, таржимаи ҳо-
 ли, суратини сўраган, бу маълумотлар музей
 учун, қолаверса, Улуг Ватан урушида халқим-
 из эришган Буюк Ғалабанинг аҳамиятини
 келажак авлодларга етказиш учун зарурли-
 гини айтган эди.

Мактуб опани йўлга чорлади. Донецк
 аэропортида ўзбекистонлик меҳмонларни
 Татьяна Косьянова, Никольское қишлоқ
 Советининг раиси С. Станилова, Петровский
 номидаги колхоз раиси А. Гончаров, партия
 ташкилотининг секретари М. Омельченко
 ўртоқлар иззат-икром билан кутиб олдилар.
 Никольское қишлоғидаги эндиликда аҳоли-
 нинг доимий зиёратгоҳига айланган боққа
 халоскорларга ёдгорлик — ёш жангчининг
 ҳайкали ўрнатилган. Ёдгорлик тахтасига
 тўрт жасур жангчининг номи битилган.
 Улардан бири Нодиржон Мардиевдир.

Шаҳривон опа акасининг қабрини зиёрат
 қилди, бу ернинг тупроғини кўзига суртди.
 Сафардан кўнгли тоғдек бўлиб қайтган
 Шаҳривон опа Улуг Ватан урушида қатнаш-
 ганларга, ҳалок бўлганларнинг оналарига
 кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун
 партия ва ҳукуматимиздан, жумладан, Вол-
 новах район партия, совет, хўжалик раҳбар-
 ларидан, Никольское қишлоғи аҳолисидан
 миннатдор эканлигини зўр ҳаяжон билан
 юртдошларига сўзлаб берди.

Ниҳоят, фашизм — уруш ҳам тугаб,
 Мирзоом оқсоқланиб келдилар у кун.
 Ва лекин мен ўтсиз борардим тутаб,
 Ўғлим — Фарҳодимдан дарак йўқ
 нечун?
 О, ўғлим қисматин кейинроқ билдим,
 Бу дард билан энди яшаб не қилдим?!

Ҳеч бўлмаса ахир бордир деб қабри,
 Жанг бўлган жойларга кетдим-ку
 излаб.
 Ўқсиниб кетарди дунёнинг қалби,
 Ўғлимга қабр ҳам йўқлигин эслаб.
 Ўғлим сўраб кўп бор йўлласам-да хат,
 Жим сукут сақларди Сталинград.

Балки Севастополь, Москва ё Керчь
 Жангга кирган ботир ўғлимни кўрган.
 Ҳар кун уни излаб кун бўларди кеч,
 Яна умид билан чиқаман йўлга.
 Нахот, тополмасан ер Куррасидан,
 Балки бўлдинг Освендим
 концлагерида...

Ўғлим, онанга бу нима кўргулик,
 Сени излаб Бухенвальдга ҳам келдим.
 Не қилдик урушга сабаб бўлгулик,
 Кимга керак бўлди мотаминг, ўғлим!
 Ўғлим, солгандайсан сен шу ерда дод,
 Кўтарилар бундан даҳшатли фарёд.

Юрагимда иссиқ қонларим тўхтар,
 Қўлларим кишанлар иблисона куч.
 Ортиқ тинглолмасман, Домбахер,
 тўхта,
 Тўхта, жаҳаннамга келгандайман дуч.
 «...Газ камерасига асирни тиқиб...»
 Тўхта, юрак борар қандан чиқиб.

Ўлим лагерига туташган йўлак,
 Ўтгандирсан сен ҳам шу йўлдан чопиб.
 Балки қалб қонингга беланган кўйлак,
 Энди кулингни ҳам бўлмайдди топиб.
 Ташланиб қопагон соқчи кўпаклар,
 Балки ташлагандир сени бўлаклар...

Қандай чидадинг бу даҳшатга, ўғлим,
 Жуда қийналгандир ёшгина жонинг.
 Фашизм! Ёқангда ўлгунча қўлим,
 Юрагимдан кетмас боламнинг доғи,
 Кўё ёшим қуриган, мен қандай йиғлай,
 Волам-ай, аламнинг кўксимга сиғмас.

Қандай қувонгандик туғилганингда,
 Жажжи лабларингдан тўймасдик ўпиб.
 Умр саодатли туюлган эди,
 Ҳар кун мактабдан қайтишинг кутиб,
 Утирардим тутиб йўлларингга кўз,
 Шод ва қувноқ эдинг, эдинг
 ширинсўз...

Отто Домбахер — кекса экскурсовод.
 У ҳам нацистлар жаҳаннаманинг барча
 азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирган.



«...Бу шундай бир мўъжизакор кўзгуки, унга боқиб борлиқ олами кўрасан, дунё мамлакатларига сафар қилиб, ўзга халқлар ҳаёти билан танишасан, қалқиб турган заминдаги турли воқеаларнинг шоҳиди бўласан. Ана шу ғаройиб кўзгуну неча асрлар давомида инсонлар орзу қилиб келганди. Ҳатто улугъ шоир Алишер Навоий ўз «Хамса»сида бу орзуну «ойнаи жаҳон» тимсолида тасвирлаган. Бугун у сеҳрли кўзгу — кинокамера бизнинг қўлимизда», деган эди Малик Қаюмов учрашувларнинг бирида.

Дарҳақиқат, кинорежиссёр М. Қаюмов суратга олган ўнлаб фильмлари республикамизнинг шонли тарихи ҳақида авж пардада қуйланган дoston, дейиш мумкин. Инқилоб арафасида Туркистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, Ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги ҳаракати ва шу каби улкан воқеалар мазкур фильмларнинг мазмунини ташкил этади. Иттифоқимизнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатига 1933 йили қўйилган дастлабки ғишт ҳам, 270 километрли Катта Фарғона каналини 45 кунда ҳашар усули билан барпо этган ўзбек халқининг мисли кўрилмаган буюк жасорати ҳам унинг асарларидаги ёрқин саҳифалардир. Ўз ижодий фаолиятининг дастлабки йилларида суратга олган бу ҳужжатли фильмлар кейинчалик «Тожихон билан учрашув», «Ун уч қалдирғоч», «Паранжи» сингари кинопублицистик фильмларнинг яратилишида замин бўлиб хизмат қилди.

Ўз устози материалларидан фойдаланиб, иқтидорли режиссёр Али Ҳамроев «Ленин ва Туркистон» номли ҳужжатли ҳамда «Фавқулодда комиссар» бадий фильмларини яратган бўлса, кейинчалик режиссёрлар А. Ҳамроев, А. Қобулов ва Ю. Собитовлар ҳамкорликда мантқан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган «Ленин ва Ўзбекистон» кинотрилогиясини яратдилар.

Орадан кўп ўтмай, Малик Қаюмовнинг ўзи ҳажман кичик — бор-йўғи етти минут экран вақтини оладиган, ammo мазмунан теран «Паранжи» фильмининг томошабинлар ҳукмига ҳавола эди. Режиссёрнинг публицистик эҳтироси ва ижодий камолоти айниқса шу фильмда яққол кўзга ташланади.

Ўзбек киносининг бу шоҳ асари Лейпцигда ўтказилган қиска метражли фильмлар Халқаро кинофестивалида, фестивалнинг Олий соврини — «Олтин кабутар» билан тақдирланди.

Режиссёрнинг ўзбек ҳужжатли киносида ёрқин из қолдирган яна бир асари — «Ун уч қалдирғоч» (Неля Отауллаева билан ҳамкорликда ишланган) фильмидир. Биринчи ўзбек мактабининг

биринчи қалдирғочлари орадан 40 йил ўтгач Қўқонда, бир пайтлар таҳсил олган жонажон мактабларидаги синфда учрашадилар. Эндилкида нафақат республикамизда, балки мамлакатимизда ва хатто чет элларда ҳам машҳур бўлган олимлар, ўқитувчилар, инженерлар, фан ва санъат арбоблари — 13 қалдирғоч ўз парталарига ўтиришади. Бирининг кўзиде ёш йилтирайди, бошқиси бошини қуйи эгиб, ўғмиш хотираларини эслайди, яна бири 40 йилдан сўнг сеvimли партасида ўтирганидан болаларча хурсанд. Лекин баъзи парталар бўш, баъзи дўстлар учрашувга етиб кела олмаган — синфдош дўстларнинг айримлари Улугъ Ватан урушида ҳалок бўлишган, бошқаларини эса бевақт ўлим ораларидан олиб кетган.

Энди камера бизни фильм қаҳрамонларининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, улар босиб ўтган оғир ва машаққатли йўлдаги қийинчиликлар, эришилган ютуқлар замири, меҳнаткаш халқ вакиллари оламшумул кашфиётлари тафсилоти билан таништиради.

Малик Қаюмов карвонбошилигида ўзбек ҳужжатли киноси ўзининг бутун тараққиёти давомида республикамиз меҳнаткашларининг ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар соҳасида олиб бораётган бунёдкорлик курашининг олдинги сафларида бўлди. Партия раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан ишлар: йирик саноат қурилишлари, қудратли сув иншоотлари барпо этиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, пахта учун олиб борилаётган умумхалқ кураши, фан, маданият ва санъат соҳасидаги ютуқлар экран воситаси, ёрдамида мунтазам ҳикоя қилиб келинмоқда. «Ўзбекистонимизга келинг», «Зангори олов кишилари», «Тошкент zilзиласи», «Пахта — инсоният гули», «Оби-ҳаёт келди», «Мираачўл» каби фильмлар фикримизга далил бўлаолади.


Кўп миллатли совет кинематографиясининг бир қисми бўлган шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек ҳужжатли киносининг ривожига таниқли рус совет режиссёрларининг тажрибаси мактаб вазифасини ўтади. Малик Қаюмов ўз ижодининг дастлабки йилларида совет ҳужжатли киносининг асосчилари Дзига Вертов ва Эсфир Шубл каби кино усталари билан ижодий муносабатда бўлди. Бу машҳур режиссёрлар ёш оператор юбориб турган кинолаҳзалардан ойлик киножурналларни монтаж қилишда фойдаланганлар. М. Қаюмов ҳам ўз навбатида Д. Вертовнинг «Кино ҳақиқати», «Одмила, Совет!», «Ленин ҳақида уч қўшиқ» каби фильмларидан монтаж, тасвирий воситаларини уйғунлаштириш услуби ва бошқа кино санъати сирларини ўрганди,

ўзининг энг яхши фильмларида ана шу анъанага содиқ қолди. Улугъ Ватан уруши йиллари М. Қаюмов суратга олган кинолаҳзалар совет солдатининг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар олтин фондининг хазинасидан муносиб ўрин олди. Режиссёр бу сеҳрли санъатнинг таъсир кучини янада чуқурроқ хис этар экан, ўз фаолиятида ўзга халқлар тарихи ва тақдирига бефарқ қараб тура олмади. Ҳиндистон, Вангладеш, Индонезия, Вьетнам, Афғонистон каби мамлакатлар ҳаёти М. Қаюмов фильмлари туфайли ўзбек томошабинлари қалбига янада яқинроқ бўлиб қолди.

Айниқса, Роман Кармен билан ҳамкорликда «Ҳиндистон

тин Бенгалия» фильмида ҳам яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу картина киноҳужжатчининг давр олдидеги масъулиятини нақадар хис этиши, янги ҳаёт кураётган дўст халқнинг орау-умидларини чуқур билишини ва уни ранг-баранг бўёқларда тўлақонли тасвир эта олишини кўрсатди.

Малик Қаюмовнинг сиёсий эътиқоди, ижодининг бош мезони айниқса унинг жанговар руҳ билан сугорилган «Афғонистон, инқилоб давоми этади» асарида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Хорижий Шарқ, хусусан, Афғонистон мавзуси Қаюмов яратган киносолномада алоҳида салмоқли ўринга эга. У 1935 йилдаёқ совет киноэкспедициясининг опе-



тонги» фильми устида ишлаш Қаюмовнинг ижодида янги босқич бўлди ва уни ўзга халқлар тарихи ҳақида сиёсий руҳ билан сугорилган асарлар яратишга ундади. Натигада «Вьетнам — менинг ватаним» номли тўла метражли фильм экранларга чиқди. Бу асарда М. Қаюмов талантининг яна бир қирраси намоён бўлди. Фильмда эҳтирос ва идрок, самимий лирика ва жанговар публицистика ўзаро уйғунлашиб, экран воситаси ёрдамида захматкаш ва эрксевар Вьетнам халқининг ягона портрети, мамлакатининг яхлит қиёфаси тасвирланди. Шунингдек, ижодкорнинг қардош мамлакатлар халқлари ҳаёти ҳақида фильм яратиш борасидаги бу тажриба кейинги йилларда янги кино асарлари билан бойитилди. Ижодкорнинг юксак маҳорати унинг навбатдаги «Ол-

раторлари қаторида «Чигирткага қарши кураш» фильмининг яратилиши, 50-йилларга келиб ва ундан кейин ҳам «Ҳиндикуш йўли», «Ҳирот — Қандаҳор», «Ҳирот шаҳри», «Жалолобод гидроузели», «Наглу гидроэлектростанцияси», «Тоғлар ва афсоналар ўлкаси» каби афғон халқининг ўтмиши ва бугуни, тарихий обидалари, замонавий қурилишлари, урф-одати, қўшни халқнинг социалистик мамлакатлар билан ҳамдўстлиги ва ҳамкорлигини аке эттирувчи кинолаҳзаларни яратди. Мана шунинг учун ҳам «Ер ислоҳоти», «Афғонистон, инқилоб давоми этади» фильмларининг яратилиши режиссёр учун тасодифий бўлмади. Ижодкор бугунги кунда афғон халқи диёрида рўй бераётган туб ўзгаришларга, Савр инқилобига ва бу инқилобни

Узгончи

ФАНТАСТИК ҲИКОЯ

бўғиб ташлашга ҳаракат қилаётган халқаро реакция кирди-корларига, асилиқчиловчи унсурлар хуружига бепарқ қараб тура олмай. Доимий ҳамроҳи — кинокўзгунини жанговар қуролга айлантириб, қўшни мамлакат ҳаётида содир бўлаётган тарихий воқеаларни кинолентага муҳрлашга отланди.

Фильмнинг дастлабки кадрларида томошабин кўз ўнгига асрий Ҳиндикуш тоғлари, мамлакатнинг гўзал табияти, қишлоқ ва шаҳарлари, кўп элатли аҳолисининг турли қатламлари, маданияти ва турмуши, ўтмиши ва бугунги куни намён бўлади. Масалан, Савр инқилобининг дастлабки куртаги бўлган ер изоҳотида бағишланган эпизодда янги ҳаётнинг асосий иштирокчиси сифатида овоз эрининг хур эгаси афгон деҳқонининг образи гавдаланган. Феодал тузум туғайли асрий кулликка маҳкум этилган деҳқон энди ўз ерига эга. Қаранг, у оёғи остидаги тупроқни нақадар эъозлайди, бир ҳовуч тупроқни қафтларига олиб кўзига, юзига суртади, кириқлари орасидан қувонч ёшлари сизиб чиқади. Бу ҳаётини кадрлар томошабини ларзага солади, тўлқинлантиради.

Фильм ижодкорлари ўз қаҳрамонларини лентага шунчаки кўчирибгина қолмай, аксинча уларнинг ҳар бири тимсолида халқнинг эрка бўлган ташналигини, исёнкор инқилобий руҳини, порлоқ истиқбол сари интилишларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Натияжада, инқилобий ўлканинг ахлит манзараси билан бир қаторда, эрксевар халқнинг умумлашма образи гавдаланади. Кинолавлаларнинг ҳаётини чиқиши режиссёр Малик Қаюмовнинг юксак маҳоратидан далолат беради, ҳаётини тажрибасининг меваси сифатида қабул қилинади.

Шу ўринда Малик Қаюмов ижодининг яна бир қиррасини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Биз бадний фильмларда кинохроника кадрларини кўплаб учратамиз. Лекин ҳужжатли кинода бадний кинолавлалардан фойдаланиш — камдан-кам учрайдиган ҳодиса. М. Қаюмов худди ана шу бадний сюжетларни фильмнинг композицион қурилишига бутунлай синдириб юборган. Натияжада, фильмнинг таъсир кучи ошган, сиёсий мазмуни янада теранлашган.

Режиссёр эски хроника материалларидан ҳам умумли фойдаланган. 1919 йили Афғонистонда инглизлар интервенцияси инқирозга учрагандан сўнг совет халқи биринчилар қаторида афгон халқига дўстлик қўлини узатади. Афғонистон амири Омонулло Москвага дўстона визит билан келиб, Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин билан учрашади. 1921 йили эса Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида биринчи шартнома имзоланади. Фильмнинг кейинги лавҳаларида ана шу ҳамкорлик, самарали ва ўзаро иқтисодий муносабатлар меваси бўлмиш бунёдкорлик ишлари, совет мутахассислари ёрдамида Афғонистонда барпо этилаётган бир қатор халқ хўжалик объектлари кўрсатилади.

Афғон халқи тарихидаги улкан

ўзгаришларни ҳозиржавоблик билан кўпмиллионли совет томошабинларига манзур қила олганлиги ва бу мавзунини изчил давом эттираётганлиги, «Паранжи», «Ер изоҳоти» ҳамда «Афғонистон, инқилоб давом этади» картиналари учун режиссёр Малик Қаюмовга, операторлар Турди Нодиров, Шухрат Маҳмудов ва «Известия» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Александр Бовинга СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвон берилди.

Максим Горький: «Санъатнинг асосини у ёки бу гоя учун кураш ташкил этади. Бепарқ қараб турувчи санъат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас», деган эди. Модомики, шундай экан, кинематографиянинг жанговар жанри бўлган ҳужжатли кино, жумладан, ўзбек ҳужжатли кинос усталари ҳам бугунги сиёсат майдонидан четда турулмайдилар. Афғонистондаги инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган воқеалар режиссёр Малик Қаюмов, операторлар Турди Нодиров ва Даврон Салимовлар ҳамкорлигида яратилган «Республикага қарши ким ўқ узмоқда» фильмида ҳам бевосита давом эттирилади. Фильмнинг дастлабки кадрлариёқ томошабини Афғонистондаги ва унинг чегарасидаги муҳим воқеалар гирдобига тортади. Илк картина ёнаётган машиналар, харобага айланган уйлар, ўлдирилган одамларнинг ачинарли қиёфасини тасвирлашдан бошланади. Хўш, бу вайронагарчиликларни ва ёвузликларни кимлар амалга ошироқда? Қайси мурдор шахслар инқилоб душманларига раҳнамолик қилмоқда? Ана шу саволларга жавоб ахтариш, ватан хоинларининг асл башарасини фош этиш учун фильм ижодкорлари кинокўзга нигоҳини Пешавордаги бадкирдорлар қароргоҳига қаратадилар. Бу ердаги ҳарбий лагерларда ўз Ватанига, халқига суиқасд уюштиратган, ўқ узётган жосуслар галаси, уларнинг ҳомийлари турли хил машқлар ўтказишмоқда.

Мана, ана шундай дахшатли машқлардан бири. Инсоний қиёфасини йўқотган ашаддий калла-кесарлар оддий нишонга эмас, нишон сифатида ўз ватандошининг кўксини мўлжал олиб ўқ узмоқда. Улар ана шу тариқа одам ўлдириш «санъатини» ўрганишмоқда.

Тўқилган кўз ёшлар, норасида гўдақлар ноласи, бегуноқ тўқилган қонлар, оналарнинг фарёди исзис кетмади. Мана, ниҳоят интиқом дамлари етиб келди. Қора курсида бир гуруҳ инқилоб душманлари: сохта виқор билан ўтиришмоқда. Кадрлар томошабини ларзага солади, уларга нисбатан ачиниш эмас, нафрат туйғусини уйғотади. Бу эса фильмнинг жанговарлик руҳини янада кучайтириб, сиёсий мазмунини бойитади.

Фильм композицияси пухта тузилган бўлиб, кадрлар тизмаси, рафон ёзилган диктор текстлари, бир маромда жананглаб турувчи музыка садолари бир-бирини бойитиб, кўтаринки руҳ бағишлаган.

Баҳодир МУҲАМЕДОВ,
киношунос

Грэм Кракен жон бераётганди. У врачнинг нечанчи мартади ишонтиришга уринишини тинглаб экан, нигоҳи шифт бўйлаб маҳкум дайди эди.

— Бу ягона имкон, бундан ташқари, сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз. Қачонлардир келажақда табобат етарли даражада равақ топиб, сизни эритишга ва жонлантиришга қодир бўлади. Кўп касалликларни даволашни унчага ўрганиб оламиз. Сиз яна ҳаёт кечирасиз...

Кўп ўтмай Грэм Кракен музла-тилди.

Тушида иссиқ денгиз бўйида эмиш, бироқ аста-секин уйқуси тарқаб, у кўзини очди. Нотаниш палата, қаравоти ёнидаги юмшоқ ўриндикда қандайдир киши ўтирибди.

— Тонгги салом! — деди ташриф буюрган киши. Кўринишдан унинг ёши етмишларда эди. Социга оқ оралаган, юзи ажиндор.

— Салом! — дея алик олди Кракен, сўнгра нима дейишини билмай кўшимча қилди. — Сирғангиз ажойиб экан.

— Ташаккур сизга. Бу антенна.

— ???

— Қулоқ солинчакларига радиоприёмник тикилган.

— Нера?

— Stereo!

— Радиоприёмниклар қандай қўйилади?

— Қўйишнинг ҳожати йўқ, ўзи ишлайверади. Бугун ҳаво жуда зўр.

— Ҳа, дарвоқе, буни дарвор фаҳмламабман. Мавриди келганда сўрай, энди об-ҳаво назорат қилинаётганими?

— Бир мунча вақт синаб кўри-ди. Кейин уринмай қўйдик.

— Қарама-қарши талаблар ҳаддан ташқари кўпми?

— Эҳе.

— Афсус, — Кракен парда тутилган ойна томон назар ташлади. Тўсатдан парда ортидаги ойна чил-чил бўлиб учиб кетди.

— Нима бу! Кўча жангинми? — деб сўради у ваҳимага тушиб.

— Йўқ. Товушдан тез учар транспорт. Синган ойна ўрнига автоматик равишда янгиси сирғаниб чиқди.

— Ҳа, айтганча, ҳозир нечанчи йил?

— Икки минг саксон саккизинчи йил, — деди чол унга жавабан.

— Менинг мол-дунёمنى сиз билмайсизми? Пулларимни? Мулким, ер-сувумини?

— Ҳеч нарса қолмаган бўлса керак, деб қўрқаман. Сизни жонлантириш ва даволаш учун кетган жами харажатни мен кўтардим.

— У-х, мен сиздан жуда миннатдорман. Мен сизга қандай қилиб ташаккур айтишни ҳам билмапман, — деди Кракен.

Унинг ойна томонга қарагиси келди ва тирсагига таяниб ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

— Марҳамат, қамирламанг, деди чол безовталаниб. — Сиз юрак кўчиб ўтугунча дам олиб ётишигиз керак.

— Вой, товба-ей! — Кракен ётиққа ястанди. — Менинг ҳали юрагимнинг нимасидир жойида эмасми?

Чол бошини чайқади ва оҳиста туриб, ўтирилди.

— Сизникининг ҳаммаси жойида. Менинг юрагим жойида эмас. Сизнинг юрагингиз ишлаб кетгунча, менинг юрагим сизга боғланган эди,

Русчадан Э. МУҲАММАД таржимаси

ҚУРИҚХОНА КЕРАК!

Оқбощ — тоғ бағрида, кўм-кўк ўрмонлар ёнида жойлашган қишлоқ. Бу ернинг табияти ўзгача. Унинг йилнинг тўрт фаслида тўрт хил рангда товланиши киши қалбига ҳузур-ҳаловат бахш этади. Тонинг минг ёшли кўм-кўк арчаларини, ложувард муздек зилол сувлари ва муссаффо ҳавосини айтмайсизми...

«Оқбощ» ўрмон хўжалиги 1925 йилда ташкил топган. Унинг кўлами 29 минг 745 гектар бўлиб, табиий арча майдони 10 минг гектарни ташкил этади. Кейинги йилларда янгидан 100 гектарга арча экилди, 20 гектарга яқин майдонда пистазор барпо этилди.

«Оқбощ» хўжалиги жонкуяр ўрмончиларининг саъй-ҳаракати билан ҳар йил давлатга 30 центнер анзур пиез, 10 центнер зира дони ва анчагина миқдорда писта топирилмоқда.

Ҳа, она заминнинг бағри бит-

мас-туғанмас бойлик. Яна бир ноёб бойлик бу — тоғларнинг ҳайвонот оламидир.

«Оқбощ» хўжалиги мутахассисларининг тахминий ҳисобларига кўра, тоғ бағрида 140 та қўбон, 18 та жайрон, 480 та қўён, 1 минг 230 та қалқик бўлиб, улар қилмоғга муҳтождир.

Баъзи ўйловсиз кимсалар тоққа чиқиб, қўшоғиз миллиқ билан қалқик ёки қўённи нишонга олиб жароҳатлайди, уйга ўлжа билан қайтади. Бундай бепарво «овчилар»нинг табиятга, унинг ҳайвонот дунёсига шикаст этказишига йўл қўймағимиз лозим. Деҳқонобод тоғ ўрмонларидаги ҳайвонлар муҳофиза қилинадиган қуриқхона ташкил этилса, аини муддао бўлур эди.

Хуррам МАҲМУДОВ

Деҳқонобод райони

«Венера-1» Гагарин парвозидан роппа-роса икки ой илгари — 1961 йил 12 февралда Лонг юлдузига учганлиги ёдга тушди. Бундан чиқдики, бизнинг зухрошунос автоматик «космонавт»ларимизнинг меҳнат стажига космонавтомдамга нисбатан кўп.

Агар биринчи космонавтга ер атрофи орбитаси бўйлаб учини ўрнига Зухрога бориб келиш таклиф этилганда, у ҳеч шак-шубҳасиз рози бўларди. Бошқа кўнгилдилар ҳам кўнлаб топилар эди. Ҳатто шаронти чинакам жаҳаннам — булутдан сульфат кислотаси шивалаб, сайёра юзасида эса бемалол юз атмосфера босим, ярим минг даража иссиқлик ловуллаб туриши эълон қилинган тақдирда ҳам учини талабгори чиқаварарди. Биро, Зухро сувизликдан, бекиёс жазирамадан, ҳеч қачон қуёш юзидан кўрмайдиган тўқ сарик булутлар кўрмасидан иборат.

Бари бир олимлар автоматларнинг ишлаши учун бу кийинчиликларнинг барини тўғри ҳал этганлар. Шу сабабли автоматлар ҳам куйдирувчи туманлар қатламини қаҳрамонона тешиб ўтди, пачоқловчи босим ва эзиб-эшиб юборувчи олов ҳароратига чидади, шуларга қарамасдан сайёрадаги ҳаётни татиб кўришга ажратилган лаҳзаларда автоматлар у ерда нималарни «кўрган», «эшитган», «силаган», «ҳидлаган» бўлса, ҳаммасини ерга узатишга улгурди...

Автоматлар ортида нозик сезадиган ва улкан ишончга эга асбобларни яратган одамлар турирди. Ҳатто неонларнинг жуда камёб изотопларини ушлаб олишга қодир таркиби газли атмосфера анализатори, қўниш майдонини кўрсатувчи ва унинг рангли суратларини Ерга узатувчи телефонметр, пармаловчи дастгоҳ ҳамда заминни дарҳол аниқловчи миңлаборатория, электрисизлаштирувчи регистратор, «зухро-қимирлаши»ни тутувчи сейсмография асбоблари... Вугунги кунда — янгилик, улкан синов.

...Икки соат муқаддам ҳаво кирмайдиган-чиқмайдиган аппарат «вагондан чиқди» — асосий машинадан ажралди ва Зухро атмосфераси томон жадал йўл олди. Атмосферага қадар бир соатдан сал кўпроқ йўл босди. Мана, иссиқликдан сақловчи «ёнгёк» ёрилди ва махсус парашют унинг устки қисмини бир томонга олиб кетди. Худди шу қисмида аэро-стат зонди яшириб қўйилган эди.

Зонд Ерда ўз бунёдкорини жуда кўп ташвишлантирди. Сульфат кислотасида чўмилишга қодир ва гелий ичида тутиб туришга чидайдиган, мутахассисларнинг инонтиришига қараганда, шивалар аро кириб кета оладиган энгил ҳамда мустаҳкам пўстлоқ материаллини излаб топиб кўрингчи, ахир. Бу материал сифатида

Космос сирлари

ДУМЛИ ЮЛДУЗ ИЗИДАН

«ВЕГА» ЛОИИХАСИ: ЗУХРОГА ҚУНИШ

лак қатлами қопланган фтор газламаси танланган эди.


Лекин Ерда бўлаётган ташвишлар ҳозирги кутини олдида ҳеч нараса бўлмади. Мана, телеметрия аппарат пўстлоғи гелий билан тўлганлигини хабар берди. Мана, таг қисмидаги металл юкпосанги узиб ташланди. Аэро-стат ҳаракатсиз ҳолатдан юқорига чиқди ва Зухронинг тунидан кундузи томон экватор бўйлаб эллик тўрт километр баландликда ҳаракат қила бошлади. Матлумки, Зухронинг ўз ёруғлик қонунлари бор. У ерда қуёшли кун сайёранинг ноодатий «қарма-қарши» айланиши сабабли ернинг 117 кунига тўғри келади.

Бу чоққина метеостанция Помир тоғларидаги ёки Тинч океани оролчаларида ишлаганида ундан ҳеч қандай галатилик кутилмас эди. Лекин Зухронинг кирмизи булутни орасида-чи! СССР Фанлар академияси Фазони тадқиқ этиш институти директори академик Р. Саъдиева Пасодена (АҚШ) шаҳридаги Америка Сайёра жамаиётидан табрик телеграммалари келди. Ҳар ярим соатда зонд ўзи қақида беш минутлик ахборот бериб турди.


ни ликопчасига гўё «пачоқлаиб» ёпишди. Аммо атмосферани ўрғанивчи дастгоҳлар ишга тушиб кетди — улар биринчи бўлиб ўзларини куйдирувчи таъсири қабул қилди, ишлаб чиқиб, эстафетани махсус қўтиларга яширилган дастгоҳларга узатди. Телеметрия хар бир метр пасайганда оташ дошқозони қақида маълум қилиб турди. Энди бу оташ дошқозонга, бу оташ дийдор таърифига сўз йўқ.

Бундан олдинроқ СССР Фан-

ни қондириш учун ҳам кураш кетди. Уч килограммдан тортиб ўн етти килограммгача бўлган дастгоҳлар жойлаштирилган. Хар бири нафақат ўзигагина бепуқсон ишлаши, балки ўз куч майдони билан қўшнисига ҳам халақит бермаслиги керак. Бунинг учун то учини арафасигагина синовнинг 14 босқичидан ўтиши шарт эди. Авваламбор дастгоҳлар алоҳида-алоҳида синалади, кейин эса комплекс ҳолда тажрибадан ўтказилади.



«Вегас» станциясининг учини аппарати.



Зухрога қўнган «Вегас» аппарати.

Бизнинг Айяк Кўл ва Усурийск, Канаданинг Пептиктон, Американинг Форт-Дэвис, Испаниянинг Мадрид, Австралиянинг Паркс ва Конберра шаҳарлари ўзларининг радиотелескопларини тўғрилаб қўйишди.

Қани энди мана шу оқ пўстлоқда «СССР» харфлари катта-катта қилиб ёзилган бўлса! Бироқ шу харфлар ҳам харорат параметри қатламларини ўзгартириб юборди, ҳатто бўёқларнинг ортиқча граммлари ҳам бутун бир фаолиятга таъсир этар эди. Афсус — мумкин эмас.

Қўниш дастгоҳи тўхтатиш шаронтидан «ечилди» ва бу бемисл ўтхона аро ўтиб тўхтатиш қалқо-

лар академияси Фазони тадқиқ этиш институти лабораторияси мудири В. Субботин футбол календарига ўхшаш катакини кўрсатган эди. Тахминан ерда сигналган илмий дастгоҳларнинг жамлама жадвали шунга ўхшайди.

— Агар сизга қўниш дастгоҳининг ичини кўриш имкони туғилса эди, ундай тақдирда дастгоҳ ичидан сантиметр ҳам бўш жой топмас эдингиз. Аппаратнинг жипс жойлаштирилиши ва тузилиши олий даражада, — деди у. — Дастгоҳларнинг ишончли бўлиши учун, белгиланган ҳажмга қатъий амал қилиш учун, оғирлиги ва энергия талаби-

Мутахассисларнинг ҳолатидан кўришиб турибдики, улар ҳозир ҳам ўзларининг «фарзанд»лари ичига кириб, тебранган датчикларни ўз қўллари билан тўғрилаб қўйишга тайёр. Бироқ афсуски, орадаги 102 миллион километрик масофа имкон бермайди.

Вентилятор ички микроклимни сақлаб туриши учун радиатор орқали совуттич газни ҳайдар экан, ўзини қуршанган олов қуёни билан ашаддий курашди. Тезроқ, тезроқ! Ишлаётган ва маълумот узатаётган электрониклар контейнери деворлари тобора исияпти, химик батареялар сиқила бошлапти...


Лекин топириқ бажариб бўлинди...

Улар билан биргаликда яқинда радиолокация ёрдамида сайёранинг бўртма картасини суратга олган яна икки — «Венера-15 ва 16» станцияларини ҳам оташ дийдор гувоҳи бўлди.

«Вегас» станциясининг учини аппарати эса, йўлини Галлей кометаси сари буриб, учинида давом этар экан, қуёш батареяси қанотларини хайрлашув маъносидан силжатарди. Ҳозирча у Ерга радиосигналлар узатиб, турли хил ахборотларнинг ҳаммасини, шу жумладан, зонднинг жўшқин булутли атмосфераларидаги ҳаракат характери тўғрисида ҳам Ерга етказишга ёрдам бериб, «алоқачи» бўлиб ишляпти. Олти минут кечикиб бўлса-да, сигналлар аниқ қабул этиляпти. Учун тугагани йўқ — парвоз давом этади.

А. ТАРАСОВ

ЎЗИГА ХОС УЛУШ



«Минг бир кеча», «Калила ва Димна» каби китоблар дунёга машхур. Улардаги эртак ва ҳикояларнинг сеҳрли оламига совет китобхонини, шу жумладан, ўзбек китобхонини М. Салье, С. Муталлибов, С. Ғаниев каби таржимонлар олиб кирганлиги деярли ҳаммага маълум. Аммо бу таржимонларнинг шарқшунос олим эканликларини кўпчилик билмас керак. Ҳолбуки, ҳозирда зарбардаст шарқшунослар қаторида, илмининг заҳматли йўлига эндигина кириб келаётган истеъдодли ёш олимлар ҳам Шарқ халқлари ўтмиши ва замонавий маданиятининг турли жабҳаларини ёритувчи илмий ва илмий-оммабоп асарлар яратмоқдалар.

Кўпроқ ёш олимларнинг илмий фаолиятини ёритишга хизмат қилаётган «Востоковедение» («Шарқшунослик») тўплами шулар жумласидандир. Тўпلامнинг янги мажмуи¹ ўқувчилар қўлига теғди.

Тўпلامга киритилган мақолалар мавзу жиҳатидан афгон, пушту, ҳинд ва урду, эрон, араб адабиёти, араб шарқи, туркшунослик ва шарқ адабий алоқалари жараёнига бағишланган.

Мажмуа А. Маннонининг «Арзоний ва унинг шеърлари» мақоласи билан очилади. XVI асрда яшаб ижод этган афгон шоири

Мулла Арзонийнинг «Девон» и тадқиқот учун асос бўлган. Маълумки, шоир Арзоний Боязид Ансорийнинг сафдош ва маслакдоши эди. XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаган Боязид Ансорий эса, озодлик, тенглик тарғиботчиларидан бири эди.

Арзонийнинг ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар йўқ даражада. Аммо унинг бир неча нусхада сақланиб қолган «Девон» и мавжуд. Шу асосда унинг дунёқарши ҳақида муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Бунинг устига, «Тазкират ал-аброр ва-л-ашрор» китобида Дарвезий келтирган маълумотларни қўшсак, шоир Арзоний ижодидаги объектив баҳо берса бўлади. Шугина эмас, ҳатто XVI аср Афғонистонидаги диний-сафалий оқимлар ва улар орасидаги гоълар курашини тасвирлаб беришга имкон туғилади. Мақоланинг муаллифи шу далиллар ҳамда совет ва чет эл олимларининг шу бугунги кунгача Арзоний ҳақидаги мавжуд ишларига танқидий ёндашган ҳолда, «Девон» дан характерли шеърини парчалар келтиради. Буларнинг бариси шоир яшаган даврдаги Афғонистонда ҳар хил синфлар ўртасидаги гоълар курашини кўрсатиб беради.

Афғоншунослик ёки пуштушунослик қаршида ҳиндшунослик зарбардаст паҳлавон бўлиб кўринади. Чунки объектининг ўзи беҳад кенг бўлиши билан бирга, уни ўрганувчи фаннинг ўзи ҳам бир неча юз йил давомида жа-

хоншумул шухрат қозона олган. Энг зўр шарқшуносларнинг ўткир зеҳни ва меҳнатсеварлиги асрлар давомида ҳинд маданияти, адабиёти ва тилини ўрганишга қаратилди. Натижада, ҳиндшунослик фани ҳозирги кунда ҳам ўзини кўз-кўз қилиб турган улкан самараларни қўлга киритди. Билим ва меҳнатларини шу жабҳага қаратган ёш олимлар, улуғ сафлар ва катта авлодга мансуб замонавий алломалар изидан борар эканлар, ўзларининг илмий изланишларида сезиларли натижаларга эришмоқдалар. Бунинг энг яхши исботи тўпلامдаги О. Полинова, Р. Ғуломова, Т. Хўжаева, Р. Иноғомхўжаев ва Т. Назаровларнинг мақолаларидир.

«Ҳиндистоннинг XVI асрда қўшни мамлакатлар билан адабий алоқаларининг баъзи аспекталари» мақоласи ҳинд услубининг форсий адабиётга кириб келиши ва генеасини аниқлашга қаратилган. Қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун Ҳиндистон ва қўшни мамлакатлар адабий марказларининг ўзаро алоқаларини атрофлича тадқиқ қилиш зарур, деган фикр мақола йўналишини белгиланган. Масаланинг аниқлиги ҳамда бу соҳада ортирилган тажрибадан сикидиллик ва мохирона фойдаланиш натижасида мақола автори оригинал иш яратишга муяссар бўлган.

Кўпинча адабиёт фани шиддатли суръат билан ривожланаётган адабиётнинг ўзидан анчагина кейинда юради. Бошқа ҳамма адабиётларда бўлганидек, замонавий ҳинд адабиёти ҳам ўзининг гоъвий-тематик йўналиши билан авваламбор мавжуд борлиққа тобе-ди. Бугунги борлиқ эса, маълумки, узлуксиз ўзгариш ва характердадир. Адабиёт шу ўзгаришларни имкони борича инъикос этишга ошиқади. Шунинг учун бу муҳим масалага бағишланган мақолаларнинг пайдо бўлиши айни муддаодир. Зеро, ҳинд романи ва драматик асарларининг таҳлил қилиниши илмийгина эмас, балки амалий қийматга ҳам эгадир.

Бугунги кунда фақат мутахассисларнинг эмас, балки оддий китобхоннинг ҳам қизиқиш доираси ниҳоятда кенгайди. Эндликда у бошқа адабиётларни ҳам қизиқиби ўрганади. Шубҳасиз, бу ҳол халқларни бир-бирларига яқинлаштиради, прогрессив ва инсоний гоъларнинг тарқалишига ёрдам беради. Адабиётларнинг

мана шу хусусияти ҳинд адабиёти ҳақидаги тадқиқотларнинг ҳаммасида ўз атини толган.

Ҳозирги Эрон адабиёти ҳолатининг актуал масалаларига бағишланган мақола ҳам қизиқиш билан ўқилади. Муаллиф ўзи сайлаб олган масалаларни тадқиқ қилиш учун Ғуломхўсайн Сайиднинг «Тантанали кеча», «Қабр ва бешик», «Доядил» ҳикоя тўпلامларини жалб қилган ва 50—60-йиллар Эрон адабий ҳаётига тавсиф бера олган. Араб Шарқи — тўпلامнинг сўнгги мақолалари учун манба бўлган.

«Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий алоқалар» мақоласи ниҳоятда муҳим ва кенг масала таҳлилига йўналтирилган.

«Араб халқ кассаси» мавзуси арабшуносликда алоҳида ўрин тутади. У деярли тадқиқ қилинмаган, ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. «Араб халқ кассаси» таҳлилига бағишланган мақола муаллифи адабиёт назарияси, фольклоршуносликнинг бой тажрибаларидан самарали фойдалангани ҳамда манбаларни яхши тушунгани натижасида мазкур кассанин ҳоҳияти ва тадрижини дуруст очиб бера олган.

Тўпلامга кирган мақолаларда грамматик ва стилистик характердаги хатоларнинг мавжудлиги муҳаррирининг ўз ишига янада кўпроқ масъулият билан қарашни тақозо қилади. Бундай хатолар, айниқса, А. Маннонов мақоласида кўпроқ учрайди.

Шарқ муаллифлари ва асар номлари, — соддалаштирилган бўлса ҳам, — совет шарқшунослари қабул қилинган қоидалар асосида берилмоғи лозим. Масалан, «Хайр уль-байан», «Хайр ал-байан» тарзида берилиши маъқул.

«Шарқшунослик» тўпلامининг тематика ва мундарижаси ўз номига муносибдир. Тўпلامнинг 1984 йил сонига кирган мақолалар ҳиндшунослик, форсшунослик, арабшунослик, туркшунослик масалалари, ҳинд ва бошқа халқлар адабиёти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги адабий ва маданий алоқаларга бағишланган.

Умуман, «Шарқшунослик» тўплами ўзбек ва бошқа миллат шарқшуносларининг доимий изланишда эканликлари ва уларнинг совет шарқшунослиги тараққиётига ўзига хос улш қўшаётганларидан далолат беради.

Ботирбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати



Шарифбой Раимбоев (ўртада) бошлиқ комплекс бригада аъзолари Тахиятош ГРЭСини бешинчи навбати қурилишида унумли меҳнат қилмоқдалар.

БУ ДАВРОШ ҚИММАТИ

Мардлик —
мангулик

Вали ҒОҒУРОВ

ДОНЕЦК дарёсининг яқинда Қизил Байроқли 365-гвардия полки шиддатли жанг олиб борарди. Фашист босқинчилари кетма-кет ҳужумга ўтиб, жангчиларимизга тинчлик бермасди. Душман йirik талафот кўришига қарамай, Донецкнинг бир қирғоғига тезроқ ўтиб олиш ниятида эди. Сабаби, дарёнинг у томонида темир йўл шахобчаси бўлиб, ҳарбий кучларимиз шу ердан жанг майдонига йўл олишарди. Уч кун давом этган тинимсиз жангдан кейин полк чекинишга буйруқ олди. Жангчилар қош қорайиши билан овоз чиқармай кўприкдан ўта бошлашди. Сапёрлар батальонининг командири капитан Туфляков қолган тўрт нафар жангчини қоронғуда бир-бир кўздан кечириб чиқди. Сўнгра узун бўйли, қотмадан келган йигитга буюрди:

— Жангчи Шомақсудов, кўприкни портлатишни сенга топшираман, тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ капитан. Жангчилар ярим соат ичидаёқ кўприкдан ўтиб олишди. Шоасид Шомақсудов ишга тушди. Кўприкнинг уч ерига миға жойлаштирди. Уларни сим билан бир-биринга туташтирди-да, анча нарига бориб ашириниб ётди. Тонг отди. Душман кўприкка ақинлашди, сўнг кўприкни кўздан кечириб ўта бошлади. Душман солдатлари кўприкнинг тўртдан уч қисмини эгаллаганда, Шомақсудов дитанерланган симга гугурт ёқиб тутатди. Кўз юмиб очгунча кўприкдан асар қолмади. Душман дарё устига кўприк ясаб ўтуғунига қадар полк қайта куч тўплаб, қарши ҳужумни давом эттирди.

Сапёрлар мактабда таълим олган Шоасид Шомақсудов фронт линиясида бир йилдан мўлроқ вақт мабайнида кўп жанговар топшириқларни бажарди. Душман объектларини портлатишда қатнашди, қанчадан-қанча майдонларни минадан тозалади.

— 1943 йилнинг октябрида, — деб ҳикоя қилади у, — Днепр устига қурилган кўприкни портлатиш учун душман томонидан ташланган бомбаларнинг биронтаси ёрилмади. Орадан бир оз ўтгач, капитан Туфляков бизни дарё бўйига бошлаб келди. Ерга санчилиб ётган бомбаларни хавфсизлантира бошлади. Очиб қарасак, портловчи модда ўрнати-

ладиган жой қипиқ билан тўлдирилган экан. Унинг ичидан хат чиқди. Хат рус тилида ёзилган бўлиб, шундай дейилган эди: «Коммунистлар, қўлимиздан ни-маики ёрдам келса, ҳаммасини сизлар учун ишга соламыз».

Днепрнинг икки қирғоғида сочилиб ётган бомбаларнинг ҳаммасидан ана шундай хат олдик. Бу воқеа барча жангчиларимизни рухлантриб юборди. Негаки, Германияда ҳам бизга хайрихоҳлик билдирувчи немислар оз эмас экан.

Шоасид хизмат қилаётган 365-полк душманин кўзиб борарди. Днепрдан Киевгача бўлган масофани полк жангчилари яёв босиб ўтдилар. Қанчадан-қанча шахар, темир йўл станциялари билан юзлаб қишлоқлар душмандан озод қилинди.

Шоасид ва унинг жанговар дўстлари ҳар бир озод қилинган райондаги вайроғарчиликларни кўриб юраклари ачишар, ёндирилган қишлоқлар, дарахтларга осилган беғуноқ кишиларнинг жасадлари уларнинг қонини қайнатиб, ғазабини оширар эди. Батальон командири капитан Туфляков қош қорайиши олдида Шоасид бошлиқ тўртта сапёрга яна жанговар топшириқ берди. Бу гал улар душманин орқа томонидаги кўприкни портлатишлари керак эди. Капитан Туфляков жангчиларнинг қўлини қисиб, оқ йўл тилар экан: «Топшириқ тонг отгунга қадар бажарилиши керак, йўқса кеч бўлади», — деди.

Ҳаво совуқ, қор эланиб ёғмоқда. Қалин кийиниб олган жангчилар устиларига оқ плаш ёпиниб йўлга тушишди. Илгарилари Россиянинг бундай аёли совуғига бардош беролмайдиган немислар ташқарида бирорта соқчини қолдириб, иссиқ ертўлада жон сақлаб ўтиравершарди. Ҳозир эса вази-ят тамомига ўзгарган. Улар чекинишмоқда. Энди немис солдатлари иссиқ ертўлада беҳавотир ўтириша олмасди. Буни яхши билган Шоасид билан унинг ҳамроҳлари душман линиясининг ўтиш режаларини йўл-йўлақай тузиб олишди.

Улар чап қанотдаги пулемётчи яқинидан ўтишга қарор қилишди. «Пайқаб қолса, йўқ қиламыз, қани кетдик», — деди-да, Шоасид ҳамроҳларини олға бошлади. Урушда иш ҳаммиша ҳам унғидан келавермайди. Душман пулемётчиси йўлга чиққан тўрт жангчини пайқаб қолди. Жангчилар зудлик билан тўрт томонга тар-

қаб, пулемётчиларни ўраб олишди. Немис пулемётчиси оппоқ қор шуъласида бағриларини ерга бериб судралиб келаётган оқ плаш жангчиларни кўрмаса-да, тинимсиз ўқ узиб турарди. Орқадан етиб келган Шоасид билан Сергей Диденко деган жангчи иккала пулемётчини ер тишлатишгач, пастқам йўлдан илгарилаб кетишди. Анчагина қалинлашиб қолган қор жангчиларнинг илдам юришларига халал берарди. Тўрттала йигит кўп ўтмай терлаб кетди. Вир нафасга дам олишга тўхтаганларида Шоасид қор устига мук тушиб, қўл фанарини ёқиб соатига қаради. Соат миллари ун иккида турганини кўриб чўчиб кетди. Ирғиб ўрнидан турди. Ҳамроҳларини бошлаб жарсимон пастқамликдан юқорига чиқди. Бу ерда қор унчалар қалин эмасди. Ҳар қолда, тезроқ юришга имконият туғилди. Улар душман кучларига яқинлашганларида, йўлларини ўзгартириб, бир оз чеккага чиқишар ёки унчалар чуқур бўлмаган жарликка тушиб йўл босишар, хавф-хатар орқада қолгач, яна текис ерга чиқиб олишар эди. Ниҳоят кечаси соат учда мўлжалланган ерга етиб келишди. Кўприкдан бироз нарида тўхтаб, нафасларини ичга ютганча кузата бошлашди. Кўприкка чиқаверишда иккита немис соқчиси, афтидан совқотган бўлишса керак, сўкинганларича худди рақсага тушаётгандек ер тепинишар, майда қадам ташлаб ҳар томонга юришар ва яна ер тепини сўқинишар эди.

— Операцияни бошлаймиз, қани, Сергей Диденко, олдинга ўт, — деди пичирлаб Шоасид Шомақсудов немис тилини биладиган жангчи.

Тўртовлон кўприкка яқинлашиб бордилар. Немис соқчилари пайқамай қолди. Сергей Диденко худди немис офицеридек соқчиларга дўқ қилиб, уларга яқинлаша бошлади.

— «Уларингни бардам тунтингла! Бунақада совет разведкачилари келиб қолганини пайқамай қоласизлар».

Тиши-тишига тегмай қалтираётган душман солдатлари Диденконинг гапидан кейин хотиржам тин олишди.

— Узимизники экансизлар-ку, биз бўлсак...

Шу пайт етиб келган тўрт жангчи иккала соқчини кўз юмиб очгунча саранжом қилишди.

Шоасид Шомақсудов Диденко-

ни постда қолдириб, қолган икки жангчи билан кўприкни миналашга киришиб кетди. Жанговар топшириқ кўнгилдагидек бажарилди. Шундан кейин кўприкдан узоқлашиб, чакалақор ичида ғойиб бўлишди. Тонг отиши билан бошланган ҳужумга бардош беролмаган немис кўшинлари орқага чекина бошлади. Худди шу вақтда кўприк портлаб, душманин юзга яқин солдатлари билан ҳарбий техникаси муздек сувга ғарқ бўлди. Ушбу жангда душманин бир полк жангчилари қанчадан-қанча техникаси билан дарё ёнида асир олинди.

Киев яқинида Шоасид Шомақсудов яраланиб, госпиталга тушди. Бу гал ҳам у батальон командири капитан Туфляковнинг топшириғига кўра ўнга яқин сапёрлар билан жанговар топшириқни бажариши зарур эди. Вазифа аниқ — душманин орқа томонига ўтиб, у қочиб ўтадиган районни миналаштириш керак. Партизанлар отрядининг бошлиғи полковник Москарев фронт линиясидан ўтиб келган жангчиларни илиқ кутиб олди. Кун бўйи партизанлар билан тайёргарлик ишларида қатнашган Шоасид ва унинг дўстлари қош қорайиши билан белгиланган участкага йўл олишди. Лекин ўрмон устида тинимсиз учиб юрган душман самолётларидан ташланган бомба бир неча партизани, улар орасида Шоасидни ҳам ярадор қилди. Қўқларимиз душманин кўзиб, Киев остонасига етиб келгунга қадар Шоасид Шомақсудов ўрмон ичидаги партизанлар блиндажиде жон сақлади. Осолка ўнг оёғининг тўпингига теккан эди. Ҳарбий госпиталда узоқ даволадилар, лекин бутунлай тузатиб юборилинғи иложи бўлмади. Ниҳоят, 1944 йилда қўлтиқ таёк билан уйига қайтди.

Шоасид Тошкент область Калинин районига қарашли Свердлов номидаги совхозда яшади, шу райондаги мактаб ва ташкилотларнинг учрашув кечаларига қатнашди. Мен унинг сўзларини ҳузур қилиб кўп тинглаганман. Кўқрақлари жанговар орден ва медаллар билан тўла собиқ жангчи уруш ҳақида кишини ҳаяжонга соладиган бир-икки воқеани тапириб бергач, йиғилганларни тинчлик учун курашга чақирарди. У яқинда вафот этди. Бирок инсоният бахт-саодати учун курашган бундай кишилар халқ қалбиде ҳаммиша тирикдилар.

ТОШКАНБОЕВ САНЪАТИ

Цирк

...Зал секин ёришиб, карнай-сурнайларнинг, ногоранинг машаки авжга чиқади. Манежда дор тортилган. Томошабинлар ҳаяжонда. Созлар овози сусаяди...

— Энди навбат ўзининг мисли кўрилмаган мўъжизавий ўйинлари билан довруқ таратган, ажойиб дорбоз Тошканбой Эгамбердиевга! У бугун 10 яшар ўгли Обиджон билан дорда ўзининг янги ўйинларини намойиш этади.

Мана, елкасида 10 яшар ўгли Обиджон билан Тошканбой Эгамбердиев қалтис дор ўйинларини ижро этапти. Юрагини ҳовучлаб томоша қилаётганлар ҳайратда. Дор ўйинлари тугаши билан ҳамма ёқни гулдурос олқишлар босиб кетади...

Тошкент Давлат цирки биносида яқинда бўлиб ўтган тантанали кеча бундан 60 йил аввал бўлиб ўтган юқоридаги лавҳа билан бошланади. Чунки бу тантанали кеча 1925 йилдан бери — ўн ёшдан бошлаб дор ўйинларида иштирок этган Обиджон Тошканбоевнинг туғилганига 70 йил тўлиши муносабати билан ўтаётган эди.

Ўбилей комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Театр жамияти президиуми раисининг ўринбосари Бахриддин Насриддинов кечани очар экан, жумладан шундай дейди:

— Ҳозиргина санъаткорларимиз Обиджон Тошканбоевнинг ўн яшарлигида отаси — ўзбек циркининг асосчиларидан бири, РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ

артисти, Тошканбоевлар сулоласини бошлаб берган машҳур дорбоз Тошканбой Эгамбердиев намойиш қилган дор ўйинларини жонлантириб бердилар. Демак, Обиджон Тошканбоевнинг дорда ўйнай бошлаганининг ўзига 60 йил тўлибди!

Обиджон Тошканбоев ўтган ана шу давр ичида дорбозлик санъатини янада ривожлантириш йўлида хизмат қилди, кўплаб шогирдлар етиштирди, нодир бу санъатни ўғил-қизларига, неваралари ҳамда шогирдларига «юктира» олди, ҳамон уларга ўргатиб келаяпти. Унинг ўғил-қизлари, нева ва шогирдлари ҳозир мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Тошкент сингари кўпгина шаҳарларида томошабинларни хушнуд этмоқдалар. Шу билан бирга Обиджон Тошканбоев бу санъатини жаҳоннинг жуда кўп шаҳарларида намойиш қилиб келаяпти.

— Айни пайтда, — деди Ўзбекистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари Комил Иброҳимов, — Обиджон Тошканбоев коммунист ижодкорга хос жўшқин фаолияти билан кўпчилиikka ибрат бўлди. Тошкент Давлат циркининг бадий раҳбари, цирк санъатининг етук устоз санъаткорларидан бири ва мураббийси сифатида ёрқин, салмоқли ишларни амалга оширди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон ССР халқ артисти, деган қўтлуғ номга сазовор бўлди. Партия ва ҳукуратимиз унинг ижо-

дий меҳнатини муносиб тарзда тақдирламоқда.

СССР халқ артисти Оскар Оол Москва Давлат цирки номидан юбилярни қўтлаб, унинг бундан кейинги ҳаёти ва ишларида самара тилади.

Кечада Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри, Ўзбекистон радиоси, Олмалик шаҳридаги «Радуга» халқ цирки, Тошкент кўғирчоқ театри сингари жуда кўп икюдий коллективлар ўзларининг сахналаштирилган табриklarини намойиш қилдилар.

Кеча давомида юбиляр туғилиб ўсган юртдан — Андижон область Ленинск шаҳар партия комитети ва райижроком номидан Раҳима Файзиматова, Тува Автоном республикаси цирк санъаткорлари номидан РСФСР халқ артисти Овин Оол Оюн, республика киночилари номидан Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати, кинорежиссёр Латиф Файзиев, Тошкент Давлат цирки номидан унинг директори Баҳром Мажид

дов, шунингдек, «Совет Ўзбекистони» газетаси, Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи, Республика кассаба союзлари, Чет эллар билан алоқа қилиш Ўзбекистон жамияти, Тошкент театр ва рассомлик институти, Тошкент маданият институти сингари қатор коллективларнинг вакиллари ҳам самимий табрик сўзларини изхор этдилар. Шундан кейин қардош республикаларининг цирк коллективлари, атоқли цирк санъаткорларидан юбиляр номига келган қўтлов телеграммалари ўқилди.

Анжуманнинг бадий қисмида эса юбиляр — Обиджон Тошканбоев ҳамда қардош республикалардан ташриф буюрган машҳур цирк усталари иштирокида томоша кўрсатилди.

Шундай қилиб, таниқли цирк устаси Обиджон Тошканбоевнинг 70 йиллиги муносабати билан ўтган мазкур адабий кеча йиғилганлар хотирасида кўп миллатли совет циркининг муваффақиятларини кўз-кўз этувчи ёрқин тим-соллардан бири бўлиб қолди.

О. НАҲАНОВ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон Тошканбоевнинг 70 йиллик тўйида.



Обиджон Тошканбоев яна сахнада...

В. Мосин фотолари

КЎҲИТАНГ САДОСИ



Авалло, Кўхитанг терминининг ўзини изоҳлайлик. «Танг» сўзи тоғ дара, «кўх» эса тоғ маъносини англатади. Демак, Кўхитанг — бу тоғ дара тоғ, демакдир.

...Спелеологлар қазихда давом этарди. Пасткладан бугсимон қат кўтарилди. Бу ўша юзага қарст қатлами яқинлигининг нишониси эди.

— Охиригача қазамиз, — деди красноярсклик горшунослар отрядининг раҳбари Леонид Петренко.

Ҳали тағтиларида бир неча кун борлигини билган ёнидаги ўртоқлари унинг фикрини маъқулладилар. Улар бутун иш тағтилари шу ташвишга сарфланаётганини сезсалар-да, янги қарстни очиб истаги уларга ором бермасди.

Красноярск оғир машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаваскор туристик клуби аъзоларининг Кўхитангга биринчи келиши эмас эди. Улар аниқланган горларга янги йўл-йўлақлар қилдиран эдилар, янги горларини очиб эса осон эмасди.

Красноярскликлар бир неча кун давомида йўлакдаги тош уюминни териб четга оддилар. Гор кудугининг чуқурлиги эллик метрга етгач, ҳали оёқ босилмаган горни спелеологлар «Ноумидлик» деб атадилар. Ўшанда Петренко отряддагиларни иккига бўлди. Ўзи бир гуруҳ ўртоқлари билан ўша урилган жойда қолишди. Надежда Фролова бошлиқ иккинчи гуруҳдагилар эса қарстни янги чуқур жойларни ахтариб кетдилар.

Улар қонинг юқори кесигидаги қора туйнуки тезда фаҳламадилар. Гор оғзини яси тош гўласи, яъни ўзига хос табиат эшиги бекитиб турарди. Юз метрлар бандликдаги тошли девордаги тешикни пастдан пайқаш қийин эди. Бунинг учун синчков ва зийрак кўз керак эди.

Горшунослар тошдан ҳосил бўлган пеш тағига кирдилар. Бу худди одат-

Бундан уч йил илгари красноярсклик бир гуруҳ ҳаваскор горшунослар (спелеологлар) Кўхитанг тоғ тизмаси тармоқларида ҳали геологик харитада қайд қилинмаган горни топдилар. Унда ўнлаб одамлар ва ҳайвонларнинг мўмийланган жасадлари мавжуд эди. Бу ғаройиб тоғиёма кишиларда, айниқса, мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Спелеологлар «Кулсткамера» деб атаган горга горшуносларнинг қайта тушиши у ҳақда тарқалган шовишлич хулосаларга аниқлик киритди. «Вокруг света» (1985 йил, 2—3-сон) журналининг махсус муҳбири Алексей Таруновнинг маъқур мақоласида ўша гор сирасори ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Мақола қисқартирилган ҳолда бериләтир.

даги сунъий горга ўхшарди. Аммо қоронги бурчагида ярим метрлар бандликда ўтиш жойи бор эди. Григорий Сорокопуд ва унинг тағлифи билан Михаил Кудрявцев ўша томонга интилдилар.

Оёқ остидаги қора туйнук тобора кенгайгандек туюларди. Шу вақт унинг чанг гардини тўзғиди. Кимдир кўлидаги фонарни ёқди. Бошқалар ҳам етиб келишди. Фролова тубсиз зимистонга тош иргитди. Тош эса гор тағига тушмади, шекилли, ҳеч қандай садо эшитилмади.

— Эҳ-ҳа, жуда чуқур! — деди бардоши чидамай Сорокопуд. Яна каттароқ тош ташладилар. Бу гал ҳам тошнинг зимистон тағига бориб урилган сезилмади. Надежда Фролова «тубсиз кудуқлар» сари юришни бошқа қунога қолдирди.

Горшунослар маслаҳатлашиб, келаси кун тушишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар арқонни юз метргача узайтиришди. Илғакли темир қозилардан фойдаланишди. Муҳофаза қилувчи темир арқон ўша илақаларга маҳкамланди. Сўнгра тушиш гардини тозаланди. Шундан сўнг отряд командири Фролова тушишга буйруқ берди... Ахборотлар юқорига жонли занжир орқали узатилиб турди. Нихоят, дастлабки икки киши гор тағига етганлигини юқорига хабар қилишди.

— Чуқурлиги етмиш беш метр. —

деб хабар қилди пастга охириги бўлиб тушган Кудрявцев.

Улар машаққатли уч соат давомида пастга тушдилар. Қояларга чикувчи спорт мастери одатдаги шаронда бу масофани арқон бўйлаб уч сакрашда санокли дақиқаларда босиб ўтган бўларди. Ер тағидаги зимистон бўйлаб юришда эса рекорд қўйиб бўйсиз.

Горшунослар атрофга кўз югуртиришди. Улар тахминан узунлиги 80 метр, эни 2 метр келадиган қарст кенгликда турар эдилар. Оёқлари тағида зовилқанда эса чўқмор тошлар омонат осилиб турарди. Геологларнинг таъбирича, гор нураш босқичида эди. Горшунос разведкачилар ўзлари билан олиб келган шамларни ёқишди: атрофда одамлар ва ҳайвонларнинг мўмийвий жасадлари, қалин чанг босган хар хил нарсалар уюлиб ётарди. Улар беҳузур бўла бошладилар. Мўмийларни синчилаб кузатишди. Кейин эса улар дарров безовталаниб, бу қабристондан тезроқ кетмоқчи бўлишди. Лекин ўн кишидан иборат горшунослар вазиятни изоҳлашга ўзларини мажбур этдилар. Шу топда улар мўмийлар билан ортика қизиқиб, археологлар фикрига қараганда, топиламалар ёшини аниқлаш осон бўлган атрофдаги нарсаларга эътибор бермасдан, методологик ҳатога йўл қўйдилар. Бу эса гор сирини билиш ташвишини кейинги экспедицияга қолдиришга сабаб бўлди.

Ҳок-жасадларни яхшироқ кўриш мақсадида горшунослар бир мўмийвий жасадни ағдариб кўришди ҳам. Ўлиш олдида жон талашганда томирнинг тортишиб қолиши марҳумнинг юзида аялчи ва қўрқинчи из қолдирган эди. Шу бовсдан кўрган нарсаларидан бирор топни олиб чиқиб горшунос разведкачиларнинг ҳаёлларига ҳам келманли.

Улар тонг отгач «Ноумидлик» горига йўл олиш ниятини кўнгилларига тугиб, база лагерига қайтдилар...

Чоршанги темирйўл станциясидан Кўхитанг шундай кўриниб турарди. Лекин унга бориш анча машаққатли. Тоғ тизмаларидаги даштларда гордан-горга кўчиб юрган қичкина бир экспедиция ходимларини йўл кўрсатувчисиз топиш қийин эди. Шу бовсдан Чоршанги район комсомол комитетининг секретари Тўлаган Усмонов билан йўлга чиқдик.

— Горшуносларни тонамиз, — деди ишонч билан Тўлаган. — Узим шу тоғ қишлоғида ўсганман. Кўхитангнинг хар бир дарасини яхши биламан. Лекин ҳозир айнан қайси горнинг «Кулсткамера» деб аталишини айтолмайман. Чўпонлардан сўраб биламиз, улар бизга йўл кўрсатишади.

Машинада илон изи йўлар билан етиб келдик. Рўпарадаги қоя муюлишида кўк қўйлак кийган, катта оқ кепкали бир киши юқоридан пастга, биз томон тушиб келарди. Кўринишдан у ўша ерликларга ўхшамасди.

— Любин Василий Прокофьевич, Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси палеолитик отряднинг раҳбариман, — деб ўзини танитди у ёнимизга келиб.

Ҳали мен Ашхабадда бўлганда, Туркменистон ССР Фанлар академияси Ш. Ботиров номидаги Тарих институтининг Кўхитангдаги палеолитик отрядига, унинг раҳбари горлар археологияси бўйича етук мутахассис, профессор Любин билан учрашимни маслаҳат беришган эди.

— Тогда ўрмалаб келаётган машиналарингизни узоқдан кўриб қолдим ва шу заҳоти сизларга пешвоз чикни учун пастга тушиб келдим, — дея учрашувимизга изоҳ берди Василий Прокофьевич. — Демак, сиз ҳам «Кулсткамера» гори билан қизиқиласизми? — деди у менга юзланиб.

— «Улиқлар шаҳри» топилаганимиш-ку, у ҳақда кўнгина — турли хил тахминлар тарқалган, — дея атайлаб унга гап ташладим.

— Жумбоқни ечишга шовилманг, — дея менинг ганимин бўлди профессор. — Одамлар ва ҳайвонлар жасадларининг мўмийланши жараёни табиий йўл билан кечган. Горнинг микроклими таъсирида шундай бўлган. Одамлар бу ерга қандай келиб қолган, бу ҳали сирли. Ишончлорку хулоса чиқариш учун «Кулсткамера»ни кунт-эътибор билан текшириш



Сирдан қараганда гор изтироб дарасига ўхшамайди. Мутахассислар гор кудуги тағидаги ўзига хос кўрғоннинг ҳажмини аниқламоқдалар.



Қоплон ҳам гор қопқонига тушган.

керак. Билмадим, махсус тайёргарликсиз археологлар горнинг пастроқ қисмига туша олишармикан. Кеча красноярсклик горшунослар келишди. Улар гор кудугига тушишга хозирлашмоқдалар.

Кўхитанг жумбоги кўпчиликка ором бермасди. Тоғнинг турли бурчақларида, биринчи навбатда, горнинг ўзида Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси (ЮТАКЭ)нинг палеолитик отряди ибтидо одамларнинг изларини кидирди. Ҳаваскор тадқиқотчилар ҳам бизнинг горларни очишимиз қадимги даврлар билан шугулланувчи олимларнинг эътиборини тортади, деган умидда эдилар.

Гор-кудуклардаги уюмларни асосли равишда қазиб қўрмасдан туриб, қатъий хулосалар чиқариш қийин, — деди профессор чуқур ўйга чўмиб. — Горлар тағида жуда қадимий даврга оид топилмаларнинг яна бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Горнинг юқори галереяси тикмаларида биз кул ва сопол қодқиларини топдик. Тош қуроллар топилганича йўқ. Демак, гордаги топилмалар нисбатан кейинги даврларга оиддир. Уларнинг ёши ўн минг йиллаб эмас, балки юз йиллаб ўлчана керак.

Ахир, у ерга йирик ҳайвонлар қандай қилиб тушди экан? — дея қандайдир қарст қоққони ҳақидаги фаразга эътироз билдиришида горшунос разведкачилар. — Биз пастда отларнинг скелетларини ҳам кўрдик.

Улар бирмунча вақт гор сирлари ҳақида суҳбатлашгач, яна ишга киришиб кетдилар. Биз эса юқорирода қаттиқ туриб, археологларнинг мўминий қоплон жасадини қутига жойлаётганларини кўрдик.

Зоология музейига юборямиз, — деб бизга изоҳ берди палеозолог Геннадий Баришников.

Бир чеккада археологлар гордан топилган предметларни бирма-бир кўздан кеңиринди: жуи патлари ёйилиб кетган кигиз намат, катта ёғоч товоқ, қора уйнинг керагаси ва чангараги, қуви ва бошқа ҳар хил нарсалар. Буларнинг ҳаммаси гордан топилганди.

Мен Кўхитангдан қайтган, красноярсклик горшунослар дараалардан тошган топилмаларнинг сирини шарҳлатиш учун мутахассис олимлар билан учрашдим. Мана, уларнинг мулоҳазалари:

СССР Фанлар академиясининг Н. П. Миклухо-Маклай номидаги Этнография институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Б. Х. Кармишева:

— Ҳозирча бу топилмалар устида пухта археологик ва антропологик текширишлар ўтказилганича йўқ. Лекин Кўхитанг ҳақида анча-мунча маълумотларга эгамиз. Бу ўлканинг тарихи воқеаларга бой. Эраизгача бўлган биринчи минг йилликда қадимий дунёнинг энг бой ва маданий марказларидан бири бўлган Бактрия давлатининг бир қисми бўлган. Кейинчалик бу территория Кушанлар подшолигига ўтган... Мазкур территориянинг хусусияти шундаки, қадимда от-уловга асосланган дехқончилик билан кўчманчи чорвачилик маданияти худди шу жойда уйғуллашган. Энди горлардан топилган нарсалар хусусига келсак, мутахассисларнинг фикрича, булар ўрта асрларга оид эмас, кейинги даврга — Бухоро хонлиги даврига мансубдир.

СССР Фанлар академияси Археология институти Ленинград бўлимининг муdiri, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. М. Массон:

— Кўхитанг тоғи тизмалари ҳозиргача тарихчилар учун ўзлаштирилмаган қўриқдир. Нимагадир илгари археологлар бу жойнинг сирасерори билан қизиқмаганлар. Бу жойлардан, эҳтимол, қутилмаган нарсалар ҳам топилиши мумкин. Бир вақтлар бу тоғларда академик А. П. Окладников раҳбарлигидаги

ФИЛ ВА ФИЛБОН

Фил — ақлли жонивор. У жуда яхши ўрганади, нима талаб қилинаётганини тушунади ва ҳатто ташаббус кўрсатишга ҳам қобил. Яна бир муҳим жиҳати — филнинг машина билан рақобот қила олишидир. Зеро, кўп ҳолларда фил ҳам, машина ҳам бир хил — юк ташин, ўрмончилик ва ёғоч судраб ташин сингари ишларни бажаради. Албатта, филга зарур эҳтиёт қисмларнинг ҳождати йўқ, у қимматли ёқилги ҳам талаб қилмайди. Бироқ шу томони ҳам борки, фил бир кунда уч юз килограммгача кўк ейди. Дарҳақиқат, филни озиқлантириш муаммоси ҳазилакам гап эмас. Масалан, Шри-Ланкага ўхшаш аҳолиси зич ороларда учтўрт минглик филлар подаси мавжуд бўлса, жуда катта қийинчилик туғилади. Шри-Ланкада худди шунча фил борлигини мутахассислар ҳисоблаб чиққан.


Бу ҳисобга уй филлари, ёввойи ва ишчи филлар ҳам кирди. Гап шундаки, ёввойи филларсиз ишчи филларнинг бўлиши мумкин эмас. Хинд фили Шри-Ланкада эркин юрмаса кўпаймайди. Уй подаларининг тўлиб туриши учун эса, вақти-вақти билан ёввойи филлар ушлаб олинади. Ёввойи филларни овлаш билан филбонлар шугулланади. Лекин фил овлаш уларнинг асосий машғулот ҳисобланмайди. Филбонларнинг асосий иши — филларни ўргатиш ва улар билан ишлашдан иборат. Филбон ҳаммадан кўпроқ битта жонивор билан ишлашга мурассар бўлади. Ахир, у энг аввало фил боласини сут солинган шишада озиқлантиришдан бошлайди, ўт ўриб келиб солади, тозалайди. Биринчи йилнинг охиригача бориб, фил боласи бешта назифани бажаришга ўрганади. Бир неча йил ўтгандан сўнг — катта фил юзлаб топшириқларни ижро эта олади.

Маълумки, филларнинг умри одамларга нисбатан узунроқ, кўришиб турибдики, филбон ўз меҳнат тажрибасини битта фил устида ўтказишга тўғри келади.

Шу сабабли филбоннинг ўзи ҳам фил билан муомала қилиш санъатини кексаларнинг қатъий амалий назорати остида ёшлигидан бошлаб ўрганади.


Жониворнинг овозидан, терисининг рангидан филбон филнинг қайфиятини, касалликка чалинган-чалинмаганини ажрата олиши, уларни даволай билиши лозим.

Ўз фили йўқ филбон мутахассис бўлолмайди. Фақат овини қутиб, фил боласини таялаб, хуркак ва кўникманган жониворча ортидан сут



тўла шиша билан югурга-югурга у фил ўргатувчиликнинг машаққатли йўлида илк қадам қўйган ҳисобланади.

Л. ОЛЬГИН.



— Аввал таом, баъдас калом.

палеолитик отряд иш олиб борган эди. Уша тадқиқотларни СССР Фанлар академияси Тарих институти Ленинград бўлимининг палеолит сектори муdiri, тарих фанлари доктори Василий Прокофьевич Любин раҳбарлигида Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедициясининг палеолитик отряди давом эттирмоқда. Кейинги экспедициялар натижаси ибтидоий кишиларнинг хозирги Туркманистондаги унча баланд бўлмаган тоғлар бўйлаб тарқалиши ҳақидаги дастлабки таҳминни тасдиқлади. Красноярсклик горшуносларнинг топилмаларига эътибор билан ёндашиш лозим. Мазкур гор ҳақида аниқ илмий

тасаввурга эга эмас эдик. Бунинг учун «Кунсткамера» горидаги нарсаларни пухта ўрганиш керак. Махсус тайёргарликсиз, қояларда энчил юришни ўрганмасдан горларнинг тубига тушиш эса қийин эди. Биз ўз тадқиқотларимизда красноярсклик горшуносларга таяниб иш кўрдик. Горлардан топилган нарсалар Туркманистон ССР Фанлар академиясининг Тарих институтига келтирилди. Кўпгина мутахассислар улар билан обдон танишини имкониятига эга бўлдилар. Биз, мавжуд топилмаларнинг ёши 100-200 йилга яқин, деган хулосага келдик. Одамлар жасадига мўмин қопламалари ҳам, афтидан нисбатан

яқин даврларга оиддир. Археологлар Кўхитанг районини ўрганишга энди киришдилар. Шубҳасиз, кўпгина кашфиётлар ҳали олдинда.

Ҳа, ҳали бу горларнинг тилсимоти тўла очилгани йўқ. Ҳозирча ҳар хил мулоҳаза ва таҳминлар юритилаяпти. Горларни, жумладан, «Кунсткамера»ни изчил ўрганиш тарих фанининг барча мутахассислари ва маҳаллий ўлкашунослари томонидан давом эттирилади. Шу босдан ҳам кейинги экспедиция натижаларига нўқта қўйишга ҳали эрта.

Алексей ТАРУНОВ

«ОТИН» ЭМИШ...

Наргизахон дугонаси Дилшодахон билан қудалариникига кириб боришганда, беш хонали уй хотин-халаж билан тўла эди. Улар бу ерга қудасининг 103 ёшли онаси вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун келишди. Уларга алоҳида мулозамат кўрсатишиб, катта уйга таклиф қилишди. Наргизахоннинг юзида норозилик аломати пайдо бўлди. Чунки у ерда кеккайган, гап-сўзлари совуқ, кимлиги юзи-кўзидан маълум бўлган «отин хола» ўтирарди. Варибир хонадон соҳибаси таклиф этган уйга киришди. Аёллар билан саломлашиб, эндигина ўтирмоқчи бўлгандилар ҳамки тўрда — кўзига сурма тортган, хирхироқ овозли аёл ўтирганларнинг сийратига қараб муомала қила бошлади: «Ҳой жувон, мунча анқаймай, хув ана у ерга бориб ўтиринг. Ҳой Тўхта хола, ёнингиздаги кампир билан намунча оғиз-бурун ўпишиб қолдингиз? Хумдай гавдангиз ўлгини нарироққа ташланг».

Наргизахон билан Дилшодахон қарама-қарши томонга ўтириб қолишди. Наргизахон олиб келган меҳмони ёнига ўтиришни истади-ю, «отин» жойларни бўлиб қўйгани учун индамади. На илож, таъзияли жой. Нахотки, шу беандиша, султон-совуқ аёл «отин» бўлса? Кампир ёшига номуносиб тарада қиздай ясанган. Устида ялтироқ, атир гулли, тилла симли сербурма қилиб тикилган қўйлак, унинг устидан

тўқ қизил жемпер кийиб олган. Бошида чети кўк хошияли шохи рўмол. У рўмолини «Ҳаҳ, қуриб кетсин, шу рўмол ҳам жонимга тегди», деб тезгина елкасидан олиб, диван суянчигига ташлаган эди, орасидаги қалампир нуҳса ялтироқ эрон рўмоли товланаб кетди. Наргизахоннинг бир лаҳза кўзи тиниб кетди. Шу пайт қулоғи остида «отин»нинг яна бе-ўхшов овози гуруллай бошлади. «Аҳли аёллар, сизларга олдиндан айтсам, мен панд-насихат қилганда, бирортангиз шивирлашсангиз, овқатга қўл узатсангиз ёки гап-сўзларимни жон қулоғингиз, бутун вужудингиз билан эшитмасангиз, мен бундай нобақорларни шарманда қилиб чиқариб юбораман», деб огоҳлантирган бўлди.

Ҳали бу хангоманинг «дебочаси» эканидан беҳабар Дилшодахон билан Наргизахон отиннинг ҳаракатларига қизиксиниб ўтиришарди. Отин енгини шимараётганида совуқ ялтйраган тилла билагузук ҳамманинг эътиборини тортди. Атрофдагилар ўнғайсизланди. Отин эса, тинмай ўзини намойиш қиларди. Катта кўзли, жимжимадор узуқларга, анор гулли, тишли зиракка кўзи тушган Дилшодахон: «Е тава, қаерга келганини биладими бу ўзи?» дегандек, Наргизахонга маънодор тикилди. Эшиқдан кириб-чикиб турган уй соҳибалари ҳам хижолат торта бошлашди.

Отин узоқ чайналгандан сўнг:

«офат-қиёмат, қил кўприк»дан бичиб-тўқишга тушиб кетди.

Даврада ўтирган бир аёл отиннинг ваҳимасидан сўнг пиқиллаб кула бошлади. Шунда отин юракни ёргудай овоз билан: «Туринг, чикиб кетинг, мендай одам сўзлаётганда, хиринглашингизга бало борми, нервимга тегдингиз», деб уни чиқариб юборди.

«Аҳли аёллар, менинг гапларимни яхшилаб эшитинглар», дея яна вайсай бошлаганида, бир аёлнинг кўнгли беҳузур бўлиб қолди. Уни кўрган отин яна бобиллади: «Ҳай, синглим, ҳолингиз шу экан, нима қиласиз маъракаларга келиб?» деди-ю пул йиғар пайтгача ҳеч кимни бу ерда ушлаб туролмаслигига кўзи етди шекилли, ёнидаги хотинга: «Менга келган индийскийдан қуйинг ўша жувонга, ўзига келиб олсин», деди. Шундан сўнг отин дастурхондаги сархил таомларни титкилай бошлади. Афтидан у бу ерга нима учун келганини ҳам унутган эди.

«Ҳай, оппо ойи, хув анови нок чиройли экан, олиб юборинг, чой ичавериб, қорним шишиб кетди, зора овозимга шифо бўлса».

Отин тилла тишларини ялтйратиб нокни ямлай кетди. Шу пайт кимдир «уф» тортди. Отин «уф» тортган жувонга танбех берди: «Бундан бу ёгига бир жойга борар бўлсангиз, яхшилаб ухлаб, қорнингизни тўйдириб келинг, эрингиз яна ҳам хотин қилиб, қайнонгиз чидаб келар экан, намунча

бетоқатсиз. Агар менинг келиним олдимда «уф» тортиб юборса, оғзига шапалоқ уриб юборган бўлардим», деди у.

Бу жувон даврада ўтирган 95 ёшлар чамасидаги Ҳалима холанинг келини эди. Хола ҳам ҳалидан бери тўлиб ўтирган экан, ҳамманинг кўнглидаги гапни айтди: «Ҳай-ҳай, отинхон, сиз мендан ёш бўлсангиз ҳам журматингизни қилиб, индамай ўтирган эдим. Айланай, андишанинг отини кўрқоқ қўйманг. Келиним жуда аяқши, унга ноҳақ тил тегишиб дилдорлик қилдингиз. Беш йилдан бери бир гапимни икки қилмайди. Саккиз йилдан бери фабриканинг илғори. Бундай хангомаларда ўтирмамас эди-я, йўлда қийналмасинлар деб, мен билан бирга келган...»

Эшик олдида гоҳ хижолатдан, гоҳ газабдан қизариб-бўзарит турган уй соҳибаси вазиятни юмшатмоқчи бўлиб ҳаммани дастурхонга таклиф этди.

«Ҳай, ҳай, олдин мени рози қилиб, сўнг дастурхонга боқинглар», деди кўзлари олазарак бўлиб отин.

Биринчи бўлиб Дилшодахоннинг ёнидаги «бриллиант зиракли аёл» ўн сўмлик пул узатди. «Вужудингиз захмат чекмасин, қўшганингиз билан қўша қаринг, болаларингиз менинг ўғил-қизимга ўхшаб, олсин олдимрасин, есину едирмасин! Эрингизнинг қармонига барака берсин...»


«Отин» шу тахлит узоқ дуо қилди. Қолганлар ҳам отинга баҳоли қудрат пул узатишди. Отиннинг дуою муомаласи ҳам шунга яраша бўлди. Отин чапдастик билан пулларни санаб, сийнабандига тикиштирди-да, сўнгра нон-патири, ширинликларни дастурхонига ағдара бошлади. Манти, ток ош, сомса, олма, узум...

Бир зумда отиннинг олдидаги дастурхон тоғдай бўлди. Атрофдагилар ижирганиб кўчага чиқа бошлади. Бу ерда энди ортиқ ўтириб бўлмас эди. Ичкарида эса отин ҳамон сайрарди: «Ҳай, «им бор, машиналаринг ярим соатдан кейинга тайёр бўлсин, мен хотиржам овқатланиб олай».

... Афсуски, бу воқеани тасо-диф, «кахрамонларини» эса уйдирма, деб бўлмайди. Бундай манзараларга маълум шароит — манманлик, шухратпарастлик, фикрий маҳдудлик, «мен сендан камми» қабилда иш тутишлар сабаб бўлади. Юқорида «таъриф» келтирилган «отин» шундай кишиларнинг ерида «кўклайди». Бундайларнинг мақсади битта — меҳнатсиз кун кўриш, захматсиз бойиш. Бу йўлда улар ҳар қандай тубанликдан қайтмадилар, урфодат, анъаналар воситасида ниқобланадилар. Шу тарих қалол кишиларнинг дилини ранжитадилар, турмушимизга доғ туширадилар.

Бундай чиркин иллатларни аёвсиз фош этишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми йўл-йўриқлари биз учун дастурдир. Ошқоравийлик эса ҳар бир онгли, софдил киши қўлида маънавий қурул. Лекин бу қурулнинг ўқи эса пахтавон бўлмасин, сўз ва иш бирлигига эришайлик.

Маҳмуда УМАРОВА,
педагог





Сергей МИХАЛКОВ

НАСРИЙ МАСАЛ

ҚУЕННИНГ КЎПРИГИ

Хўкиз дарё ёқасида Қуённи учратиб қолди. Салом-алик қилишди.

— Қайёққа кетяпсан? — деб сўради Қуён.

— Нариги томонга ўтмоқчи эдим, — жавоб берди Хўкиз. — Кечикни қандай топсам бўлади?

— Кечикни бошинга урасанми? Ана, ёнингда кўприк турибди.

— Мени кўтара олмай синиб кетмасикан! — дея Хўкиз дарё устига қурилган кўприкка қараб қўйди.

Олим
ҚУЧҚОРБЕКОВ

Кўримсиз ҳовли, айвон. Бошига салла ўраган домла нималаридир пичирлаб ўтирибди. Совға-салом кўтарган йигит тазим қилиб киради. Йигит. Ассалому алайкум, домла почча!

Домла. Ваалайкум ассалом! Келинг, марҳамат, ўтиринг.

Йигит. (Ўтиради) Шу бир яхшилаб кўз тумор қилиб берсангиз, «Жигули» олгандик.

Домла. Янги машина денг... Ғалати тумор ёзиб бераман. Уни шундоқ кўринадиган жойга осиб қўйинг. Кўзи бор одам тоғни кулатади-я!

Йигит. Энди, домла, бизга кўз туморнинг энг зўридан бўлсин!

Домла. Балли, эртага тайёр бўлади.

Эртасига йигит туморни олиб, машинасига осадди. Йўлда катта тезликда кетаётганда «Жигули» ҳалокатга учради. Ярадор бўлган йигит ГАИ инспекторига мурожаат этади.

Йигит. Машинамга кўз тумор тақсам ҳам бўлмади, кўз теғди! Инспектор. Тумор таққунга қондага амал қилиш керак. Кани, кўз туморингизни очингчи, нима ёзилган экан.

Йигит. Уткир дуо... Инспектор. Ия, жуда «зўр дуо» ку! (Ўқийди)

«Жонон мунча кўзларинг шахло, Шахло кўзларингга ёш жоним фидо!»

— Қўрқмасдан ўтавер! — маслаҳат берди Қуён. — У сендан каттасини ҳам кўтарайди!

Хўкиз кўприкдан ўта бошлади. Уртасига етмаёқ кўприк қулаб тушди.

— Эҳ, сени қара-ю! — деди Хўкиз қирғоққа чиқа туриб. — Маслаҳатингдан ўргилиб қўйдим! Оёғингиз синдиришимга оз қолди. Ногирон бўлиб қолардим-а!

— Ақлим бовар қилмайди! — деб елка қисди Қуён. — Мен унда у ёқ-бу ёққа кун бўйи югуриб ўтсам ҳам қилт этмасди-ку!..

Асқар ҲАЙДАРОВ таржимаси

ТУМОР (ИНТЕРМЕДИЯ)

Йигит. Йўғ-е! Дуони ўқинг, унда жонон нима қилади.

Инспектор. Бунақанги туморларни кўп ўқиганмиз. Мана эшитинг, (Еддан ўқийди).

«Лакмани бошлаб, кўзтумор ёздим».

«Кўз теғмасин, мапани чиройли чўтирга»!

«Кўзинга қараб юрсанг, кўз теғмайди!»

Қалай, зўрми?

Йигит. (Қўлтигидан бўй туморини олиб, инспекторга узатади). Манавида нима ёзилган экан, ўқинг-чи!

Инспектор. Ҳозир (Туморни очиб ўқийди.)

«Усаверсин бўйларини,
Бўлаверсин тўйларини,
Кўп сўйилсин қўйларини
Ҳай-ҳай ёр, айланай!»

Йигит. Э, тавба, қанақа мул-ла булар!

Инспектор. Бу ишда ўзингиз ҳам айбдорсиз. Туморга ишониб, домланинг ёлғонига учгансиз. Бунақа воқеалар бошқа айрим жойларда ҳам бўлиб туради. Масалан, уругтлиқ Ҳамид Тўраев деган чалла мулла, жомбойлик Исоқбобо деган сохта эшонлар кўз тумор ёзишда отнинг қашқасидек таниғлиқ. Уларни самарқандлик тумортақар шо-

БИР ХУДБИНГА

Уткир САИДОВ

Сен безатдинг барча-барчасин: Ҳовли-уйинг, эшик, остонанг. Очиб олдинг бойлик дарчасин, Шоҳ қасрига айланди хонанг.

Эс-хушингни жилолар олди, Безашлардан толди тилагинг. Эссиз, фақат безанмай қолди Совук, ҳиссиз, қашшоқ юрагинг!

Бахшулла РАЖАБОВ

ҲАЖВИЙ ҚАТРА

Милицонер магазиндан чайқалиб чиқиб келаётган ипирски йигитни тўхтади:

— Ичбисиз, хужжатингизни кўрсатинг!

— Ичганим йўқ, — деди йигит қўлини оғзига қоққоқ қилиб.

— Ичмаган бўлсангиз нега чайқаласиз?

Йигит ишшайди: — Ер қимирлаган бўлса керак-да!

— Буни ҳозир зилзила марказида аниқлаймиз, — деди милицонер ва қўли билан махсус машинага чиқишга ишора қилди.

ЯРИМТА

Унниқиб кетган башарасини кумурсқадай тук босган қаримсиқ кимса қўлини паҳса қилиб хаёлий душмани билан уришиб келаётган эди, унинг ҳаракатларини кузатиб турган қариялардан бири ҳамроҳига ўтирилди:

— Қаранг, уста Холтойнинг кенжаси. Қирққа қирмай мункиллаб қолди.

— Машина уриб кетганми дейман, оёғини судраб босяпти, — деди ҳамроҳи ачиниб.

Қария изоҳ берди:

— Йў...к, уни машина уриб кетган эмас, яримта ичавериб яримта бўлиб қолган.

И. АБДУЛЛА

фёрлар яхши билишади. Тошкентлик Ориф Қодиров, Зокир Шокиров, янгийўллик Темир Турсуновларнинг шахсий машиналаридаги туморларга ёзилган тугуриқсиз гаплар гўё кўз теғмас дуо эмиш. Тумор осиш ўрнига улар кўча қоидаларига риоя қилсалар машиналари пачоқ бўлмасди. Тўйтепалик Одил Муллажонов эса, машинасининг олдинги ойнасига бемаъни ленталарни ёпиштириб, кўриш жойларини хиралаштириб қўйган. Оққўронлик Чори Мейлиев бўлса машинасига бўлмағур чет эл суратларини ёпиштириб олган. Бундай кўз туморлару қаланғи-қасанғи расмлар ҳаракат хавфсизлигига ҳалақит бериши аниқ.

Йигит. Туморга ишониб машинам пачоқ бўлди. Ана сизга тумору тақинчоқларнинг «каромат»и!

«АҲИЛ» КОРХОНА

Йигинда сўзлар бошлиқ: — Аҳил бизнинг корхона. Худди уларни туққан Дейсиз бир ота-она. Дарҳақиқат, инженер, Ўзин суйган қайниси. Бош бухгалтер ва кассир Энг яқин оғайниси. Ўғли мастер, куёви Катта участкага бош. Қисқаса, раҳбарларнинг Бари унга қариндош. Шу боис мажлисларда Мақтанади, кўнгли тўқ. Гапи ҳақ, чунки бунда Бегонанинг ўзи йўқ.

ЎЗИМИЗМИЗ, ЎЗИМИЗ

Харидорнинг ҳақидан Юлса бирон сотувчи Индамаймиз бўлса-да, Очик икки кўзимиз. Аслида юлғичларни Попугини силаган Сира бегона эмас, Ўзимизмиз, ўзимиз.

Агар «такси»га минсак, Счетчикда кўзимиз. Лекин қайтим сўрашга Чидамайди юзимиз. Бир оғиз илиқ сўзга Кетамиз ёғдек эриб, Юз амрин иссиқ билган Ўзимизмиз, ўзимиз.

Бузилса машинамиз Чопамиз «запчаст» излаб. Укамиз тенгига ҳам Елворамиз «сиз-сиз» лаб. Уч сўмлик нарса учун Кетади ўттизимиз. Керилтирган уларни Ўзимизмиз, ўзимиз.

Ҳал бўлмаса мабодо Бирор заур ишимиз «Элтамиз» «совға-салом» Тишга қўйиб тишимиз. Сўнгра ўтар амаллаб Неча ёзу кузимиз. Жонни қўйган азобга Ўзимизмиз, ўзимиз.

Беш-ўн киши тўплансак, Сўзлаймиз баландпарвоз Деймиз: «Иш қилмаёпти — Зарра «Зийрак кўзимиз». Аслида назоратчи Ушлаган ўғрини ҳам Қўтқаришиб юборган Ўзимизмиз, ўзимиз.

Самарқанд области,
Иштихон райони



СИНОВ ОЛДИДА

Маълумки, шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун шу йилнинг бошида Москвада ўтказилган матч ФИДЕ президентининг кўрсатмасига биноан тўхтатилган эди. Май ойида Тунисда ўтказилган халқаро турнир пайтида бу ерда ФИДЕнинг навбатдаги конгресси ўтди. Унда навбатдаги матчни ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Матчни ўтказишга талабгор шахарлар орасида Москва, Лондон, Марсель шахарлари бор эди. Конгресс совет гроссмейстерлари Анатолий Карпов билан Гарри Каспаров ўртасидаги тож учун бўладиган матчни яна Москвада ўтказишга қарор қилди.

Уч қарра жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ва 1984 йилги Оскар мукофотининг лауреати, чемпионликка даъвогар Гарри Каспаров ҳозир матчга жиддий тайёргарлик кўришапти. Улар тайёргарлигининг икки хил тактикасини танлашган. Бу тактикалар ўртасидаги фарқни шарҳлаб беришни биз Урта Осиёдаги биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамовдан илтимос қилдик:

— Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ниҳоятда катта турнир тажрибасига эга. Шу боисдан ҳам у маҳоратини учрашувларда синовдан кўра, дам олиш, назарий билимини, услубини такомиллаштиришни маъқул топти. У бир неча шахарларга бориб сеанслар берди, Одесса шахридаги кутубхонада бўлди. Бу кутубхонада шахмат тўғрисидаги энг ноёб адабиётлар сақланади. Улардан Анатолий Карпов аввал ҳам бир неча марта баҳраманд бўлган эди.

Гарри Каспаров эса тайёргарлик жараёнида ўз маҳоратини амалда синовдан ўтказишни афзал кўрди. Жумладан, Гамбург шахрида у Германия Федератив Республикасининг бир неча марта чемпиони, халқаро гроссмейстер Роберт Хьюбнер билан олти партиядан иборат матч ўтказди. Гарри Каспаров уч партиyani галаба

билан якунлади. Уч партиядо эса дуранг натижа қайд этилди. Бу Гарри Каспаров ҳар жиҳатдан чемпион билан тенг беллашишга шай эканлигидан далолат беради.

Бироқ Г. Каспаров яна бир марта ўз маҳоратини синовдан ўтказишни лозим топти. Югославия пойтахти Белград шахрида Швециянинг бир неча марта чемпиони, халқаро гроссмейстер Ульф Андерссон билан матч ташкил этди. Бу ерда ҳам совет гроссмейстери ажойиб маҳорат кўрсатди.

Энди жаҳон шахмат тожи учун ўтказиладиган матчнинг тартиби ҳақида тўхталайлик. ФИДЕ бу сафар йигирма тўрт партиyani сўнгги нуқта деб белгилади. Шу партиялар давомида қайси шахматчи биринчи бўлиб олти очко тўпласа, галабага эришади. Учрашув дуранг натижа билан якунланган тақдирда тож яна Анатолий Карповнинг ўзида қолади.

Маълумки, шу йилнинг бошларида Москвада ўтказилган биринчи матч ниҳоятда қўзилиб кетганлиги учун қатнашчилар, ташкилотчилар учун ҳам катта қийинчиликлар келтириб чиқарган эди. Буни Анатолий Карпов Ўзбекистонда бўлган вақтида ҳам эсга олиб, жаҳон биринчилигининг регламентидан норозилигини айтганди. Демак, ҳақиқат қарор топти, дейиш мумкин. Бу ерда ҳақиқий маҳорат эгаси бўлган шахматчи чемпион унвонини қўлга киритади. Чемпионлик совет гроссмейстерларидан қайси бирига насиб этишини тахмин қилиш мушкул. Чунки ҳар иккаласи ҳам шу кунларда энг шухрат таратган, кучли гроссмейстерлардандир.

Энди журналхонлар эътиборига А. Карпов ва Г. Каспаров ўртасида аввалги матчда ўйналган 47-партиyani ҳавола қиламиз.

A. КАРПОВ — Г. КАСПАРОВ

1. Kf3 Kf6 2. e4 e6 3. d4d5 4. Kc3 c6 5. Cg5 Kbd7 6. e3 Фа5 7. cd K: d5 8. Фd2 K7b6 9. K: d5, Ф: d2+10K: xi2 ed 11. Cd3 a5 12. a4 Cb 4 13. Кре2 Cg4+14. f3 ch5 15. h4 0—16. g4 Og6 17. b3+ 18. Кр: d3 Лf8 9. Лaс1 c 5 20. C f4 Лaс8 21. de Kd7 22. c6b c 23. Лhd1 Kc5+ 24. Кре2 f6 25. Kf1 Ke6 26. Cg3 Led8 27. Cf2 c5 28. Kd 2 c4 29. bs Ks5 30. e4 d4 31. Kb1 d3+ 32. Крb d2.

Шу вазиятда оқлар таслим бўлган эди.

Маматурсуян ОТАХОНОВ

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Насиба Абдуллаева куйламоқда.


В. Мосин фотоси

Зарварақнинг тўртинчи бети: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадрохимова

Р. Готов фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



ТОПШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРД

1. Узум нави. 2. Токларни кўтариб турувчи мослама, сўри. 3. Чўзилиб ўсувчи, меваси шифобахш ўсимлик. 4. Хўл мева. 5. Хосили ўрам шаклида етлувчи сабазот. 6. Сабзи навларидан бири. 7. Фасл. 8. Таомга лаззат берувчи тоғ ўсимлиги. 9. Серуруг ширадор хўл мева. 10. Таъми нордон хушхўр ўсимлик. 11. Шифобахш мевалардан бири. 12. Анор нави. 13. Тропик мева. 14. Пиёсасмон сабазот. 15. Полз экин. 16. Кечпишар қовун нави. 17. Субтропик мева. 18. Нок навларидан бири. 19. Қуриладиغان ўрик нави. 20. Майизбоп узум. 21. Қовун сайилларида ўтказиладиган мусобака. 22. Эртапишар хўл мева. 23. Гуллари чиройли, шифобахш мевали ўсимлик. 24. Олма нави. 25. Ўзбекистонда етиштирилаётган субтропик мева. 26. Дуккакли экинлардан бири. 27. Барги илак курти учун озука бўладиган мевали дарахт. 28. Хушхўр сабазот. 29. Ўсимлик тупини кўпайтириш усулларидан бири. 30. Серув хўл мева.

Чайнворд жавоб сўзларидан фойдаланиб шаклдаги пифрограммани ҳал этинг. Жавоби олти қиррали хонадан бошлаб, чизиқлар билан белгиланган айланалар бўйича давом эттириб ўқилади. Буида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур соҳибкорнинг исми, фамилияси ҳосил бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 7. «Танавор». 8. Нахимов. 11. Каттакўрғон. 15. Шифер. 18. Девон. 19. Бульдозер. 20. Колас (Якуб). 21. Сатин. 22. Ифара. 23. Хантал. 27. Печак. 28. Урдак. 29. Бақатерак. 30. «Сегох». 31. Зирак. 36. Ногора. 37. Жибилажибон. 38. Жайрон. 39. Эрмитаж. 40. Вавилон.

Бўйига: 1. Жавдар. 2. «Қамал». 3. Болта. 4. Тагра. 5. Ҳисор. 6. Новот. 9. Рахимов. 10. Погодин. 12. Қандил. 13. Механизатор. 14. Металлургия. 16. Гулалсар. 17. Ленинград. 24. Телефон. 25. Латифа. 26. Камалак. 32. Қизил. 33. Пичан. 34. Ливан. 35. Косиёб.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (бош расм), М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячый, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент—II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлими — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлиmlари — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.06.85 й. Босишга рухсат этилди 23.07.1985 й. P—09324. Қоғоз 70×108¹/₈. Оффсет усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр тобоғи 7,80. Тиражи 210512. Буюртма 1102. Нашр А.116.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000: Тошкент—II, Ленин кўчаси, 41.



Ветеранлар.




Байрам намойиши

В. Мосин фотоси.



Тоғ манзаралари.



Р. Готов фотолари.

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.
ISSN 0134-2207

